

Үз 2
Ү 80

Лола ЎРОҚОВА



16+

**Kitob shu yerda ko‘rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Лола ЎРОҚОВА

КЎЗГУ



Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи – 2018

УЎК: 821.512.133-32

КБК 84(5Ў)6

Ў 82

Лола Ўроқова. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги нашриётматбаа ижодий уйи, 2018. – 184 б.

Лола Ўроқова ўзининг “Ҳассага таянган бир кун”, “Икки дунё оралиғи” ва бошқа кўплаб китоблари билан ўкувчиларга яхши таниш. Навбатдаги китобдан адабанинг катралари ўрин олган. Кичик жанрнинг катта имкониятларини намоён килган бу жажжи асарлар фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, услубининг ўзига хослиги ва тилининг равонлиги билан эътиборни тортади, мунозарага чорлайди.

УЎК: 821.512.133-32

КБК 84(5Ў)6

© Faфур Гулом
номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи,
2018

ISBN 978-9943-5011-6-4

*Аслинг каби кўрин,
кўринганинг каби бўл.
Жалолиддин РУМИЙ*

ЎЗИ

Эх-хе... Унинг атрофида кимлар парвона бўлмади: кампири, ўғил-қизлари, келинлари... Бири келмай бошқаси кетмади. Тун-кун навбатчиликда туришди, ёлғизлатишмади. Нима демоқчи эканини юз ифодасиданоқ билишди. Айтганини муҳайё қилишди. Ҳеч ким миннат қилмади, ҳамма хизмат қилди...

Бундай толе тўшакда михланиб колган хар бир кишига ҳам насиб этавермайди.

У шукур қиласди... Шукур қиласди-ю, барибир юрагини армон пичоклайди. Ҳамма унга хизмат қилсаям, ҳамма атрофида гирдикапалак бўлсаям, ҳамма оқ ювиб оқ тарасаям, бирори қўл, бошқаси оёқ бўлсаям – ҳеч ким унинг ЎЗИ бўла олмаслигини аллақачон англаб етган.

МЕВА

Мевали дарахтга ўтган ҳам тош отди, қайтган ҳам. Ногаҳон тошлардан бири мевага тегиб, узилиб тушди. Тош теккан жойи бир зада бўлса, ерга тушган жойи яна бир зада бўлди – кўркини йўқотди. Энди унга ҳеч ким қарамай қўйди: тош теккан дейишди, зада бўлган дейишди. У дарахтнинг соясида, оёқ остида қолиб кетди...

Отилган тошдан эҳтиёт бўлмаганидан пушаймон Мева.

МУСАВВИР

Уни ҳамма буюк мусаввир деб билди. Чизган сувратларига боқиб маза килди: ям-яшил далалар, пурвиқор тоғлар, поёнсиз осмон, турфа феълли одамлар, кўйингки, кўз кўриб турган нимаики бўлмасин унинг чизмаларида қайта жонланди. Қаламини ўйнатиб, рангларни сўйлатиб, ўхшатиб чизди.

Аммо ҳеч ким уни шунчаки оддий нусхакаш экани ҳакида ўйлаб ҳам кўрмади. Аслида ҳеч кимдан кўчирмайдиган, ўғирламайдиган ва фактат яратадиган энг буюк мусаввир Табиатнинг ўзи.

МУҲАББАТ

Улар бир-бирларини кўрмай, билмай тақдир тақозоси-ю, ота-она ризолиги билан турмуш куришди. Жуда, яхши яшаши. Ҳаётлари тинч ва осуда бўлди. Баъзан тортишиб қолишса-да, зум ўтмай эсдан чиқаришди. Бирордан кўп, бирордан кам бўлишмади. Борига шукур қилишди. Болаларнинг дунёга келиши ришталарни мустаҳкам этди.

Иттифоқо эрнинг янада яхшироқ яшагиси келиб қолди. Оиласини янада баҳтиёр кўргиси келди. Ишга отланди. Узокроқ жойга. Аёли термулиб қолди. Болалари соғиниб қолди...

Қизиқ, телефон аёлнинг овунчогига айланди. Ошхонага кирса ҳам, қўшниникига ўтса ҳам қўлида телефон. “Дадаси кўнғироқ қилиб қолишлари мумкин”, – дейди ҳар икки гапнинг бирида.

Эри кўнғироқ қилиб қолган пайтлар юzlари яшнаб, кизариб кетади. “Кўнғироқ килдилар, – дейди кувончини ким биландир баҳам кўргиси келиб. – Соғ-саломат, ишлаётган эканлар. Ноябрда кайтаман, дедилар”. Шундай дейди-да, қўшиб қўяди:

“ Қачон ноябрь келаркин?”

Эри кўнгирик килавермаса аёл фаромуш ҳолда бир нуктага термулиб, хаёлга чўмиб кетганини ўзиям сезмай қолади.

Аёлни кузатиб турарканман, хаёлимдан бир ўй кечди:

“Мухаббат деганлари шу эмасмикин?”

У

У шундоккина сиз билан, ёнгинангизда яшайди. Кўл узатсангиз етади, аммо ушлаб бўлмайди, жон билан баробарки, ташлаб бўлмайди. Аслида ундан содик дўст йўқ, кувонсангиз кувониб, қайғурсангиз ранж чекадиган, жони оғрийдиган. Сиз ундан, у сиздан айро яшамайди, яшолмайди: келар йўл ҳам, кетар йўл ҳам битта!

Бир айби баъзан аклда пешгирилик қилмоқчи бўлгани, мен мавжудман, овозим ҳам бор, сен эса мавҳумотсан, дегани. Бу билан у акл деб номланган иноятнинг қурратини унутиб кўйсада, сизга яхшилик тилайди. Унга қулок тутиб гоҳ баҳтга бурканасиз, гоҳ...

У сизнинг Юрагингиз...

ХУРМО

Онаси янги уй қуриб чиққан ўғлига, болаларинг билан ейсан, деб бир челак хурмо илинди. Бу илтифот ховлидаги келинга ёқмади, харидор хисобини олиб кетган, эртага узишга келади, деб киёмат килди. Ўғил челакни ташлаб кетди...

Иттифоқо, шу кеч ҳаво кескин совиб, кучли қор ёғди. Қаҳрланган табиат дараҳт шохларида олтиндей осилиб ётган қап-сарик хурмоларни музлатиб, корайтириб ташлади. Бир кун аввал узилган бир челак хурмогина омон қолди...

Тонг сахардан Ука челакдаги хурмони күтариб акасиникига борди. Ака қабул қилмади ва... Баҳорда ховлисини тўлдириб хурмо экди...

ТИНГЛОВЧИ

У важоҳат билан, тўполон билан кириб келди. Гүё атрофда бўрон кезгандай, дарё тўғонини бўзгандай, гармсел ҳамма ёқда тўзгандай бўлди. Лаби лабига тегмай, бошини эгмай гапирди. Сўзлаб толмади, айтмаган гапи колмади. Дам сиёsatдан, дам иктисаддан олди, бор дардини тўкиб солди. Алами юрагига

сифмади, орада кўзидан ёш тўкиб йиғлади. Кимдандир нолиди.

Тингловчи на сўзини бўлди, на фикрини. Уни англади ва сабр-бардош билан тинглади. На гапинг тўғри деди, на нотўғри. Эшитаверди, эшитаверди...

Нихоят “бўрон” тинди. Бардош уни синдириди, лойқаланган сувни тиндириди. Энди тингловчи жиловни қўлга олди, ўзи ҳам у томон ўтиб олди. Уни қўллади, гапини маъқуллади ва хатосини ҳам секингина бўйнига илиб қўйди.

“Мени ҳеч ким сиздай эшитмаган... Тинглаганингиз учун раҳмат!.. Чарчаганга ўхшайман, шекилли”...

У шу сўзларнигина айтиб, мусичадай ювош тортиб чиқиб кетди...

ЖАВОБ

Осмонларда учиб юрган ёшлик ерда судралиб кетаётган кексаликка қичқирди:

– Ҳей!... Менга етолмайсан... Мен осмон-у фалакдаман... Оймомо шундоккина оёғим остида. Қўлимни узатсам юлдузлар кафтимга кўнади. Менга етолмайсан...

Кексалик жавоб қайтарди:

– Учавер, набирам, учавер... Сенга етишим шарт эмас... Мен у жойлардан аллақачон учеб ўтганман. Яхиси, ўзинг менга етиб келишинг ҳақида ўйла...

ТУПРОҚ

Ү ҳеч қачон ҳаволанмайди, кибрланмайди. Шундоқкина оёқ остида түшалиб ётади. Уни босадилар, тепадилар, кавлайдилар, аммо ранжимайди, ранж чекмайди.

У онадай хоксор, отадай улуғвор, Ватан билан баробар.

Келар Макон ҳам – у. Кетар Макон ҳам – у.

ДАРАХТ

Табиатнинг энг олий мавжудоти хисобланмиш одамзод атрофни яшнатиб, яратадиям, куритиб тўзғитадиям. Дам ёғоч-у тахта, дам ўтин-у болор деб яшнаб турган дарахтларни кесиб ташлайди, уларнинг инграганини эшитмайди, жони азоб чекканини хис этмайди, сабаби у – дарахтга бегона, у – одам.

Дарахт – олижаноб! Ўч олишни билмайди – одамзодга турфа **хил** меваларини армуғон килиш

билан бирга у нафас олаётган ҳавони софлаб, созлаб бераверади.

ШОГИРД

Ундан шогирди ўзиб кетди. Курсиси баландлашди. “Ўзимники катта бўлди”, деб қувонган устоз ўзиникидан топди. Шогирд унга келар йўлларни бекитиб ташлади, устозни бир четга суріб кўйди.

У ҳам худди шундай қилганди устозига. Қайтар дунёниг қайтиб келганини англади шунда.

ТАЁК

Таёкни тикка килиб кўйдилар. Ой ўтди, йил ўтди, йиллар ўтди. На шох чикарди, на барг ёзди, қакқайиб тураверди таёк.

Эсиз вакт...

КИТОБ

У эрталаб атай китоб дўконига кирди, кизи неча кундан буён “Ўзбек халқ эртаклари”ни олиб беринг, деб хархаша қилгани-қилган.

Пештахтадан китобни олиб, нархига қаради: 25 минг сўм!.

“Заҳардан қиммат-ку”, – лаблари буришди унинг Кўлинин чўнтағига бир сукди, бир чиқарди, китобни бир олар бўлди, бир олмас.

“Арзимаган битта китобга шунча пул тўлайманми? Шунга саҳал қўшиб икки кило гўшт олсам хотин бир ҳафта қозон қайнатади”, – ўйлади у ва китобни жойига кўйиб, дўкондан чиқиб кетди секин.

Йўлдалигида ҳамкасби кўнғирок килди: туманга иш юзасидан келган курсдош дўсти уни йўқлатибди.

...Тушликни курсдошлар бирга килишди. Шу куни у дўстининг димоғини чоғ қилиш учун 100 минг сўмнинг бошига сув қўйди...

УКА

У, ёнида хотини, “Нексия”сини учирив борарди. Иттифоқо, боғча рўпарасида, кўлида катта сумка, икки боласи билан судралишиб кетаётган опасига кўзи тушди. Ихтиёrsиз машинасини секинлатди, опасини уйига элтиб қўйгиси келди ва зимдан хотинига қаради.

Эри кўрган манзарадан энсаси қотган жувон кошларини чимириб, қовоғини осиб олганди. Хотиннинг турки масалани ҳал килди:

опасини элтиб қўйишга ҳадди сифмади ва яна
“Нексия”сини учирив кетди...

Хотиннинг зўри – эрнинг шўри.

МАСАЛ

Оғзи қип-қизил қонга тўлган бўри қуённи суд килар бўлди. Ҳайвонлар ҳайрон: нега ўрмонни ларзага солган қоплонни эмас, товукларни қийратган тулкини эмас, текканга тегиб тегмаганга кесак отган маймунни эмас, айнан кўй оғзидан чўп олмаган қуённи...

Негаки, қуён рўйхатга тушган, демакки, ўтга тушган. Оғзи қип-қизил қон бўри қилдан кийик ахтариб, тирнок остидан кир топиб қуёнбойни муттаҳамга айлантирмагунча кўйиб юбормаслиги аниқ...

ИЛЛАТ

Унинг ичида бир иллат борки, нима деб ном қўйишни билмай ҳайронсиз. Бу иллат қаршисида хasad ҳам ип эшолмай қолади. Тоғнинг бир коясига чикиб олиб текканга тегиб, тегмаганга харсанг улоктиргани-улоктирган. Мўлжали нишонга тегса берди Худо, тегмаса урди Худо.

Ундаги иллатни туғма десангиз, гүдакда бу иллат не қылсын ҳали онги бўлмаса, дейсиз. Кейин пайдо бўлган десангиз вужудига чирмашиб, етмиш минг томирини ўраб олганки, туғма бўлмаса шунчалар чукур илдиз отиб кетармиди, дейсиз.

...Хаммадан қояга қийин: атрофидан бир гул унади, на бир гиёх.

ҚУДРАТ

Пул авлиё эмас, аммо кези келса оқни кора, қорани оқ қилишга кодир.

БАНДА

Ү мансаб отини қучоклаганича қил устида турганини билсаям пастга тушай демайди.

Йикилиб тушса, майиб бўлиши ҳеч гап эмас.

АЖР

Ҳомиладор аёл касалхонага тушди-ю балога қолди. Ортидан янги хонадонидагилар йўклаб ҳам келишмади. Не бўлди, деб сўрашмадиям.

Касалхонадан қайтиб уйига бораркан, дарвозадан киритишмади. Ортига қайтаришди. «Үғлимнинг умри касал хотин билан ўтишини истамай ман», – деди қайнона. Қайнота хотинига қарши бир сўз айттолмади.

Отанинг сояи давлатида ўсган ўғил учун дунёнинг у томони ҳам, бу томони ҳам баробар эди.

Хуллас... Келинчак ўғил кўрди. Маҳалла-кўй аралашиб, қайнонани инсофга чакирмокчи бўлишди. Инсофга келмади. «Бошка жойга оғиз солиб кўйганман, гап битта», деб туриб олди.

Келин оғринди. Жуда ёмон оғринди. Лекин ялинмади. Қайрилиб ҳам карамади. Боласини бағрига босганича ўз йўлидан мағрур кетаверди. Турмушга ҳам чиқди. Иззатини жойига қўядиган хонадон сохибаси бўлди.

Куёв эса... Кўп ўтмай автоҳалокатга учради. Қарийб бир йил тўшакда михланиб ётди. Бойвачча ота кўрсатмаган дўхтири қолмади. Бир амаллаб оёққа турғазди. Уйлантирди. Бўлмади, ажралишди. Яна уйлантирди. Ҳеч биридан фарзанд насиб этмади.

Қизик, ажр у дунёда дейишади. Лекин ўғил шу дунёнинг ўзида ажр билан рўпара бўлди. Бир пайтлар ўзи оёқ-ости қилганида бағрини

очган етти ёт бегона кишини «дада» деб этагини ушлаган ўғлининг қиёфасини хаёлларида чизгани-чизган.

ЛОЙҚА

Ү қулокнинг бир четида ўтириб олиб, сувни лойқалатгани-лойқалатган. Бу хам етмагандай лойқа тикилган жойга бориб, қулокнинг бошини ёзғиргани-ёзғирган.

Ҳар каллада ҳар хаёл, у эхтимол, қулокнинг бошини эгалламоқчиидир. Ахир мақсад йўлида аплаҳликдан кайтмайдиганлар бор-да.

ОДАМЗОД

Ү нинг ёши бир жойга борган, хотира-ларини қучоклаб олиб, болалигини, ёшлигини кумсагани-кумсаган. Аммо кўнглига кўл сукиб кўрсангиз, орқага қайтишни истамайди, гарчи ортда мусаффо болалиг-у, бебаҳо ёшлик, кўз сузиб турса хам.

Ахир ҳамма нарсани бошидан бошлишнинг ўзи бўладими? Умр, у канчалар жозибадор бўл-масин, факат бир марта кечирилади. Хотиранинг ўзи гўзал, агар у мазмунли бўлса...

Бир йигитга күл узатиб, боши маломатдан чиқмай қолди унинг “Тенг тенги билан, деди онаси. “Менинг ақлли кизим бор, деб юрсам бу ишинг нимаси энди, деди отаси. “Танлаб-танлаб тозисига учрабсан”, деди акаси. “Маликанинг ишки курбакага тушибди”, деди аламзада ошиғи.

Хуллас, бўлажак куёв ҳеч кимга ўтириш масаям ҳамма бир бўлди, киз бир бўлди – қалбидан бошқага кулок солмади. Ҳамманинг кўнгли қолган йигитга кўнглинин берди, ундан нуқсон эмас, фазилат кидирди.

Мехр кучини кўрсатди, муҳаббат кучини кўрсатди ва, охир-оқибат, у йигитни элга қўшди. Унинг эри эр эмас, эр-йигит бўлади.

ҚЎШИҚ

Удаставвал юракда туғилади ва қофозга тўкилади. Оҳанг уни безайди, овоз тузайди. Сўз, соз ва овоз жўр бўлиб, мисли нур бўлиб қўшиқка айланади, парвозга шайланади. Унга вужудни кулок килиб тутишади, тинглаб дунёни унутишади. Шунчалар оҳанграбоки, ҳам-

мани ром этади, тоҳ киши ракс деб аталмиш ҳаракатлар билан оғушига сингиб кетади.

Тарихи ҳам азал-азал, тўй-тантаналар унинг бирла гўзал. У бор жойда юрак жўш уради, қалбда қувонч ин куради. Туйғулар жунбушланиб, танага сифмайди, унга мухаббат туғмами, боланинг кўнглини ҳам чўғлайди. Ҳатто бешикдаги гўдак ундан ором олади, аллага айланиб, қалбига эзгулик уруғин солади.

Аслида, юракда туғилган ва юракдан таралган нур ёришиб, сўз, соз ва овоз коришиб яна юракларга сингиб кетади.

КЕНЖА КЕЛИН

У кенжакелин эди. Бир овсин у ён кетди, бир овсин бу ён. Уни келин бўлиб тушган ҳовлисига михлаб, михга бойлаб кетишиди. Қимирлай олмайди. Қимирласа ҳам ҳаракати ипнинг узунлигидан нарига ўтмайди.

Энг ёмони, оғзини ҳам бойлаб кетишиди, кекса чол-кампирнинг чеки менга тушганми, дейиши билан данғиллама ҳовлиси сенга текканидан кейин чеки ҳам сеники-да, дейди ўнлаб оғиз бир пайтнинг ўзида.

У чол-кампирнинг хизматини қилди, аммо иддао билан, таъна-ю зарда билан ранжитиб, юракларини оғритиб.

Улар ўлиб кутулишди...

Шу тарзда келин умрининг у бекатидан бу бекатига қандай бориб қолганини ўзиям сезмай қолди. Уч ўғлига уч келин қилди ва кенжаси билан қолди.

Қизик, қайнона-келиннинг тупроғини бир жойдан олган экан, келини худди ўзига ўхшади...

ОРЗУ

Үнинг ўзига етиб бўлсаям охирига етиб бўлмайди. Шундоккина биттасига етсангиз бошқаси пайдо бўлади. Сўнг... Яна бошқаси... Хуллас, охири кўринмайди. У истак бўлиб инсонни олдинга кистаб туради. Унга интилиб, унга талпиниб, умрнинг сўнгги бекатига етиб келганини сезмай қолади киши.

Қизик, инсоннинг хаёти тугаса ҳам истаги – орзуси тугамайди, ҳатто васиятида ҳам сингиб кетади у.

ОЙНА

Одамни билмоклик учун чиройли сўзи ва чиройли суврати мезон бўлолмайди. Кўнглинин ҳам билиб бўлмайди. Бироқ баъзан кичик бир амали ҳам унинг сийратига ойна бўлади.

Қилган амали, бу – одамнинг ойнаси.

ЕР

Отасидан қолган бир парча ерни талашиб кетди оға-инилар.

“Ер меники, – деди тўнғичи. – Уч ўғлим бор, биттасига уй куриб бераман”.

“Йўқ, меники, – деди ўртанчаси. – Домда яшаш жонимга тегди, бир парча ерга зорман”.

“Отам ер сеники, деган, – акаларига эътиroz билдириди кенжатой. – Унга менг ҳаклиман”.

Уларнинг мунозарасига сингиллар аралашди.

“Яххиси, ерни сотиб, пулинни teng тақсимлаймиз, – деди катта сингил. – Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам”.

“Тўппа-тўғри, – уни тасдиқлади кичик сингил барибир ўзига ер тегмаслигини билиб. – Худди шундай қилиш керак”.

“Бекорларни айтибсанлар, – сингиллари-га ўшкирди тўнғич ўғил. – Нима, Мирзакаримбойнинг гапини эшитмаганмисан? Эр киши ер сотмайди, ер сотган эр бўлмайди. Ер – меники”.

Уларнинг жанжалини эшитиб турган Ер қаҳрланди:

“Устимдан бунча талашасиз. Меники, меники дейсиз. Аслида сенлар меники...”

ДОРИЛФУНУН

Инсонда ҳамма нарса туғма бўлганида ўғрининг боласи ўғри, тўғрининг боласи тўғри бўлаверарди. Яхшиямки, дунёда ҳаёт деб аталмиш дорилфунун борки, бу унинг учун кўшимча имконият ва унда таҳсил олиб ўғрининг боласи амалдор ёки аксинча бўлиши мумкин.

Казисан, картасан, асли наслингга тортасан, деб айтишган бўлса-да, ҳаёт дорилфунунидан сабок олганлар ҳам кўп.

МЕҲМОНХОНА

Минг йилми, миллион йилми, ой ўша-ўша, офтоб ўша-ўша! Осмон ҳам ўша-ўша! Факат

одамларгина ўзгариб туради! Ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақика ва ҳатто ҳар сонияда ўзгаради: кимдир келади, кимдир кетади. Дунё, – бу меҳмонхона.

Ажаб, омонат дунёда бунчалар дунё талаш-масак...

НИҲОЛ

У келин қилди-ю, келиндорлик қилолмади. Жиловини бошидан олиш учун мурғаккина ниҳолни минг кўйга солди – дам у ёкка эгди, дам бу ёкка. Эга-эга синдириди. На ўнгани қўйди, на ўсгани.

Бошқа ниҳол экди. Бу ниҳол маҳкам экан: эгилмади, синмади, боз устига тиканини санчиб-санчиб олди.

Барibir униям ковушини тўғрилаб қўйди...

Латтачайнар ўғилнинг икки кўзи онасида, кулоғини динг қилиб олган: энди қанақа ниҳол экаркин?

ГУНОҲИ АЗИМ

У маҳаллага йиғлаб келди. «Ёрдам беринг, амакижон», – дея раисга ёлборди. «Ёрдам бе-

ринг, опажон», – дея маслаҳатчига ялинди «Оиламни асраб қолай. Ўғлим бор – ҳаётдан умидим бор. Эримнинг оила аъзолари қабул қилишмаяпти. Түғри, ёшлик килгандирман, хатолик ўтгандир мендан. Лекин тавба килдим, десам ҳам кулок солишмаяпти. Боламни тирик етим қилманг, десам ҳам унашмаяпти. Аллакачон бошка келин топишибди. Аллақачон тўйга ҳозирлик кўришяпти. Мен нима қиласман? Болам нима қиласми?..»

Яна нималар демади шўрлик. Тошлар бўлса эрирди. Музлар бўлса эрирди. Бироқ қайнона эримади. Қайнота эримади. Эр эримади. Юралари тош экан. Вужудлари муз экан. Махалла аралашиб, қанчалар савоб ишлар килинганди. Жар ёқасидаги рўзғорлар тинчиганди. Лекин шу ёлбориб-ёлбориб йифлаётган жувонга келганда ожиз колишди.

«Мен улар билан аллақачон қудачиликни узганман», – деди беш вақт намозини канда кilmайдиган қайнота.

«Ўғлимга ундан яхши қизни олиб бераман», – деди ўзининг келинлигини унутиб юборган қайнота.

«Касал, ранги заъфарон», – деди ҳар нарсага тумшуғини тиқиб турувчи қайнисингил.

«Ойда, йилда бир келсам саломини зўрға беради», – деди иззатталаб қайнопа.

Хуллас, бирови у деди, бирови бу.

Хўш, куёв-чи? Куёв нима деди?

Куёв: «Сизлар нима десаларинг, шу!» – деди.

Бир оила чилпарчин бўлди. Бир оила барбод бўлди. Аммо... Айтишларича, кушнинг уясини бузиш ҳам гуноҳи азим экан. Улар эса... Билмадим, бу оиланинг кўргулиги қандай бўлса?..

КИШ

Киличини қайраб киш келди. Чор атрофни оқликка буркаб, поклади-ю, аммо қўлида қайралган киличи бор – совук забтига олса борми, кариб-чириган дарахтлар-ку майли, ҳали сояси ва мевасидан одамлар баҳра оладиган боғ-у боғот, эндинга кўкка бўй чўзаётган кўчатларни ҳам аяб ўтирумайди – киличдан ўтказади.

Оқликдан ҳам кўрқулик...

АРЧА

Хамма дарахт тўрт фаслда тўрт турланиб, кийим-бошини алмаштиради – факат арчадан бошқа.

Факат арчани офтоб олмайди, совук урмайди, сарғайиб, ялангоч қолмайди. Саратон тафти-ю, аёзниңг қахри писанд эмас, кай фасл бўлмасин яшил либос билан пешвоз чикиб, яшил либос билан кузатиб кўяди. Бунчалар аслини асримаса бу арча деганлари.

Арча – ўз-ўзига садоқат тимсоли.

РАНГИН ДУНЁ

Табиатнинг нималигини бир сўз билан ифодалаш мумкиндири, аммо ранги таърифига сўз ожиз. Негаки, унинг ранги шу қадар хилмахилки одамзод ҳаммасига ном бериб улгурмаган. Биргина яшил рангнинг ўзи юз дараҳтда юз товланади.

Табиат – аслида ранглар дунёси. Унга бокиб, кўз қамашиб, ҳатто ўз танидаги турфа рангларга ҳам тузук ном топмаганидан хижолатда одам.

БОЙЛИК

Ол кулим, деса бойликнинг келиши осон, кетиши ундан-да осон. Факат уни асраш қийин.

МУСИБАТ

Үша тонг:

осмон гумбазига осилиб, офтоб ерга қулаб тушгандай;

ёмғирлар ўрнида тошлар ёғилиб, балиқлар дарёда кабоб бўлгандай;

оимомо самони тарк этиб, юлдузлар сарғайиб, етим қолгандай;

дов-дараҳт ёниб бир сиқим кулга айлангандай, дунё тўзғиб кетгандай;

томиримда қон эмас, вулқон айлангандай, неки аъзом бўлса танамни тепгандай;

ўтган умрим тушга айланиб, кирқ йиллик уйқудан уйғонгандай бўлдим.

Ўша тонг...

Онамнинг жонлари узилган эди...

БЕГОНА ЎТ

Ү ховлисига экин экди-ю, киладиган юмуши бегона ўтларни юлиш бўлди. Аммо ҳар гал экинини суғорганидан кейин ёмғирдан кейинги кўзикориндай бошини кўтарган ўтларни кўриб энсаси қотди ва юлиб ташлайверди. Ҳосилини

йиғишириб олаётганда ҳам унда-бунда күёшга талпинаётган ўтларга кўзи тушди, бунчалик беор бўлмаса булар, деб қўйди.

Аммо экин эккан тупроғи аслида ана шу бегона ўтнинг ўз уйи – ўлан тўшаги эканини хаёлига ҳам келтирмади у.

ТАДОРИК

Остона ҳатлаб уйга киришингиз билан димоғингизга жаннатнинг хиди урилади. Аслида жаннатнинг хиди қандай бўлишини хеч ким билмайди. Бирок хонадаги муаттар ифор гўё жаннатнинг хиди бўлиб туюлади. Кўзларингиз, энг аввало, қадим усталар маҳорат билан ясаган реза токчалардаги гулдонларга тушади. Чиннирайхондан тортиб тоғ райхонигача, гулсафсадан тортиб атиргулгача яшнаб турибди. Кийик ўти дейсизми, тоғ чойи дейсизми, яна номини билмайдиган аллақандай гиёҳлар солинган гулдонлар тизиб ташланган.

Хуллас, реза токчанинг ҳар бирида гул ёки гиёҳ бор. Уларнинг ҳидлари жамланиб, ўзига хос бир ифор яралганки, тўйиб-тўйиб нафас олгиси келади кишининг.

Тўккиз рангин болорли, чиройли араби гилам тўшалган бу уйда ҳамма нарса бир-бирига мутаносибдай. Уйнинг бир четидаги тўшакда эса 80 ёшдан ошган, кордай оппок соқоллари кўксига соя солиб турган чол ўлим тўшагида ётибди.

Чолга нигохи тушган хар кандай киши уни уч йилдан бўён тўшакда михланиб қолганини тасаввуринга ҳам сифдиролмайди. Гўё у хозиргина таҳорат олиб намоз ўқиган-у, бироз мизғиб олиш учун чўзилгандай. Бош томонидаги бир кося сап-сариқ анжир ҳам жаннатни эслатиб туради. Пиёладаги анжир сувини кўриб, уни қошиқча билан чолнинг оғзига томизилганини сезиш кийин эмас.

Чол ёлғиз эмас. 55 йил умргузаронлик қилган кампири кўлидаги районлар билан чолини елпиб ўтирибди...

Тириклик ва ўлим орасидаги манзара бу. Оғирлашиб колиб, фоний дунёдан бокий дунёга йўл олаётган чолга кампирининг сафар тадориги бу.

Хонага киргач, атрофга разм солиб яна бир нарсани – бу манзарага Аёлнинг улкан қалби сингиб кетганини хис этади киши. Ва назарингизда хонадаги манзаранинг илохий тим-

соли ҳам райҳонлар билан чолини елпиб ўтирган
Аёл бўлиб кўринади....

БАХТ

У бахтни муҳаббатда деб билди-ю, севгида
унинг сувратини кўрди, холос.

У бахтни бойликда деб билди, аммо боши
ғавғодан чикмади.

У бахтни мартабада деб билди, бирок таскин
топмади.

У ўйлади: бахтнинг калити қаерда? Ўзи-чи?

Ниҳоят топди, топгандай бўлди: тани сихат-
лик, хотиржамлиқда экан баҳт.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

У қилганини қилди, олганини олди, еганини
еди ва ... покланиб ҳам келди.

Унинг поклангани канчалик қабул бўлди, бу
ёғи Оллоҳдан, аммо одамлар унинг қилганини,
олганини ва еганини эсдан чиқаришгани йўқ.

Хотирани ўчириб бўлармиди?

ҲАЛОКАТ

Үлфатлар тўпланиб қолишиди-ю, ичмайман, деганига қулоқ солишмади уни. Парҳездаман, соғлигим ёмон, деганини баҳонаага йўйишиди. Бири, қанақа эркаксан, деса, иккинчиси, бир пиёла ароқ кимни ўлдирибди, деди. Хотинингдан кўрқяпсанми, деб қўйди учинчиси.

Хуллас, бирори ундоқ деди, бошқаси бундок. Қўйишиди, куйишиди.. Аввал бир пиёла, сўнг икки пиёла, ундан кейин эса... Нима қилаётганини билмас даражага етди ўзи ҳам.

У ҳақиқатдан касал эди. Ҳақиқатдан парҳез қилаётганди. Соғлиги ичкиликни кўтаролмасди.

Эртаси куни эса... улфатлар отамлаб чирқираётган болалардан кўзларинигина эмас, ўзларини ҳам олиб қочишиди.

МУВОЗАНАТ

Табиатда ҳамма нарсанинг мувозанати борга ўхшайди. Тундан кейин кун бошлангани каби, ойнинг ўн беши коронғи, ўн беши ёруғ бўлгани каби, куёш чиқиши билан ой ботгани каби. Бу мувозанатни ҳис этмаганида буюк аллома

Беруний хаёлан Америка деган китъани кашф этармиди?

Табиатнинг бир бўллаги бўлмиш инсон хаётини ҳам ана шу мувозанат ушлаб туради ва ҳаёт ўз ўрнини ўлим билан алмаштиргунига қадар кувонч ва ташвиш, баҳт ва баҳтсизлик, азоб ва роҳат, омад ва омадсизлик ёнма-ён яшайди.

Мабодо бу мувозанат бузилса борми, инсон ё осмон-у фалакка учиб, ё ерга кириб кетади.

МОМО

Момодан қизи кўнғироқ килиб қарз сўради. Дами ичига тушиб кетди ва анчадан кейин тилга кирди момо.

– Қари кампирда пул нима қилсин?

Шундай дейишга деди-ю, яна ниманидир ўйлади, шекилли, қўшимча қилди:

– Келавер қани, ҳамсоядан сўраб кўрарман.

Қизи келди. Момо нафталин хиди анкӣ тирган пулларни унга тутаркан тайинлаб қўйди:

– Насимнинг онасидан бир ҳафтага деб олдим, кечиктирма.

Қизи мийигида кулди. Онаси бу пулларни сандигидан олганини сезиб турарди.

Аслида момо хасис эмас, зиқна ҳам. Шунчаки бир кун келиб Оллох омонатини олса болаларига дардисар бўлишдан қўрқиб, пенсиясидан йиғиб юрибди.

Сандикдаги пул – момонинг ўлимлиги.

ЯЛТИРОҚ

У хар караганингизда кўзингизни қамаштиради – ялтирайди. Сўзи ҳам, муомаласи ҳам, юриш-туриши-ю, ўзини тутиши ҳам ялтироқ унинг.

Аммо якинлашиб борганингиз сайин ёғду хиралашаверади, хиралашаверади, сўнг сўна бошлайди ва унинг юрагидаги қоп-кора курумдан бошқа нарсани кўрмайсиз.

Узокдан бирорга баҳо бериш қанчалар кийин...

МЕХР

Болалар оналарининг орқасидан тош отиб қолдилар. Бири бошлаб берди, иккинчиси кўшилди. Сўнг иккиси бирваракайига ота бошлади. Тошлардан бири онасига тегди, шекилли, орка-

сига караб карғанди. Болалар эътибор ҳам бермадилар. Отавердилар, отавердилар...

Аслида оиласидаги жанжал кўпдан давом этарди. Эр ўзини хонадон сохиби, деб билди, хотин бўйсунмади. Тарап тортилган иплар ахийри узилди. Эр хотинига жавоб берди. Ўзи эса икки ўғлини бағрига босиб узок йиғлади. Сўнг уларни велосипедга миндириб, қайнотасиникига ташлаб келди.

Она эса дарҳол болаларини изига қайтарди: “Отамникига мен сиғсан ҳам катта гап. Сенларга нима бор? Отангдан қолма!”

У болаларини эрининг дарвозаси рўпарасига кўйиб кетди. Шундан сўнг... Болалар онага кераксиз эканликларини пайқаб қолдилар. Алам қилиб кетди. Каттаси биринчи бўлиб онаси ортидан тош отди. Унга кичиги қўшилди. Сўнг ака-ука бирваракайига тош ота бошладилар. Отавердилар, отавердилар...

Ахийри чарчашди ва ерга ўтиришди. Кичиги йиғлаб юборди. Унга каттаси қўшилди. Кимсасиз кўчада ака-ука узок йиғладилар. Баногоҳ орқаларидан келган киши уларни ўрнидан турғазиб, бағрига босди.

Болалар ота меҳрини туйишди. Охиста унинг елкасига бош кўйдилар...

ЙҮЛ

Умр сип-силлик асфальтдангина иборат эмас, унинг лой кўчалари, тош кўчалари бор. Тошларнинг чакиридан баъзан товонлар тешилади, баъзан тиззагача лойга ботади киши.

Кимдир тош ва лой йўллардан асфальтга ўтиб олса, кимдир асфальтдан чиқиб кетади – йўлини йўқотади.

Хар ҳолда асфальт йўлдан кетаётган кимса йўлнинг қадрига етгани яхши.

ҚАЙМОҚ

Уни шоир қилган нарса дард, дейишди ижодкор ҳақида. Дарднинг ўзи нима? Шоирда бор дард бошқада йўқми?

Назаримда шоирни шоир қилган нарса – юрагининг оташи, алангаси. Кувончнинг ҳам, қайгудинг ҳам юрак оловида қайнаши, тошиши.

Ахир қаймоқнинг ҳам зўри сут кувида шопирилгандан кейин чиқади-да.

БАЛАНД ДОР

Ү кўрпасига караб оёқ узатмади, икки хаёли баланд дорга осилиш бўлди. Бир амаллаб осилиб ҳам олди ва “урра-урра” бошланди: у фалончи билан куда бўлаётганмиш... Унаштириш маросими бундок ўтибди, никоҳ тўйи ундоқ. Чарлари бундок бўлибди, бешик тўйи ундоқ...

Ҳакиқий ҳаёт эса шундан кейин бошланди: баланд дорда ўсган келин пастни хоҳламади, кўникумади, кўниколмади. Аввалига икки ўртадан хурмат-иззат кетди. Сўнг... Келиннинг ўзи кетди...

Тенг тенги билан, деб бежизга айтишмаган-да.

ГОФИЛ

Ү пулни кўрса ҳамма нарсани унутади – акл ва идрокни, инсоф ва диёнатни, иймон ва эътиқодни, мансаб ва мартабани – кўзлари бошқа ҳеч нарсани кўрмай қолади.

Кун келиб, пул уни ютиб юборишини ўйлаб ҳам кўрмайди.

НАСР САЙЛИ

Нима бўлди менга, билмайман ўзим, шеър ёзмоқчи бўлсам туткич бермайди сўзим. Ҳаётман-ку, қўлимдаги қаламгинам синмасин, сен кўз, дедим, сен кош, дедим, эркаладим тинмайин.

Ўзи-ку, сўз шууримга сифмай қолган, ташқарига чиқаман деб вужудимни тиғлаб олган. Ўкиниб-ўкиниб кетдим, негаки сўзларим тўкилиб-тўкилиб кетди. “Қофияни ушлолмайман, шеър шаклига тушолмайман”, деб гапида туриб олди, катта-катта қадам ташлаб юриб қолди.

Бир нарсани сезганга ўхшайман, сўзларим хижолардан безганга ўхшайди.

Индамадим, кўйиб кўйдим ўз майлига, назм бўлмаса бўлмас, дедим ва кетдим наср сайлига...

ДУНЁНИГ ҚАЙТИШИ

Үўзидан овози баланд чиққанларнинг унини ўчириш учун шу қадар кўп ўра қазидики, ҳатто юришга йўл тополмай, ўзи ҳам ўралардан бирига кулаб тушди.

Қош билан қовок орасидан ҳам яқин туюлди дунёning қайтиши...

Ү эзилди. Жуда-жуда эзилди. Бошлиқнинг сўзлари юрагига тошдай қадалди. “Бўлди-да энди, кетинг”, – деди-я. Шунча йиллик хизматларини ҳисобга ҳам олмади. Юз-хотир ҳам қилмади. Дабдурустдан: “Кетинг энди”, – деди.

У бошлиқдан бу сўзларни кутмаганди. Бирор марта на ўзидан, на ишидан норози бўлганини кўрмаган. Бугун эса... Дастреб ҳангуманг бўлиб, қотиб қолди. Сўнг хўрлиги келди. Хўрликка жаҳл ҳам кўшилди. “Кетмайман, – деди зарда билан. – Кўлингдан келса, ҳайдаб юбор”.

Шундай дейишга деди-ю, барибир кўнгли ғашланди. Шу пайтгача кетмаганига афсусланди. Бугунгидай қалби чилпарчин бўлмасмиди? Юрагига тошдай юк осилмасмиди?

Аслида у пенсияга чиқсан бирор кун ҳам ишламайман, деганди. Яна нима хаёлларга борди. Куч-куввати, тажрибаси бўлса уйда ўтириб нима ҳам киларди. Бекордан худо безор.

У хонасига кирди-ю, юраги увишиб кетди. Шу мўъжазгина хона, у ўтирган курси кимгадир керак бўлганини англади. Бир оғиз сўз хаёлларини чилпарчин қилиб юборганини англости. Ишлайверса, бўшата олмасликларини бил-

са-да, ортиқ қололмаслигини англали. Барча туй-
гуларидан орият устун келганини англали.

Үттиз йил ўз уйидай бўлиб қолган даргоҳдан
бегона бўлиб кетди сўнг...

ДЕВОРНИНГ КЎЗИ

Пулнинг юзи иссиқ экан, юзини буриб кетол-
мади. Ундан уни юлди, бундан буни даврони
келганида. Берганинг-ку бетига қарамади, бер-
маганга ҳам қарамади нафси конмагунча.

Даврони келганида ўзлигидан айрилди, ўзига
келганида давронидан. Иккисини бирдай тутиб
туролмади, нафсини тиёлмади. Ўзини қанчалик
сипо тутмасин, башарасини кўрсатиб турди кил-
ган амали.

Ахир деворнинг қулогигина эмас, кўзи ҳам
бор-да.

МАНФААТ

У қанчалик одил бўлишга уринмасин, бари-
бир манфаат томон кетиб қолади. Манфаат келса
қарға ҳам кўзига мусича бўлиб кўринади, силаб
сийпалайди.

Тили қисикнинг кўли ҳам қисқа бўлади. Юлиб ташлолмайди экиннинг ичидағи бегона ўтни.

ЕР ВА ОСМОН ЎРТАСИ

У дарахтнинг серхосил шохига миниб олиб, сархил меваларидан егани-еган бўлди. Оёги ердан кўтарилганда тумшуғини ҳам кўтарди осмонга қараб. Асли ерлик эканини унугани учун одамгарчиликни ҳам унуди.

Бир пайтлар тўп тепиб ўсган дўстларини кўрмади кўзларини шира босиб. Илгари бирга ишлаган ҳамкасларига қиё боқмади, яхши ёмон кунида мундок кўлини чўзиб қўймади ўзим турган шох омон бўлсин деб.

Кизик, у ер билан осмон ўртасида қанчагача тураркин?

КЎЗГУ

У жуда чиройли эди. Ҳуснига маҳлиё бўлиб ўтиради. У томонга ўтса ҳам кўзгуга қаарди, бу томонга ўтса ҳам. Чиройи билан кериларди.

Аммо... Ойлар бир тутам... Йиллар бир тутам... Умр бир тутам...

У энди кўзгуга қарамайди. Қарашдан қўрқади. Фижимланган сувратидан қочгани-қочган.

МУТТАҲАМ

Муттаҳамга бир гап топилмасин, минг гапни излаб қолади. Аслида, ўша бир гапнинг остида ҳам иғво бор, ярми рост бўлса, ярми ёлғон. Муттаҳам эса игнанинг кўзидаи бўлса-да, ростига ёпишиб олади. Пашибадан фил ясайди.

Қармоққа илинган баликни тортгандай тортаверади, тортаверади. Яримта рост гапга илашиб қолган шўрлик эса тортилаверади, тортилаверади. Ахийри ҳолдан тояди. Йўғон бўлса чўзилади, ингичка бўлса узилай дейди. Сезадики, муттаҳамга адолат эмас бошқа нарса керак.

На илож! Шўрлик муттаҳамдан кутулиш учун унга тегиб кетган этагининг учини кесиб юборади...

ЧАРХПАЛАК

Бир даврада ўтириб колдим. Бир сухбатга аралашиб қолдим. 50-60 ёшли аёллар факат ке-

линларидан нолишиди. Бири келинини ундок деса, бошқаси бундок, деди. Ҳозирги ёшларни ёмонлаб кетишиди. Қайнааларни жабрдийда килиб күрсатишиди.

Чунки ўзлари қайнона эди...

Уларнинг даврасида 20-25 йиллар илгари ҳам ўтирганман. Сухбатларига гувоҳ бўлганман. Бош мавзу қайнаалари бўлган. Бирори қайнонасини инжик деса, бошқаси курумсок, деди. Бири қадамини тергашидан, бошқаси ҳар ишга бурнини тикишидан нолиди. Яна бири чақимчилигини айтди. Хуллас, бирори қайнонасини ундок деса, бошқаси бундок деганди.

Ўшанда улар келин эдилар.

Қизик, дунё чархпалаги айланаверади. Бугунги келинлар эртага қайнона бўлаверади. Аслида, аёл умридаги ҳар икки даврнинг ўз тоштарозиси бор. Сухбатдошларимни эшитар эканман хаёлимдан шундай фикр ўтди: айб келинлардами, қайнаалардами ёинки тоштарозини ўрнига қўя билмаган менинг сухбатдошларимдами?

Билмадим...

Үнинг кўлига асо тутқазиши: ёмонларнинг таъзирини бергин деб. У эса асони ўзига байроқ килиб олди. Ёмонни эмас ёмон кўрганини, кўнгли тўлмаганини савалади. Асони дўқиллатиб бориб, лаб-лунжини тўлдирди, уст-бошини бутлади, киссасини қаппайтирди. Асо адолатнинг эмас, таманинг рамзи бўлиб қолди.

Шўрлик асо унсиз нола киласди: мен кимнинг кўлига тушиб қолдим ўзи?..

БАЛАНДЛИК

Үни баландга чиқаришиди.

Баландга ҳамма ҳам чиқавермасди. Ҳамма ҳам лозим топилавермасди. Муқаддас эди у. Салобатли эди у.

Уни эса чиқаришиди. Курсида ўтирган оддийгина иғвогарни, оддийгина худбинни.

Ҳамманинг ҳам оёғи етмайдиган баландлик бир зумда пасайиб қолди...

СИНОВ

Ажаб дунё! Кизик одамлар бор-да. Сен билан баробар юрса атрофингда гирдикапалак бўлади. Ўзини дўст тутади. Сен билан яқинлашиб кетади. Назарингда бу яқинликнинг умри боқийга ўхшаб кўринади. Унга меҳрингни берасан.

Аммо... Бир қадам ортда қолсанг борми, кайрилиб ҳам қарамайди. Кетаверади, кетаверади, кетаверади...

Ҳаётда бу Баъзан қокиласан. Баъзан чопиб кетасан. Гоҳ отdasan, goҳ piёda.

Қокилиш – ёнингдаги кишига баҳо бергувчи энг қулай фурсат.

ПИЛЛАПОЯ

Пиллапоядан чиқишининг тушиши ҳам бор. Ё ўзинг тушасан, ё тушишга мажбур қилишади ёки итариб юборишади.

Пастда эса... Сенга ё пешвоз чиқишади, ё афтларини буриштиришади ёки терс бурилиб кетишади.

Ҳаммаси пиллапоя тепасида ўзингни қандай тутганингга боғлик...

Очилмасдан сўлий бошлади уч гул. Чиройлиди, ифорли эди улар. Аммо биров кайрилиб ҳам арамади. Узмади, ҳидламади. Ҳеч ким уларни тизининг гули бўлишини истамади. Атрофидан йланиб ўтиб кетаверишди.

Боғбони бетайин экан гулларнинг.

УМР

У бозорга кирди. Расталарни айланиб чиаркан, ҳар бири косадай анорлар ёнида тўхтади.

— Олинг, хола, — деди сотувчи йигит. — Варганзанинг анори. Данаги йўқ ҳисоби. Эzsан-из коса сувига тўлади.

Аёл сесканиб кетди. Бир зум йигитга хеч нарса демай караб колди. Вужуди титраб кетди..

«Хола!»

Кизик, тунов куни бозорга кирганида «кизим» дейишарди. Сўнг «синглим»га ўтишди. «Опа» кам дейишди. Энди эса «хола».

У бу сўзни ҳазм килолмади. Бу сўзни ма-пол олди. Демак, ёши ўтаётгани сезилиби. Сочларини бўягани билан барибир юзига ўрта

ёшликтининг нуқси урибди. Йўқса, кап-катта йигит «хола» деб мурожаат килармиди?

У автобусга чиқди. Бир четга ўтиб, ҳали жойлашиб хам улгурмаган эди, ўриндиқдаги йигит ўрнидан туриб, жой бўшатди.

— Ўтилинг, хола.

У бозордагидай сесканмади. Лекин юрагидан бир нима узилиб кетганини аниқ сезди. Йигит бўшатган ўриндиқка ўтиаркан, хаёлида шу фикр кечди: демак, умр ўтяпти...

ИСТАК

У ҳаммадан орқада эди. У факат ортга қараса кўринарди. Ўшандада хам гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмасди. Уни кўриш учун баъзан бўйинни чўзишарди.

У эса олдинда бўлишни истади. Олдинда юришни истади. Истак ҳамма нарсадан устун келди. Тинмади, елди, югурди. Гоҳ текис йўлдан, гоҳ тошли йўлдан. Товонига тикан кирса ҳамки кетаверди. Оёклари қаварса ҳамки кетаверди. Гоҳ чопди, гоҳ секинлади. Гоҳ тирмашди, гоҳ эмаклади. Хуллас, тўхтамади.

Уни энди орқадан изламайдилар.

Үйга толаман: олдинда бўлиши керак бўлган
канча киши ортда қолди... Ярим йўлда қолди...
Кўринмай кетди... Аланга олиб ёнаётган оловлар
ўчди...

У эса учкундан аланга чикарди...

МАЛҲАМ

Йиғлаган киши енгил тортармиш. Кўнгил-
даги дард кўз ёши орқали чикиб кетармиш.

Менинг кўз ёшим – шеър. Қалбимга ғубор
кўнса шеърга отаман. Юрагимни юқ босса
шеърга отаман ва енгил тортаман. Майиб ҳам
бўлиб кетмайди бу шеър.

Назаримда, шеър – кўнгил малҳами.

МУНОСАБАТ

Шундайлар борки, бир иш айтилса, зумда
бажариб қўяди. Негаки, масъулият деган туйғу
бор вужудида. Бор нарса эса қалқиб чикаверади.

Айримлар айтилмасдан шу ишни бажарган
бўлади. Зукколик, фаҳм-фаросат бобида якто
улар.

Кимлардир айтилган ишни ҳам килмайди.

Ундейларга давр тегишидан Оллоҳнинг ўзи
асрасин.

КҮЗ-КҮЗ

У яхшилик қилди-ю, дарёга солмади. Жар солди, күз-күзлади. Қилган яхшилигини пешлаб, хали газетага чопди, хали радиога... Оғиз күпиртириб макташди. Оғиз күпиртириб мактанди. Ўнг қўли кўриб турмаса чап қўли қимирламади.

Аммо... Иши юришмади. Бири икки бўлмади. Бирини ўн килиб қайтармади Оллоҳ.

Негаки... У интилган нарса савоб эмасди...

БУКРИ

Букрини гўр тузатади, деганларига ишонди у. Букрилик бедаво экан. Қанча уринмасин, нафии кўрмади. Букилиб қолган суюкларини силаса ҳам, яхшилик тиласа ҳам букри букрилигича қолаверди. Суюклари синса синдики, қаддини росламади.

Начора. Букрининг тузалишини кутишдан бошка чораси колмади унинг...

Тушимда Онам дунёдан ўтибдилар. Ичимга чироқ ёқса ёримайди. Кўзимга дунё коронги кўринади. Яшашнинг маъниси йўқдай туюлади. Нима қилишни билмай афтода ҳолга тушибман.

Уйғонсам тушим экан. Кўнглим ёришиб кетди. Қувончимнинг чеки йўқ. “Хайрият, тушим экан. Хайрият!” Бу сўзларни эҳтимол ўн марталаб, эҳтимол юз+ марталаб такрорлагандирман.

Бунаканги тушлардан бир нечтасини кўрдим ва ҳар гал туш эканидан қувониб уйғондим.

Лекин бир нарсадан кўрқардим. Бир нарсадан хавотирланардим. Кун келиб тушларим ўнгимга айланиб қолиши, ўша куннинг келиши аъзойи баданимни титратарди.

Нихоят, кўрккан куним келди. Онам ҳаётдан кўз юмдилар. Тушимда эмас, ўнгимда. Ҳакиқатдан дунё кўзимга коронги кўринди. Ҳакиқатдан юрагим ёниб кетди.

Назаримда уйкудан энди уйғонганга ўхшайман. Билсам, Онам ҳаётимдаги энг узок давом этган ва энг ёқимли туш эканлар...

ҚОПАФОН

Үндан ҳамма кўркади. Уни ҳамма ёмон кўради. Этагимнинг учи тегиб кетмасин, деб ўзини тортиб туради.

Унинг ёнида тишларининг оқини кўрсатиб ўтиришади. Гапларини маъқуллаб ўтиришади. Йўқса, у “тишлаб” олади. “Қопиб” олади. Гоҳ сездириб қопади. Гоҳ сездирмай қопади.

Эҳтимол, унинг қопафон бўлишида тишининг оқини кўрсатиб ўтирган одамлар ҳам сабабчидир.

МАНСАБ

Үнга мансаб беришди. Во ажаб! Ўзидан бошқани танимай қолди. Илгари ака-акалаб юрган кишилари ёнидан викор билан ўтади. Опа-опалаб юрган аёллар билан бош иргаб саломлашган бўлади.

Одамлар уни кўтарғанди, у димогини кўтарди. Бурнидан пастни кўрмай қолди. Гёё она корнидан арбоб бўлиб туғилгандай.

Кизик, одамлар ҳам уни танимай қолишли. “Бу ўша ўзимизнинг фалончими? Йўғ-э... Кимнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг ё мансаб бер, ё бойлик деганлари шу экан-да”.

Ховлисининг бир четида қолиб кетган эски чориги эса хайрон: шўрлик эгам нега мени унутдийкин?..

ЎЗ БЮОМИ

Дўкондан кўғирчок харид килдик. Қизчам уни маҳкам бағрига босди. На акасига беради, на опаларига. Улар хам сингилларининг жигига тегиш учун кўғирчокнинг кўйлагидан тортқилашади. Қизалоқ эса опаларини қўли билан итаради, кўғирчокни ўзига тортади.

Бизни кузатиб турган бир отахон мийигида кулиб дейди:

— Қаранг-а, шу жажжи қизалоққаям нарсаси азиз. Ўз буюмига эътиқод, ахир, туғма-да. Биз эса ўн йиллаб коммунизм ҳакида чўпчак айтиб юрган эканмиз.

ФАРИШТА

Яқинрок бориб кўрмасанг, бу маҳлукни фаришта, деб ўйлайсан. Аммо у шундай фариштаки, ўз манфаати йўлида отасини сотиб келишга хам тайёр. Йўлида учраган ҳар гул, ҳар гиёхни босиб-янчиб ўтади. Бир кун бўлса ҳам, бир

кеча бўлса ҳам баҳт ва таҳт деб аталмиш қасрға киришга чоғланади.

Таажжуб... Унга қасрдан жой ҳам топила колади.

ҚАЛАМПИР

Бахор кунларидан бирида у уйига қулупнай, помидор, баклажон, қалампир ниҳолларини экди. Сув куйди.

Эртаси куни эрталаб қараса, баклажон ҳам, помидор ҳам, қулупнай ҳам сўлиб, хорғин туриди. Қалампир эса қаддини ғоз тутганича аллақачон тупроққа ўрнашиб олган.

Бу ҳолатдан у ўзига хос хулоса ясади:

“Инсон ҳам ҳаётдаги кўргуликлардан кийналмай ўтиб кетиши учун бироз “аччикрок” бўлиши керакмикин?”

ИККИ ОЛАМ

Икки киши бир эшикдан чикиб келди. Бири жаҳл билан, сўкиниб, авзойи бузилиб, ўзини кўярга жой тополмай, асабийлашиб... Жаҳли чикканидан чакка томирлари бўртиб, қизариб...

Иккинчи киши бамайлихотир чиқди. Табассум билан, кулиб, жилмайиб...

Аслида иккаласи ҳам бир иш билан кирганди.

Манфаат иккаласига ҳам бирдай тегишли эди. Иккаласи ҳам узундан узун навбатдан сүнг ишни битказолмаган, бир куни барбод бўлганди. Ишни качон, қандай ҳал бўлиши номаълум эди.

Омадсизликни икки киши икки хил қабул килди. Бири важоҳат билан, иккинчиси табассум билан.

Қизиқ, киши кунига неча марталаб муаммога, омадсизликка дуч келади. Ҳар бир омадсизликни юзимизнинг томиригача бўрттириб кутиб олсан, шўрлик асабларимиз канчагача бардош бераркин?

Беихтиёр эшикдан кулиб чиқкан кишига ҳавасим келди...

НАФС

У Нафс билан рўпара келди кўп бор.

Чўнтағида бир чақа йўқ, унга бир даста пул тутди ниманидир тама килаётган кимса.

У юзини терс ўгириб кетди.

Уйига меҳмон келади, дастурхонда тайин нарса йўқ, унга пул тутди ҳожатини чикариб берган кимса.

У юзини терс ўгириб кетди.

Чўзилган кўллар хавода муаллақ қолди. У бошини баланд кўтарди. Ҳожатини чикарган ва чиқармаган кишилар кўзига тик қаради.

Уни кимдир тушунди, кимдир тушунмади. Кимдир устидан кулди, кимдир мазах қилди. Кимдир уни даврасидан итарди, кимдир бағрини очди.

У эса барибир йўлидан кетаверди. У осмон бўлди, Нафс эса ер.

СУЯКХЎР

У иши битгунича эшагингни сугоришдан ор қилмайдиган инсон. Остонангни ўпид, соянгта салом беради. Тилини осилтириб олган олапаринг каби лўкиллаб ёнингда айланаверади.

Ноилож суяк ташлаб кўясан. Суякни олганича жўна қолади. Кейин изини хам тополмайсан. Олапаринг қайтиб келар, аммо у қайтмайди. Иши битганидан сўнг керак бўлмай қоласан. Суяк чайнаб юраверади...

Иши тушса, яна келади. Индамайсан. У паст, сен баландсан. Пастга қўшилиб паст бўлишни истамайсан. Яна суяк ташлайсан. У яна суякни

чангалағанича жүнаб қолади. Суякни ҳаммадан кизғанади, ҳаммадан яширади. Ёлғиз үзим чайнасам, дейди. Ёлғиз үзим бўлсан, дейди.

Уни кузатаркансан, суяк ташлаганингга ҳам пушаймон бўласан...

ҲАЙФ

Ү бир даргоҳга борди. Олий даргоҳга. Яхши ниятда келганди. Излаган қишисини суриштирганда йўл кўрсатди яхшилар.

Йўлак бўйлаб кетаверди. Ногаҳон тўхтатди кўлида папка, бўйнида бўйинбοғ бўлган кимса. Афтидан шу жойнинг пешвоси. Ҳе йўқ, бе йўқ, ўдагайлаб кетди унга. Кимсиз, деди. Нима килиб юрибсиз, деди. Кимда ишингиз бор, гапингизни менга айтинг, деди.

Бакириғига хонадан ходимлар югуриб чиқди. Ходимларга ҳам ўшқирди. Нега қарамайсиз, деди. Бу инсоннинг кимлигини қаердан биламан, деди. Компьютерим йўқолса нима бўлади, деди. Хужжатларимни ўғирласа нима қиласман, деди. Хуллас, оғзига келган гапни ичиға ютмади бўйнида бўйинбοғ, кўлида папка бўлган кимса.

Умрида кўрмаган қишисини мағзавага булаб ташлади. Тингламади ҳам, эшитмади ҳам. Ўзи бақирди, ўзи ўчди.

Нотаниш киши ҳангу манг бўлди. Терс ўгирилиб ортига кайтаркан: “Ҳайф сенга бу даргоҳ”, деди.

МУНОФИК

Ухудди сувилонга ўхшайди. Мулойимгина, юмшоккина. Гёё сўзларини мураббога ботириб олгандай. Шунчалар тавозе билан гапирадики, эриб кетасиз. Мулозаматни ҳам жойига кўяди. Гапларида бирор-бир сохталикни сезмайсиз. Ёлғон билан рост, сурат билан сийрат ўртасида адашиб кетасиз. Беихтиёр унинг сўзларига ишона бошлайсиз. Уни ёмонотлик қилганлардан ранжийсиз. Унга иззат кўрсатасиз.

Аммо... Мунофиқдан кўркқулик...

Сездирмайгина чил беради. Номингизни соатди. Йўқ жойдаги айбларни тўнкайди. Пашшадан фил ясайди. Кулиб туриб жонингизни олади. Кўзларингизга қараб айб излайди. Ва... ўзича топади ҳам. Кўнглидаги ғаламислик шубҳага айланади. Сўнг... Шубҳасига ўзи ҳам ишона бошлайди ва уни ҳакиқат даражасига кўтаради. Ўзи қандай ўйласа, кўзига шундай кўринасиз. Кейин эса... Бошқаларни ҳам ўзи кашф этган «ҳакиқат»га ишонтиришга уринади.

Шунаканги охангда гапирадики, уни билмаган ва тинглаган, сизни билмаган ва тинглаган унга ишонади. Ишонтиrolади. Ва...

Энг ёмони... Сизга унинг кўзлари билан карай бошлишгани...

БОЛАЛИК

Мен сени соғинаман. Мен сени қўмсайман. Сени кўришни, сенда яашни истайман. Ва... киёфангни чиза бошлайман. Пахса деворлар, том устидан мўралаётган чучмома-ю лолақизғалдоқлар, узумлар олтиндай товланаётган ишкомлар, мевали боғлар, ҳайбат солиб турган жарликлар...

Салобатли мактабим, сирдош дугоналарим, синфдошларим, қалби дарё устозларим...

Онам бағрида эриб кетганим, отам донолигидан нур эмганим, акаларим юзларидаги меҳрдан бошим кўкка етгани...

Сўнг... Орадаги ярим асрлик масофани итариб юбораман. Болалигим яшаётган юртга кетгим, альбомларимни варақлагим келади.

ОДАМЛАР

Ё

Янги раҳбар келганди, ҳамма ўзини кўрсатгиси келиб қолди. Кимдир бироннинг ғоясини ўзиники килиб... Кимдир ўзича бир янгиликни бошлаб кўйиб... Кимдир ўзини ҳамма ишнинг бошида тургандай кўрсатиб... Яна кимдир бўлар-бўлмасга хонасига кириб, игнадай ишини тұядай кўрсатиб...

Ажаб феълимиз бор-да.

ОНА

Ү ҳамма нарсани ногирон боласига алмашди. Эрининг меҳрини, қайнона-қайнотанинг иззатини. Бахтини, ҳузур-ҳаловатини. Ва яна бошқа кўп нарсани...

Аслида ҳаёти жуда осуда эди, ундан баҳтлиси топилмасди. Эри еру қўкка ишонмасди. Чопкиллаб-чопқиллаб қайнонанинг хизматини килди. Қайнотанинг оғзидан ”кизим” сўзи тушмади. Кўшнилар келининг уни ибрат килиб кўрсатадиган бўлишди.

Бирин-кетин икки фарзанд кўрди. Бир ўғил, бир қиз. Болалар оиланинг кувончига ку-

вонч кўшди. Ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан камлари бўлмади. Ҳаммаси учинчи фарзанд туғилгандан кейин бошланди. Бола шўрлик тўққиз ойлигига бир касалланди-ю, ногирон бўлди-қолди. Ўсишдан тўхтади. Корни шишиб кетди. На тили чикди, на акл битди. Тирик мурдага айланди. Кўрсатмаган дўхтири ва табиблари қолмади. Иложи йўқ экан. Ногиронлик болакайнинг қисмати экан. Даволаб бўлмас экан. Факат унинг ўлимини кутиб яшашдан бошқа чора йўқ экан.

Энди келин факт ногирон бола билан овора бўлди. Эрининг кўнглини ололмади. Чопкиллаб қайнонанинг хизматини қилолмади. Қайнотага каролмади. Боладан вакти ортмади. Ортган пайти наридан-бери овқат қилиб, кирини ювди, чокини тикди.

Оиладан дарз кетди. Оилани кўринмас нарса кемира бошлади. Дастлаб қайнона исён кўтарди. Айникса, боланинг дарди бедаво эканини билгач, тўнини тескари кийиб олди. Кейин ўғли ҳам она томонга ўтди. Хотинининг ҳар бир ҳаракатидан нуксон топди. Ногирон боласига қарамай кўйди.

Биринчи бўлиб набирасидан буви воз кечди. Сўнг ота. Улар онани ҳам шунга ундашли. Боланинг дорисини яшириб кўйишди. Шўрлик она топиб олиб ичирди. Бир гал дориларни кў-

миб ҳам ташлашди. Ковлаб олиб ичириди. Дард исканжага олган боланинг азобига чидаб туролмади...

Хуллас, гап гапга тўғри келмади. Она кўзларини юмиб, қулокларини кар килиб, боланинг ўлимини кутиб ўтиrolмади. Ногирон бўлса ҳам, ўлимга маҳкум этилган бўлса ҳам оналик меҳри ҳамма меҳрдан устун келди.

Ногирон боласини бағрига босганича уйдан чикиб кетди...

ИЧКИЛИК

Уни ичкилик хароб қилди...

Йўқса, ҳамма нарсаси бор эди: мансаб, мартаба, обрў-эътибор, мол-дунё, уй-жой...

Унда йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди. Аммо... Борини ичкиликка алмашди. Ичаверди, ичаверди... Қувонса ҳам ичди, қайғурса ҳам. Ётиб қолса ҳам ичди, букиб қолса ҳам ичди. Бошини кўтармай ичди. Бошқа ҳаммасидан кечди...

Пировардида унинг кўлида бир шиша арок қолди...

Инсон умрининг бир кеча-кундузи 1440 дақиқани ташкил этаркан. Айтишларича, унинг атиги 40 дақиқаси кувонч, қолган 1400 дақиқаси ўқинчдан иборат эмиш. Инсоннинг ўзи ўқинчни юпанчга айлантириши лозим эмиш...

Қизик, наҳотки қувонч учун атиги 40 дақика ажратилған бўлса? Бу сўзлар ростми ё ёлғон, билмадим, лекин барибир мантиқ бордай туюлди. Эҳтимол, бу синовдир. Эҳтимол, инсонни ўз ҳаётини ўзи безаши учун харакатга ундовдир. Инсонга бардош, ирода, сабр бежизга берилмагандир.

Кўз ўнгимда ўзидан бир неча баробар юкни кўтариб кетаётган чўмоли гавдаланади. Нафсиларини айтганда, инсон ҳам ўзидан неча ўн баробар оғир Ҳаёт деб аталмиш ташвишлар юкини елкасига ортиб яшайди...

Бешик билан қабр орасидаги йўл бунчалар машакқатли бўлмаса...

СҮҚИР

Унинг кунлари факт нолиб ўтятти: гуртнинг нархи бунча эди, унча бўлди, совун

бунча эди унча бўлди. Ўғлимнинг пойабзали йиртилди, қизимда дарслик йўқ.

Аёлнинг кулоғида бир парча тилла сирға осилиб турибди. Қўлида билакузук, эгнида энг сўнгги русумдаги мато. Эрининг тагида “Дамас”, ўғлида “Нексия”...

Одам ҳам шунчалар сўқир бўладими?..

ЯХШИ ВА ЁМОН ГАП

У умид билан ўғил уйлантирди. Ёлғиз боламнинг боши иккита бўлсин, деди. Қизим йўқ эди, қизим бўлсин, деди. Уйим тўлсин, деди.

У орзусига етди, уйи тўлди. Боласининг боши иккита бўлди. Аммо... Боласининг ўзи иккита бўлмади. Келини қиз бўлмади, келини келнлигича қолди.

Орадан ой ўтди, йил ўтди. Қайнонани тан олмади келин. Қайнонага меҳр кўрсатмади келин. Боласини кўтариб онасиникига кетди, опасиникига кетди. Қайнона уй пойлаб, йўл пойлаб ўтираверди.

Тўй қилди она бош-қош, опа бош-қош. Ўз уйида бегона бўлди қайнона. Бир четда қолиб кетди қайнона. Уялди, дили оғриди, дили вайрон бўлди.

Бирок қарғанмади, жанжал кўтармади. Ўғлимнинг жуфти ҳалоли, деди. Набираларимнинг онаси деди. Ўғлим хафа бўлмасин, деди. Ўғлини аяди.

Айтгани эса шу бўлди: ўнгин, келин, ўсгин, келин. Ўғлим билан кўша қаригин, келин. Яхши гапим ҳам, ёмон гапим ҳам шу – келининг ўзингга ўхшасин, келин.

ЖИЛОВ

Шундайлар борки, уларнинг жиловда тургани яхши. Худа-бехудага жиловни узиб кетавермайди. Айтилган ишни қиласи. Эътибор ҳам топади.

Аммо... Жиловини қўйиб юборсанг борми, оёғи ердан узилади. Босар-тусарини билмай қолади. Ўзи хон, кўланкаси майдон бўлади. Ўзидан бошқани оёқ учида кўрсатади. Мисқоллаб йиққан обрўсини ботмонлаб совуради. Ҳамманинг феъли қайтади. Фикри ўзгаради.

Бундайларнинг жиловда юргани яхши.

АРМОН

У чиққан қиз чиғириқдан ташқари эканини унутди. Худа-бехуда араз қиласи. Боласини кў-

тариб, онасиникига кетиб қолди. Ортидан эр халак, қайнона ҳалак. Ўртадаги болани ўйлаб ер бўлди улар. Келиннинг инжиклигига токат килди улар.

Бир бўлмади, икки бўлмади, кўп бўлди. Қайнона чарчади, эр чарчади. “Ортидан бормайман, – деди қайнона. – Энди ўзи келсин”. “Мен хам бормайман”, – деди ўғил. Боришмади.

Келин кутди. Кўп кутди. “Барибир келишади”, – деб ўйлади. “Болани соғинишади”, – деб ўйлади. Янглишди. Келишмади. Сабр чегарага етганди.

Келин-чи, келин? Дастрраб қаттиқ ёпган эшигини очишга юзи бўлмади. Сўнг...

Вакт соғинчни юпатди. Эр ришталарни узиб ташлади. Ва... Қайта ришта боғлади. Келин эса... Югурди-я, югурди... Оёғини кўлига олиб югурди... Аммо ғишт қолипдан кўчганди... Эрининг юрагидаги шам ўчганди...

Чиғириқдан ташқаридаги ҳаётда жувоннинг пешонаси армонга урилди....

БИР БОР ЭКАН...

Үнга мансаб хам берилди, мартаба хам. Обрў хам келди, шухрат хам. Ҳеч кимдан кам бўлмади,

ҳаммадан зиёд бўлди. Минбар уники, давранинг тўри уники... Гап уники, сўз уники...

Аммо у буни кўтаролмади. Бу унга оғирлик килди. Йиқилиб тушди...

Бу ёғи эртак бўлди: бир бор экан, бир йўқ экан...

Кизик, йўқ нарсани орзу киласиз-у, борининг қадрига етмаймиз.

ОМОНАТ ДУНЁ

Хеч ортингизга ўғирилиб қараганмисиз?
Ўтаётган умрингизни сархисоб қилганмисиз?
Нималарни кўргансиз? Сезганмисиз бу дунёда
ҳамма нарса омонатлигини. Мансаб ва мартаба,
хусн ва чирой, ёшлиқ ва гўзаллик...

Аслида, ҳаётнинг ўзи омонат... Киприкдаги
ёш сингари...

Бу дунёда омонат бўлмаган бирор нарса бор-
микин?..

Назаримда бор: бу яхши ном, яхши амал ва
яхши фарзанд...

“ОДАМ БЎЛМАБДИ”

У қўлидаги сумкаси билан бормаган қассоб-
хонаси қолмади: ҳеч қаерда гўшт йўқ. Бирори

ҳозиргина тамом бўлди, деса, бошқаси тақа-так берк. Аксига олиб уйига меҳмон келиши керак. Хотини қаердан бўлмасин гўшт топиб келинг, деган.

— Фалон жойда гўшт бўлиши керак, — деди ниҳоят таниш қассоблардан бири. — Фақат тезрок боринг, тугаб қолиши мумкин.

Ўша томонга йўл олди. Ҳансира-пишқириб қассобхонага етиб келганида қассоб йигит дастадаста пулларни санаётган экан.

— Э, келинг, келинг, домулла, — деди у кўлидаги пулларни викор билан чўнтағига солар экан. — Гўшт керакми? Ўзиям сизга яраша қолган эди-да.

У собик шогирдини дарҳол таниди. Бир амаллаб мактабни тугатиб олган эди. Бир куни дарсга келса, ўн кун қорасини кўрсатмай кетарди. Отноасини чақириш-у, мажлисларда муҳокама қилишлар бекорэди.

— Одам бўлмайсан, — деганди бир гал жаҳли чикиб.

Бу сўзлар шогирдининг юрагига тегди, шекилли, сумкасини олиб, синфдан отилиб чикиб кетганди. У шуларни эслаб кўнгли ғашланди, лекин сир бой бергиси келмади.

— Бу домулла, кўринмайсиз. Ё пенсияга чикиб кетдингизми, дейман.

– Йўқ, ҳали ишляпман.

– Оббо, ҳалиям ишляпман денг. Бу чурвақалар билан ишлаш жонингизга тегмадими? Маош ҳам ўзига ярашадир. Ҳу бирда «Одам бўлмайсан», дегандай бўлувдингиз? Баъзан шу гапингизни эслаб кулиб кўяман. Мана, бизам одам бўлдик. Бўлгандаям сиз ишонган аълочиларингиздан ўн чандон зиёдроқ бўлдим. Ё ҳалиям бунга шубҳангиз борми?

У шогирдидан таъна кутмаганди. Айниқса, ўз умрини бағишилаган болаларни “чурвақалар” дейиши иззат-нафсига тегди. Бир хаёли, “Суф, сенга”, деб кетмокчи бўлди-ю, яна ўзини босди. Пулни узатиб, гўштни оларкан:

– Одам бўлиш кийин, укам, – деди.

Барibir кайфияти бузилди. Йўлма-йўл қассобнинг сўзларини ўйлаб кетди. Хаёл билан уйга етиб келганиният сезмай колди. Шундагина кўлидаги гўшт зил-замбил туюлиб, елкасидан тортқилагандай бўлаётганини пайқади. Гўштни хотинига узатаркан, секин пи chirлади:

– Одам бўлмабди ҳалиям...

ЗИҚНА

Эххе... Кўра тўла кўй, оғил тўла мол...

Бирок... Боласининг китоби йўқ. Хотинининг ковуши эскирган. Остонасининг тагигача лой. Ақалли супасига асфальт тўкиб, текислаб кўймаган.

Негаки, моли камаяди, кўйи камаяди.

У ҳатто Искандарнинг ҳам нариги дунёга кўллари тобутдан ташқарида очиқ кетганини эшишмаган кўринади.

КАРВОН

У ҳамкасбининг ютуғини кўролмади. Ҳасад килди. Ҳасади тутаб-тутаб ғаламисликка айланди. Қилдан қийиқ ахтариб, пашшадан фил ясади, игнадан туя.

Ҳамкасбининг юзига лой чаплади. Аммо ҳамкасби лой чапланган ҳолда ҳам ўсиб чиқаверди. Майсадай яшнаб тураверди.

Хуллас, ит хураверди, карвон ўтаверди...

ДЕВОР

Киз бир йигитни севди. Жуда-жуда севди. Хаёли унга боғланди-кўйди. Ўй-фикри унда

бўлди-қолди. Тушида ҳам шу йигит, ўнгидан ҳам. Уни кутиб юрди. Уни кутиб турди. Кўзлари толиқиб кетди. Юраги зорикиб кетди. Барибир кутди. Кутаверди, кутаверди. Келган совчиларни қайтараверди.

“Кизингни дарди борга ўхшайди”, – деди отаси.

“Севганинг бўлса айт”, – деди онаси.

Киз дардини айтмади. Айттолмади. Ҳаё деган, ибо деган девор бор эди ўртада. Девордан ҳатлаб ўтолмади.

Йигит эса қизни пайқамади ҳам. Севишини билмади ҳам. Ҳаё ва ибо ортида турган юракнинг дукур-дукурини эшитмади ҳам. Билганида эҳтимол... Бу қизни кўлдан чиқармасмиди... Бошкага уйланмасмиди...

Киз шундан сўнг умидини узди. Шундан сўнг турмушга чиқди. Фарзанд кўрди. Бир пайтлар юраги кимгадир интилганини ўзидан бошқа хеч ким билмади. Севгисини қалбининг бир чеккасига кўмди.

У оила деб аталмиш гирдобга шунғиб кетган эди...

Ү мансабга ўтирганди, юзидағи никоби йиртилиб кетди.

Жуда хунук экан...

ЯНГИ ЙИЛ

Орқа-олдига қарамай югуриб кетаётган дунёning нафас ростлайдиган, бир зум тўхтайдиган, ортига ва олдига қарайдиган саноқлигина сониялари бор. Назаримда ана шу сонияларда дунё билан бирга инсон ҳам нафас ростлайди. Ортига ва олдига қарайди. Кеча ва бугун ўртасида бир зум тўхтаб қолади. Бир зум қалбига қулок солади. Нималарни йўқотди-ю, нималарни топди? Йўқотгани ёмонми? Топгани ундан яхшироқми?

Факат шу сониялардагина дунёning нафас олаётганини, юраги ураётганини барабарла эшитиб турди киши. Ва эшитган сайин бутун вужуди ишлайди. Вужуди қулоқка айланади. Ўтаётган умрини сарҳисоб қиласиди. Қалбини ўзи сезмаган аллақандай туйғулар эгаллаб олади. Бу туйғулар катида шукроналик бор. Негаки, у хаёт, нафас

оляпти. Ва яна безовталик бор. Негаки умр ўтаяпти, вакт кетяпти.

Хаёлида унинг вужудига нимадир қўшилгандай, нимадир узилгандай бўлади. Туғилган кунида эмас, айнан шу сонияда яна бир ёшга улғайганини, умрининг яна бир йилини яшаб қўйганини сезади. Алланечук бўлиб кетади.

Инсон кўнгил кечинмаларини сездиравермайди. Барибир тантана, кувонч устунлик қилаверади. Эҳтимол, бу кечинмаларни кимлардир, эҳтимол, ёшлик кўзларини камаштириб тургандар бошдан кечирмас. Уларнинг қай бири бу дамларни сархуш кутиб олар, қай бири китоб титкилаб. Ял-ял товланаётган арча атрофида завқ билан куйлаётган, ўйнаётган, дунё бир зум нафас ростлаётганда ҳам тин олишни истамаган болалар эса ҳавасни келтиради, холос. Бола бўлгиси келиб қолади кишининг.

Аммо болалик ҳам, ёшлик ҳам, умр ҳам қайтмайди. Янги йил қайтиб келаверади. Янгиланган одамлар билан югуриб-елаверади..

ҲАҚИҚАТГҮЙ

У ҳакиқатни бақириб, дод солиб излайди. Кўзига ўзидан бошқа ҳамма муттаҳам бўлиб

кўринади. Одамларнинг юзига чанг солишдан тап тортмайди. Ҳакиқат излаб ҳали у идорага ёзади, ҳали бу идорага. Ҳамма ёкни коғозга тўлдириб ташлайди. На муомалани билади, на маданиятни.

Бирок... Ҳакиқатнинг ўзи ундан юз ўгирган бўлса не килсин?

АЖДАХО

Укези келса отасини ҳам аямайди. Шартта гапиради. Ўзини ҳакиқатпеша қилиб кўрсатади. Кўнгил билан иши йўқ. “Ҳак гапдан кочмаслик керак”, дейди. “Ҳак гапни айтиш керак”, дейди. Ўзи айтганига амал килади. Катта даврами, кичикми, фарки йўқ, кўнглидагини сўзлайверади. Унинг гапларига қарсак чалишади. Уни олқишлишади. Кимдир унга ишонади. Кимдир унга эргашади.

Аммо... Ўртада манфаат аралашиб қолса борми, ҳакиқат ҳам эсидан чиқиб кетади. Манфаат ҳакиқатдан устун келади. Нафснинг кулига айланади.

Нафс деган аждаҳо бунчалар қудратли бўлмаса...

БОЛАКАЙ

Болакай сабзи тўғраётган онасига кизикиш билан каради. Онанинг тахтачадаги сабзини бир кўли билан ушлаб, иккинчи кўли билан пичокни харакатга келтириши ва ҳар бир харакатидан сўнг чиройли парракчаларнинг ажралиб чикиши ажабтовур туюлди. Ўзи ҳам шу ажабтовур ишни килиб кўргиси келди...

Аммо биладики, онаси бунга йўл кўймайди. Пичокни бермайди. “Ҳали боласан”, дейди. “Кўлингдан келса қочиб кетасан”, дейди.

Онасининг ошхонага кириб кетиши болакай учун айни муддао бўлди. Секин тахтачага якинлашди. Лагандан бутун сабзини олиб, тахтачага кўйди ва ушлаб турди. Иккинчи кўлига пичокни олиб, онасидай абжир ҳаракат килмоқчи бўлди.

Лекин... Тўғраш учун бир томони хиёл кесилиб, тахтачага мослаштирилмаган сабзи сирғалиб кетди. Пичоқ болакайнинг кўлини кесиб юборди. Тахтача конга буланди.

Оғриқдан кўра кўркув устун келди. Болакайни вахима босди. Тахтачани тўнтариб қўйди. Ичкари уйга кириб, акасининг ўзидан иккита келадиган костюмини кийиб олди. Костюмнинг узун енглари боланинг айбини бекитди. Кон эса оқаверди.

Ошхонадан қайтган она боласини кўриб ажабланди. “Нега акангнинг костюмини кийиб олдинг?”, деб сўради.

Болакайдан садо чиқмади. Иттифоко, онаси унинг ранги докадай оқариб кетаётганини, ерга қон томаётганини кўрди. Костюмни ечиб ташлади ва ҳаммасини тушунди. Ютуриб дори билан бинт олиб чиқди...

У боласини койимади. Факат онанинг гапига қулок солмаганлар ана шундай жазоланишини айтди.

Болакайнинг икки кўзи ҳамон сабзи билан тахтачада эди...

ЛОЙ

Унга ёмонлик қилғанларнинг бирортаси яхшилик билан ишдан кетмади. Бири бадном бўлди, бошқаси шарманда. Яна бири урилиб кетди, бошқаси сурилиб...

Қизик! Бировнинг юзига лой чаплашдан олдин ковушларининг лойини тозалаб қўйишса бўлмасмиди?

КИБР

Ү ўзини ҳаммадан устун кўяди. Баланд тутади. Унга тавозе қилишларини, илтифот кўрсатишларини истайди.

Кимдир унга қарсак чалса, кимдир писанд ҳам қилмайди. Кимдир юзидан ўтолмаса, бошқаси ғийбатини қиласди.

Курси уни ҳаволантириди, оёғини ердан узди. Курси уни шу ҳолга солди.

Бироқ... Жон каби курси ҳам омонат. У омонатини топширгач, қайрилиб қаармикин бирор?..

ГИНА

Ү бирордан ранжиса, кўнглига маҳкам тугади. Чикариб ташлолмайди. Кечиролмайди. Ойлар ўтса ҳам, йиллар ўтса ҳам, дарё-дарё сувлар окиб ўтса ҳам у ўтмайди ранж чеккан кишисининг гунохидан.

“Бунақа бўлма”, дейишди унга.

“Бошқача бўлолмайман”, деди у.

Гинаси юрагида канадай ёпишиб юрагининг қонини сўриб ётади.

Бошқача бўлолмагани ўзига азоб.

“ҮФИЛ”

Ү ишга ўғил бўлиб келди. “Ўғлим”, деб мурожаат қилди атрофидагилар. Вазифаси сал кўтарилиганди, ука дейдиган бўлишди. Кейин эса... Акага ўтишди...

Мансаб кичикни катта, каттани кичик қилиб кўяркан...

САДОҚАТ

Ү мисли очилган гул эди. Ўзи боладай беғубор, кўнгли тонгдай мусаффо. У билан давраларга ҳазил-мутойиба, кулгу-табассум, самимият кириб келарди. У хар қандай тунд кишини очиб олар, сўз билан одамларга меҳр улашар, ўзини унутиб бўлсаям ўзгалар учун елиб-югурад, хожатини чиқаарди. У ўзи билмаган ҳолда уни билганлар кўнглига иликлик уйғотган, меҳрини козонганди.

Ҳали келинлик либосларининг оҳори тўкилмаганди унинг... Эндиғина очилган гул эди у... Нафисгина, нозиккина, оппоккина гул...

Афсус, гулнинг умри қиска бўлди...

ҚАЙНОНА

Жувон шу кече туни билан мијжка қоқмади. Боласи йиғлаб чиқди. Ҳали бешикка солди, ҳали ечди. Дам күтарди, дам алла айтди, фойдаси бўлмади: гўдак йиғлайверди. Қорни дамладими, деб силаб кўйди. Қулоги оғридими, деб ушлаб кўрди. Эмиздиям бўлмади. Сув ичирдиям бўлмади.

Тонгга яқин боланинг кўзи илинди. Жувон ҳам бошини ёстиқка кўйди-ю, тошдай котди...

Қайноасининг овози уни уйғотиб юборди. Ирғиб ўрнидан туриб, соатга қаради: 11:00. Ҳаёли кочиб кетди. Наҳотки, шунча кўп ухлаган бўлса? Наҳотки, кун тушга якинлашган бўлса? Ахир бугун касбдошлари чақалокни кўргани келишмоқчи эди-ку. Энди нима қилади? Қандай улгуради? Остонада эса қайноаси бир кўлида офтобада сув, бир кўлида тоғорача, караб турарди.

— Келин! Мехмонларингиз келди, — деди у. — Боласини ухлатяпти, дедим. Юзингизни ювиб, ташқарига чика қолинг.

— Ухлаб қолибман, аяжон. Уйғотмабсиз-да. Энди нима қиламан?

Қайнона ҳеч нарса демай кулиб кўйди.

Жувон қайнонаси олиб келган сувга юзини ювди. Апил-тапил артинди-да, ташқарига чикди. Ҳамкаслари билан саломлашиб, уларни меҳмонхонага бошлади.

Хонага кириши билан жувон гулдай яшнаб кетди. Хонтахта устига дастурхон солинган, усти ноз-неъматлар билан тўла эди.

Жувон меҳмонлардан ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Сўнг овкатга уннаш учун ошхонага кирди. Аммо овқат аллақачон тайёрланган, қозонда қўй гўштидан қилинган шўрва мил-мил қайнарди.

У кувониб кетди. Ҳамма ишни қайнонаси бажариб қўйганини, уйкудан колган келинини аяб уйғотмаганини тушунди.

Мехри товланиб кетди. Қайнонасини маҳкам кучоклагиси, юзларини силагиси келди. Югуриб уйга кирса, қайнонаси бешик тебратиб ўтирибди. Унга караб: “Раҳмат, раҳмат, аяжон”, деёлди, холос.

Аммо ана шу биргина сўзнинг замирида келин меҳрининг тафти, ҳарорати бор эди. Бу ҳарорат қайнонани иситиб юборди.

У меҳр бериб, меҳр олди.

ХАЁТ

Үйлаб кўрса, у бир кун ҳам ўзи учун яшамабди. Болам-чақам, уйим-жойим, дебди. Болалари ўсибди, ўнибди. Қизларимни чиқарай, ўғилларимни уйлантирай, кейин оёғимни узатиб ўтираман, дебди.

Қизлари чикибди, ўғиллари уйланибди. Сўнг бешик берибди, бешик олибди. Ўғлига уй қурибди, набирасини суннат қилибди.*

Бу ташвишлар унга куч берибди. Қувонч берибди. Кунлар, ойлар, йиллар ўтганини сезмай колибди. Бир зумда олтмишдан ошибди, етмишга етибди, саксонга якинлашибди. Бирор марта танасига қулок солмабди. На курорт борибди, на юрт кезибди, на дунёга чикибди. Оёқ курғур хеч узалиб ўтирмабди.

Умр эса...

ХУДОСИЗ

Манфаати тегмаса у бир чўпни бу ердан олиб у ерга қўймайди. Қимиrlамайди. Без бўлиб тураверади. Ҳамма нарсани пул билан хисоб-китоб килади. Ҳамма нарсани пул билан ўлчайди. Унинг отаси ҳам пул, онаси ҳам. Акаси

ҳам пул, укаси ҳам. У пулга Худога сиғингандай сиғинади.

Унинг Худоси ҳам пул.

СУВ

Сув кўп нарсани тозалайди: идиш-товоқни, кийим-кечакни ва ҳоказо... Кир нарса борки, сув поклайди. Сув билан шўрни ҳам ювадилар. Сувга тикилиб ором оладилар, роҳат қиласидар.

Сув ўзини ҳам тозаларкан. Ҳар кандай окар сув етти қадамдан сўнг покланаркан.

Афсуски, сув билан бир нарсани – юракни ювиб бўлмайди. Юракнинг кирини тозалаб бўлмайди.

Шундай бўлганида эҳтимол дунёда ғаламислар камаярмиди...

МАДХИЯ

Мен сени илк бор кўрганимда номингни ҳам билмасдим, ўзингни ҳам танимасдим. Ўшанда мен мурғаккина гўдак эдим. Асроринг ҳам, кудратинг ҳам ноаён эди.

Лекин сени ҳар кун, ҳар дақика кўра бошлидим. Назаримда, сен ўшанда менга бешик бўй

либ туюлгандирсан. Эҳтимол, онам бўлиб. Ҳар на бўлганда ҳам мен сени уйимизда, ховлимизда илк бор таниганман.

Тетапоя қадам ташлаб, акам қўлимдан ушлаб кўчага чиққанимда бағринг янада кенгроқ кўринди. Назаримда энди сен машиналар ғиз-ғиз катнаётган асфальт йўл-у, кўчамиздан менга даҳшат ила боқиб турган жарлик бўлиб туюлдинг. Лекин ана шу даҳшат орасидан ҳам сенинг гўзаллигингни, сенинг бетакрорлигингни сезганман. Менга жуда-жуда ёкиб қолгансан.

Гоҳ томимиздан чучмомадек мўралардинг ва мен хуснингни тўйиб-тўйиб томоша қиласдим. Гоҳ мавж уриб оқаётган Оксув дарёсига айланиб қолардинг – маза қилиб чўмилардим. Гоҳ кирғоғи отчопарга айланган Қашқадарё бўлардинг-у, отларнинг дупур-дупури, улок кетидан чопаётган чавандозларнинг “ҳай-хуй” ларига сехрланиб кулоқ тутардим.

Ҳа, сен мен кўрган, мен кузатган жамики энг яхши нарсаларнинг мужассами эдинг, онажон шахрим Китоб!

Эсимда, дадам билан узок шаҳардаги қариндошимизнига борганимиз. Эххе, қанча хурмат, меҳмоннавозлик. Лекин барибир кўнглим тўлмасди. Илтифотлардан зерикар, хушомад-

лардан безиб кетардим. Жаннатмонанд ховли, бир-бирига туташиб кетган пахтазорлар, тупроқ күчаларда чопкиллаб-чопкиллаб юрган болакайлар, ойнадек тиник анхор сувида ўйноклаб сузган баликлар – бари-бари файзсиз туюларди. Кўнглимдан ғашлик аrimас, нимадир етишмагандай бўлаверарди. Бу сен эдинг, жона-жон шаҳрим Китоб!

Эсимни таниганим сайин сени яқиндан танидим. Билсам йўлларингнинг бир учи Самарқанд-у, бир учи Тожикистон томон туташиб кетган, эртаксимон қишлоқларинг, Қайнар, Башир, Варганза отли мўъжизаларинг бор экан. Улуғбекнинг руҳи сенга келиб шодумон бўларкан, мунажжимлар туну кун коинот билан тиллашар, дунёдаги расадхоналарнинг бештасидан биттаси сенда экан. Искандардай жаҳонгирни лол қилган экансанки, қизинг Равшанакнинг қўлинни сўраган. Узункир-у, Кўмиртепа қишлоқларинг милоддан неча асрлар олдин қадим Кеш тарихини бошлаб берган экан. Шаҳар шовқинларидан олисда – Жовуз қишлоғингда олимлар ернинг қайси даврга тегишли эканликларини тоғларингда тош қотган денгиз ҳайвонлари колдиқларига қараб аниқлашаркан.

Шунинг учун дунё палеонтологлари бу гўшангни халқаро этalon (андоза) деб қабул қилган экан.

Ҳазрати Башир авлиёнгни деб мўғул хони таҳтдан воз кечган, Мавлоно Хожагий Имғанакий қаромати ва дуоси ила шайбонийхонлар сулоласи таҳтини аштархонийларга берган, Хўжа Дарвеш Муҳаммад ва Шайх Шамсиддин Паррандадай табаррук зотлар тупроғингда мангу риҳлат қилган, Хиромийдай улуғ шоир яшаган, Абдулла шоиринг дўмбираси саси Московгача етиб борган экан.

Муқанна жанг қилган, Али Кушчи паноҳ топган, Темур назарига тушган, Навоий қадами етган, Бобур довон ошиб ўтган табаррук жой экансан. Билсам, бағринг мен ўсган кўчадан кенг-у, хуснинг мени асир этган чучмомадан минг карра гўзалрок экан. Сенда онамдаги меҳр-у, отамдаги улуғворлик мавжуд экан. Бир оҳанграбо экансанки, каерда бўлсан ўзига тортган, имлаб чорлаган. Бир юлдуз, энг ёруғ юлдуз экансанки, Ватаним кўкида порлаган.

Йўқ, йўқ, сен Зуҳал десам, янгишгум, не тонг, ойдинда кўринмагай юлдузлар. Офтоб десам куёш ҳам порлар факат кундузлар. Сен юраксан, туну кун кўксим узра урилган. Сен бир бино, бир иншоот муҳаббатдан қурилган. Сен

Қашқа воҳасининг сулув келинисан, кокилларинг ювар кўш дарё, бир-биридан сўлим кишлоклар юзингга хол, хуснингга оро. Ҳар юмушни бажармокка фарзандларинг кодирдир, бугун улар бири олим, яна бири шоирдир. Бири сенинг тарихингни китоб қилиб ёзмоқда, боғбонларинг довруғингни Ватан бўйлаб ёймоқда...

Мен-чи, мен эсам, шу топда сенга бўлган меҳримни тўқмоқдаман номага. Қанча интилмай, канча изланмай, меҳр қурғур бўй-бастини яширмоқда ҳаммадан. Ва... Зарраларга, заррачаларга бўлиниб, сочилиб-сочилиб кетмоқда.

Сен уни катрадаги қуёшнинг акси деб бил, кадрдоним Китоб!

ПАСТ

Паст барибир пастлигини қиласди.

Учиб кетаётган қарғанинг оғзидан ёнғоғини юлиб олгиси келади. Узумини чўкилаётган чумчукнинг кўзларини ўйиб олгиси келади.

Атрофга олазарак бокади. Қўшнисининг уйидаги ўрикни ҳам териб олсан, дейди. Кўзига кўринган хасни ҳам чўнтағимга солсан, дейди. Уяти йўқ, андишаси йўқ. Кўзлари ҳар ёнга қараб олма теради. Кўчада ўсаётган дарахтнинг

мевасига ҳам кўрикчи. Кўл теккизган боланинг адабини беради.

У бойиб кетса ҳам ўзгармайди. Тўйиб кетса ҳам ўзгармайди. Ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайди. Кўзи оч, феъли паст.

Паст, отнинг устидаям пастлигини сездириб кўяди...

ИҚРОР

Қайнона билан келиннинг гапи гапига тўғри келмади. Бири “ади” деса, иккинчиси “бади” деди. Ҳеч бири бўш келмади. “Каттаман”, деб қайнона кўприк бўлмади. “Ёшман”, деб келин тилини тиймади. Икки ўртада қолган йигит қайси бармоғини тишламасин оғриди. Ноилож аламини хотинидан олди. Бир мушт туширганди, кўзи кўкарди. Бундай муносабатга кўникмаган келин аразлаб кетди...

Қайнона ховуридан тушиб, келинини кечирган бўлди. Ўғлини уни олиб келишга жўнатганди, куёвни бутун бошли оила талади:

– Ҳовлимга қайтиб оёғингни босма, – деди ота. – Сенга берадиган кизим йўқ.

– Тор корнимга сиккан, кенг уйимгаям сиғади, – деди она.

— Синглимни урган қўлларингни синдираман, — деди ака.

— Сизга теккандан бери дарддан чикмайди, — деди қайнопа.

Хуллас, ҳамма куёвга карши турди. Ҳеч ким ундан: “Нега кўл кўтардинг?”, деб сўрамади. Қарс икки қўлдан чикишини ўйламади. Куёвнинг авзойи бузилди. Бурилиб кетди.

Келин кўрдики, вазият қалтис. Эрига тош отишяпти, ҳайдагандан баттар килишяпти. Бу гаплар унга оғир ботишини билди. Бу гапларни кўтаролмаслигини билди. Бирдан акли ғалаён кўтарди. Эрининг ортидан югурди.

— Тўхтанг, мен сиз билан кетаман!..

Келин ортига ўгирилди. Ғалати ахволда қолган яқинларига гуноҳкорона бокди:

— Узр, айб мендан ҳам ўтганди...

ОҚИБАТ

У тўрт боласи билан эридан тул қолганида кичкинаси кўлгўдак эди. Бир томондан айрилик юки, бир томондан тўрт боланинг юки... Жувоннинг икки елкаси юк остида колди. Вахима босди.

Бирок унинг яқинлари оқибатли чиқишиди. Ташлаб қўйишмади. Суяшди. Гоҳ катта акаси келса, гоҳ кичик акаси келди. Гоҳ укаси йўқласа, гоҳ амакиси йўқлади. Хуллас, бири келиб, бири кетди. Янгалари, келинлари асл экан. Зерикишмади. Эрларини зериктиришмади. Болаларнинг суягини қотиришиди. Йикилса нон тишлаб турадиган қилишиди.

Аҳли маҳалла жувоннинг яқинлари тимсолида яшаётган Оқибатни кўриб турди...

ТОРТИШ КУЧИ

Айтишларича, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дер эмиш. Айтишларича, яхши ният ярим давлат эмиш. Бир талаба йигит буни бошқачароқ талқин қилди. У айтдики, Ньютон тирик бўлганида аллакачон одамнинг тортиш кучи қонунини кашф этган бўларди.

Бу талабанинг шахсий фикрими ё бирордан эшитганми, билмайман. Аммо унинг сўзларида мантиқ кўрдим. Негаки, ҳақиқатдан одамда тортиш кучи бор. Буни кўп марта кузатганман ва инсоннинг яхши нияти яхшилик чақирганини, ёмон нияти ёмонлик чақирганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бу, эҳтимол, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фариштанинг омин дейишидир. Бу, эҳтимол, одамнинг тортиш кучидир. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам иккиси бир нарса.

Хулоса эса шундай: ниятнинг бутуни яхши!

ТЎРВАСИЗ КИМСА

Үнинг факат тўрваси йўқ. У факат кўчада кўлинин чўзиб ўтирумайди. У шунчаки ишда, иш жойида. Бироқ келган одамнинг кўлига қарайди. Келган одамдан тама қилади. Индамай жўнамокчи бўлса бир нима ташлаб кетишини сўрайди. Беминнат ишини миннатга қориштириб юборади. Хуллас, нимадир олиб қолади.

Садақани борлар беради. Орттирганлар беради. Унга эса... Орттирган ҳам беради, орттиргмаган ҳам. Иши тушса кифоя. Кимдир индамай ташласа, кимдир оғриниб ташлайди. Кимдир сўнгги чақасини бериб, ўзи яёв кетади. Чурк этган киши важ билан сийланади.

Унинг факат тўрваси йўқ...

КЎЗ

Инсоннинг кўзи ўзгармайди. Узок йиллар учрашмаган дўстлар ҳам бир-бирларини кўзларидан танишади. Негаки, соchlар, ҳатто кошлар оқаради, юзларни ажин қоплади. Қўл... у ҳаммадан аввал кексалик аломатларини намоён қиласди.

Аммо кўз... Ўша-ўша тураверади. Хиралашганини ҳам сездирмайди. Кексайганини ҳам сездирмайди. Чақнаб тураверади. Ёшлиқда ҳам, қариликда ҳам бирдай.

Кўзни эгалик деганлари шумикин? Кўзнинг эгаси киприкмикин? У кўзни чангдан, губордан, кутилмаган фалокатдан асрагани каби кексаликдан ҳам асрармикин?..

ОТА ЎГИЛ

У боласининг кўнглига қаради. Ҳамма нарсани мухайё қилди. Ҳеч кимдан кам қилмади. Ҳеч нарсага зориктирмади. Кўлини совук сувга урдирмади. Болакай мактабнинг ҳам, маҳалланинг ҳам олди бўлди. Кўчасида биринчи бўлиб велосипедча минди. Биринчи бўлиб велосипед минди. Ҳа, деса, ма, деб чўнтағига пул солиб турди отаси.

У тенгкурларидан ўзиб кетди. Қўл чўзиб етиб бўлмай колди унга. Отанинг сояи давлатида ҳаволанди, “фалончи”нинг ўғли бўлиб учиб юрди осмону фалакларда.

Аммо... Орадан йиллар ўтди. Яхши отлар кейин чопди. Ортда колганларнинг бари ундан ўзиб кетди. Олдинга чиқиб олди.

Негаки, уларнинг суяги меҳнатда қотди. Ҳаваслари истакка, сўнг харакатга айланди. Ҳаракат уларни олға бошлади. Ўзларини ўтга-чўкка уриб йўқни йўндиришди. Олға интилишди. Ҳеч кимга ишонишмади, суянишмади. Уларнинг ўзидан бошқа суянадиганлари йўқ эди.

Хозир бирининг тагида “Нексия”. Бошқасининг тагида “Ласетти”. Иморатлари осмонўпар. Бунга уларнинг ўзлари эришди. Меҳнат қилиб, елиб, югуриб. “Фалончи”нинг отаси дейдиган бўлишди уларнинг падари бузрукворларини...

Унинг ўғли эса ҳануз бола. Ҳануз отаси чўнтағига пул солишини кутиб ўтиради...

ВАТАН

Отаси қулоқ қилинишини эшитиб қочиб кетганида у жажжигина қизалок эди. ”Қулоқ”

деган сўзнинг маъносини тушунмаса-да, оиласдаги кўргуликлар сабаби шу сўз билан боғлик эканини англади. Оғзига кучи етмаганларнинг “Кулокнинг кизи”, деб пичирлашларидан безиб кетди. Отасини соғиниб, пана-панада йифлаб олди.

Ота ойда, йилда ярим тун яширинча келиб, болаларини бағрига босар, сўнг кандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўларди. Бир-бирларининг дийдорларига тўймай қолишарди. Шўрлик она эрининг қулок бўлишига сабаб бўлган кичкинагина тегирмонга лаънат айтгани-айтган эди.

Орадан йиллар ўтиб, ота хор-зорликда ўлиб кетди. Қаерда, кандай жон берди, қаерда дафн этилди, яқинлари билмадијам. Ўшанда илк бор жажжигина қизалоқнинг юраги титраб кетди...

Йиллар ўтди. Балоғат ёшига етган қизни ёр-ёр садолари остида куёвга узатишиди. Бироқ у атиги бир ойгина оила деб аталмиш сирли салтанатнинг бекаси бўлди. Уруш бошланиб, эри фронтга кетди. Қорнидаги боласига ота дийдорини кўриш насиб этмади.

Кейин эса... Укасини аввал уйида Абдулла Қодирий асарларини саклагани учун, кейин Оксарой ҳақида шеър ёзгани учун сургун килишди...

Унинг қалбидаги исмсиз саволлар ғужғон ўйнади: Нега отаси қулок қилинди? Нега дарбадарликда ўлиб кетди? Нега ўзи баҳор ёшида бева қолди? Нега укасининг гул умри қамоқда ўтди? Нега?..

Уни Мустакиллик уйғотиб юборди. У юрагидаги исмсиз саволларга жавоб топганда бўлди. Қаранг-а, кичкина бир тегирмон қурган отаси хор-зорликда ўлиб кетди. Энди эса... Кучи етғанлар заводлар қуришяпти, корхоналар сотиб олишяпти.

Оила деб номланган сирли салтанатнинг атиги бир ой меҳмони бўлди. Кейинги умри ёрига садоқат билан, ёрини кутиб ўтди.

Бугун эса... Кўз тегмасин, замона тинч, осмон мусаффо!

Абдулла Қодирий асарларини саклагани, Оқсарой ҳакида бир жажжи шеър ёзгани учун шўрлик укасининг кўрмаган азоби қолмади. Икки марта сургун қилинди.

Бугун эса... Телевизордан “Ўтган кунлар” фильмни тушмайди! Кумуш ёки Отабек ҳакида шеър ёзмаган шоирнинг ўзи йўқ! Ўзбекистоннинг уч муazzам шаҳрида Амир Темурнинг ҳайкаллари салобат тўкиб турибди! Қадимий Шахрисабзга Амир Темур ордени берилди! Амир Темур миллатнинг ғурурига айланди!

Афғон тупроғида бедарак йўқолган боласи соғинчида юраги ёнган аёлни кўриб ўзининг ҳам юраги ёнган эди.

Бугун эса... Ўзбекистон сиёсий мустакил! Ўз тақдирини ўзи ҳал килади!

Пахта экиб, косаси оқармаган дехкон танишига бегоналар “ўзбек иши” иштирокчиси, дея айб қўйишди. Қамаб юборишди.

Бугун эса... Ўзбек ўзига бек!

У буларнинг ҳаммасини идрок этди. Буларнинг ҳаммасини чоғишириди ва Мустакилликнинг улкан кудратини ҳис қилди. Лаблари секингина пичирлади:

– Мен Ватанни қайта кашф этдим!

САВЛАТ

Үнинг фактат савлати бор. Пешонасини чертиб кўрсангиз: “Бўм... бўш...” деган овоз эшитилади. Давр адашиб унга тегиб колди. Саллона-мастона килиб юргани юрган. Кўлини оркасига килиб, бир у ёкка боради, бир бу ёкка. Ўзига улфат топиб олса, килаётган иши ҳам эсидан чиқиб кетади. Дунёни унутади. Майдамайда отиб ўтираверади. Куруқ савлатнинг ичидагуруқ ваҳима қамалиб тураверади.

... У ўзининггина эмас, ишлаган жойининг ҳам обрўсига путур етказади.

АНДАВА

У худди андавага ўхшаб, сийпалагани сий-палаган. Қаноти остидагиларни ҳимоя килмоқчи бўлиб, бор худони йўқ дейди ва айбларини яшириб, ўзини уларнинг халоскори килиб кўрсатади.

Эҳтимол, бу яхши фазилатдир. Аммо факат андава бўлиш тўғримикин? Йиринглар ярага айланиб, андаванинг тагидан ҳам бўртиб чикмайдими? Касалини яширган билан иситмаси ошкор қилмайдими? Ошкор бўлган хақиқат андавани синдириб юборса-чи?

Нима бўлганда ҳам ширин ёлғондан аччик хақиқат яхши.

НОШУКУР

Кора рангларни кўради унинг кўзлари факат. Кўрган рангидан куч олиб, сайрай бошлайди бўғилиб кетгунича то. Унинг тегирмонига сув куювчи ҳам топилади карсак чалиб.

Аммо сўзларидан афтини буриштирганларда кўп. Негаки, уларнинг кўзлари кўриб ту-

рибди-да камалакдай товланаётган бошка рангларни.

Аслида ҳаёт ҳар кайси даврда ҳам ранг-ранг, соянинг тепасида нур, коранинг атрофида оппок олам яшагани каби.

Шукур деган сўзни айтиш учун шу оддийгина аксиомани билиш кифоя.

КЕЛИН

Келиннинг умри қайнонани пойлаб ўтди. Ишга кетаркан болаларига: «Бувингга кўз-кулоқ бўл, бирор нарсани илдириб, аммангникига кетиб қолмасин», – деб тайинлагани тайинлаган бўлди.

Шўрлик онаизор эса ночоргина яшаётган қизига нималарнидир илинарди. Тансик таом тановул килаётганида томоғини нимадир бўғарди. Қизини, набираларини ўйлаб кетарди. Ахён-ахёнда кизиникига борганида набираларим қўлимга қарайди, деб олган қанд-курси ҳам гапсўзга сабаб бўлгани боис ўғлига орини солмай қўйганди.

...Орадан йиллар ўтди. Қайнона бандаликни бажо келтириди. Энди келиннинг ўзи қайнона. Ўғри мушукдай ҳали эридан, ҳали ўғлидан яшириб кизлариникига ташигани ташиган.

Уни кузатиб турган келин эса ковоғини уяди.
Қайнонадан норозилигини косани товокка, кап-
гирни қозонга уриб, сездириб-сездириб күяди.

Шундай пайтда аёл қайнонасини эслаб ке-
тади. Оналар ҳамиша кайси фарзанди ночоррок
кун кечирса, шунга қайшишини, шуни ўйлаб
егани захар, кийгани кафан бўлишини аллақачон
тушуниб етган. Энди эса иззатини жойига куяй
деса қайнона йўқ. Келинига тушунтирай деса у
ҳали қайнона бўлиб кўрмаган.

Келинининг киёфасида ўз аксини кўраркан,
дардини индамайгина ичига ютади...

ОТАХОН

— Ассалому алайкум. Йўл бўлсин, отахон?

— Ваалайкум ассалом. Шаҳрисабзга, тўйга.

Кураш бўлармиш, деб эшитдим.

— Кураш тушасизми?

— Йўқ, томоша қиламан.

— Байрам куни 'стадионда хўп ўйнадингиз.

Маза қилиб томоша килдик.

— Замира Суюнова: “Ўйнанг, ота”, деди-да.

— Ўғлингиз келиб турибдими?

— Ҳа. Якинда телевизорда роса шеър ўқиди,
кўрмадингизми?

- Кўрдим.
- У Абдулла Орипов билан суратга тушган.
- Зўр-ку.
- Мен ҳам тушганман. Кўрсатайми?
- Кўрсатинг.
- Мана бу Абдулла Орипов, мана бу Сиро-жиддин Сайд, мана бу...
- Нечага кирдингиз, отахон?
- Саксондан сакрадим, ҳадемай тўқсон билан тўқнашаман...
- Юз билан ҳам юзлашиб юринг, илоҳим...
- Худо хоҳласа...
- Отахон билан қисқагина сухбатдан маза қилдим. Кўнглим яйраб кетди. Орамизда канчалар самимий кишилар бор-а!

ХЕЧ КИМ

У хаётда омади чопмаган, ҳак йўлни топмаган бир кимса. Икки кўлини дунёнинг тўрт томонига чўзиб, бирор нарсани узиб ололмаган, иғводан бошка хунар тополмаган киёфа. Ичида сафро тўлиб, улуғлик даъво қилиб, ўзига-ўзи баҳо бериб юрган нотавон. Одамлар ундан аллақачон толган, назардан колган.

У бамисоли осмонга бўй чўзиб ўсаётган теракка ўхшайди. На меваси бор, на сояси. Танасини қурт кемириб ташлаганки, ёғочликка ҳам ярамайди, бирор қарамайди. Қаттикрок шамол бўлса, йиқилиб кетишидан чўчиб, ҳамма ундан ўзини узокқа олади.

Манфаати бўлса тошни кемиради, сувни симиради. Текканга тош отади, тегмаганга кесак. Дуч келганга ё ниш санчади, ё заҳар сочади. Иғводан бошқага ярамаган худбин, ичига ин курган шайтони лайн. Кимнидир шубҳали, деб коралайди, кимнидир муттаҳам. Яна кимнидир каззоб бўлиб кўринса, бошқани ўғри дейди. Ҳуллас, бирор ўпок бўлса, бошқа бирор супок.

Хўш, унинг ўзи-чи? Ўзи ким?

Ўзи – Ҳеч Ким!

ЁЗУВЧИ

У қаерга бормасин ўзини ёзувчиман, деб таништиради. Ёзувчиман, деб у эшикни қоқади, ёзувчиман, деб бу эшикни қоқади. Ҳеч қаердан курук кўл билан чиқмайди: у эшикдан у нарсани ундиради, бу эшикдан бу нарсани.

Унинг исми-шарифи ким, қанақа асарлари бор, дейсизми?

Унда эшитинг: исми-шарифи ўзи айтганидай – Ёзувчи. Ўнлаб, эҳтимол, юзлаб юмалоқ хатлар муаллифи у.

СУКУТ

Айтиладиган гапни айтмаслик, килинадиган ишни қилмаслик, томошибин бўлиш, сукут сақлаш қанчалар ёмон!

Сукут сақлаб илончакнинг илон бўлишини кутиш...

Сукут сақлаб илоннинг аждахога айланишини кутиш...

Аждахонинг тишлари ўткир, нафси ўпкон. Болалаб кетади. Битта боши кесилса, иккинчиси ўсиб чиқаверади. Ҳамма боши кесиб ташланганида болачалари жабр кўради...

Ёмон томони шундаки, баъзида аждаҳо сукут сақлаганни ҳам ўз домига тортиб кетади...

ҚУЁШ

У қуёшнинг нурини тўсмоқчи бўлиб, этагини кўтарди. Этагини кўтариб у томонга ўтди, этагини кўтариб бу томонга ўтди. Аммо офтоб чараклаб чиқаверди.

Куёшнинг нури олдида булутлар ип эшолмай, эриб, сув бўлиб оқади-ю, у ким бўлибди?

Ноилож кўтарган этагини тушириб юборди.

ЭСИЗ

Тошканбой тўй қилмоқ ниятида кишлокқа келиб, уни катта одам бўлиб кетган, деб билган кишлокдошлари ва янги ошналарига бир ҳак бермоқ ва ўзини кўрсатмоқ ниятида чўнтағига кўлинни солди ва хаёлга толди.

“Нексия” оламан, деб йигиб юрган пулини ишлатиб дабдабали тўй килса бўларди-ю, машинали бўлиш орзузи орқага сурилишини ўйлаб кўлинни чўнтағидан олди ва яна хаёлга толди.

Боз устига хотинига кишлокда обрўси баландлигини, унинг хизматига шайлар каторлашиб турганини кўрсатиб кўймокчи бўлиб хадди сиққан ва сифмаган эшикларни бир-бир чертиб кай бирига тўйнинг гўштини, кай бирига гуручини, кай бирига ичкилигини юклаб кўйди ҳаммани ҳайрон қилиб. Негаки кишлокда химматича тўёна килинар, аммо солик солинмасди.

Буни ҳеч ким юзига айтмади, ортиқча сўз котмади, айтганини олиб келиб берди танти одамлар.

Тўйдан кейин уларнинг кўнглидан ўтгани шу бўлди: Тошканбой қишлоқдан кетиб орини сотибида ва бир тўрва халта топиби...

Эсиз...

АЖАБ ДАСТУРХОН

У иккиси бир дастурхон атрофида ўтиради бир-бирига мулозамат кўрсатиб, мактаб худди какку билан хўroz каби. Бирори ташвиш чекса қайғургандай, бирори кувонса шодлангандай бўлишади ўзларини меҳрибон кўрсатиб. Уларни чироқ билан пиликка киёслашади каерда бўлса бирга ўтирганларини кўриб.

Аммо... Бирори сал бурилиши билан иккинчиси ортидан тош отишни бошлайди.

Ажабо! Бу қандок дастурхон бўлди...

ЛОЛА

Оғриқлар танини эзиб, касалхонага тушди. Кўзига хеч нарса кўринмади. Иштаҳаси йўқ. Овқатларга қайрилиб қарамайди. Танасига кулок соглан, бошланиши мумкин бўлган хуруждан хавотирда колган, **бемажол** бўлган.

Дўстларининг оёғи узилмайди. Бугун бу таниши йўкласа, эртага у таниши йўклайди. Қа-

риндош-уруғлар, дўсту биродарлар. Эҳ ҳе, ёнидан одам аримайди. Улар билан ҳорғингина сўрашади. Кайфиятини кўтартмокчи бўлган дўстларига ноилож табассум қиласи.

Баногоҳ хонасига дўсти бир даста тоғ лоласи билан келди. Унинг кўзлари чакнаб, юzlари яшнаб кетди. Ўрнидан туриб олди. Лолаларни қўлига олди-ю қалби бир гўзалликни, бир латофатни хис этди. Ташқарида баҳор кезиб юрганини эслади. Лолаларни гулдонга солиб қўйди.

У лола гулида яшириниб ётган Ҳаётнинг сувратини кўрди.

ЖАҲОЛАТ

Уларни мажбур қилиб унаштиришди, мажбур қилиб никоҳдан ўтказишди, мажбур қилиб тўй қилишди.

“Синглимдай бўлиб қолган қизга қандай уйланаман?”, деди йигит.

“Акамдай бўлиб қолган йигитга қандай турмушга чиқаман?”, деди қиз.

Уларни назарга илишмади, сўзларига қулок солишимади. Қулок солмаганлардан бири ака эди, бири ука. “Укамнинг қизи биронники бўлмасин”, деди ака. “Бегонадан кўра ўзимники яхши”, деди ука.

Кимдир қариндошлар никоҳидан узок юриши
ни маслаҳат берди. “Бинойидай яшаётганлар бор-
ку, Худонинг кўзи ўнг бўлсин”, дейишди унга.
Хуллас, у бўлди, бу бўлди, тўй бўлди.

Бироқ... Бир йил ўтди, беш йил ўтди, ўн
йил ўтди ва манзара шундай бўлди: уйнинг уч
бурчида уч ногирон бола, тўртинчи бурчида
аламини ичкиликдан олиб, ҳар куни бир шишани
бўшатадиган ота.

Ўртада дунёга келганидан афсус-надомат
чекиб, бошини қайси тошга уришни билмаган
онаизор...

ЁНИДАГИ КИШИ

Уни кўтармоқчи бўлишганди ундан аввал
ёнидаги бош кўтарди: кўтарилишга нолойик, деб
у ёкка, шу ишига ҳам номуносиб, деб бу ёкка,
фаолиятини ўрганиб кўриш керак, деб яна бир
ёкка ёзди.

У эса ҳайрон: атрофига назар ташлайди-ю
ёнидагилардан қайси бирининг ичини курт бос-
ганини билмайди...

ЗУЛМАТ

Үнинг ичи шунчалик кораки, зулмат қалбida ин куриб олганга ўхшайди. Кўнгли қоралигидан ҳатто соясига ҳам ишонмай, мен билан бирга қадам ташлаяптимикин, деб караб қўяди.

Фақат бирорга иши тушсагина ҳалимдай юмшайди, кўнглига илондай кириб олмокчи бўлади ва зулмат қўйнида нур кўрингандай бўлади назарингизда. Аммо бу нур чақмоқ каби оний бўлиб, бир зумда сўнади ва зулмат коплаган юрак яна асл ҳолига кайтади.

Тавба, дейишдан бошқа нарса қўлингиздан келмайди...

ҚУСИШ

У дунёни ўзиники деб билди. Ҳеч кимдан тап тортмади. Ҳеч кимга бўйсунмади. Назарига илмади. “Давр – меники”, деди. “Даврон – меники”, деди. Даврини сурди. Давронини ҳам.

Нафси ҳакалак отди. Куюшқондан чикиб кетди. Аммо бирор мушугини “пишт”, демади. Бирор, орка-олдингга караб юр, демади. У кетаверди орқа-олдига қарамай. Йўлида дуч келган

хар кандай дарахтни илдизи билан кўпориб...
Кўзига тик бокканни босиб, янчиб...

Лекин... Шаҳар бедарвоза эмас... Арғамчи
узун...

Пировардида у еганларини қуса бошлади...

БИРОВ

Үнг томонга ўтса ҳам чил берди, чап томонга
ўтса ҳам чил берди унга Бирор. Гоҳ оёғи остига
мағзава тўкиб қўйди тойиб кетсин деб. Гоҳ чоҳ
қазиб қўйди кулаб тушсин деб.

Ниҳоят у сирпаниб кетди ва қаддини ростлаш
учун чеккага чиқди. Югуриб унинг ўрнига ўтиб
олди Бирор ва байрам килди кувонганидан.

Қизиги шундан кейин бўлди: тойган-ку
қаддини ростлаб олди, аммо чоҳга тушиб кетди
Бирорнинг ўзи.

ЮЛДУЗ

У ҳаммадан олдин осмонга учиб чиқди.
Ҳаммадан олдин кўтарилиб кетди. У кўл ет-
мас юлдуз эди гўё. Ердан унга хавас билан
тиклидилар. Ундай бўлишни орзу килдилар.

Ниҳоят орзусига етганлар бўлди. Юлдузга
етганлар бўлди.

У эса... Хом сут эмған банда-да, ҳануз ўзини танҳо хисоблайди. Ҳануз ёнидагиларни кўрмайди.

Кўрмагани бир нави, ёмони – кўролмагани...

БАЪЗАН...

Пул ўлсин!

Баъзан:

туппа тузук одамни издан чикаради;
ота билан боланинг муносабатини бузади;
ҳамма нарсани ўзига олиб бориб тақайди;
инсоф ва диёнатни, виждон ва эътиқодни
ямламай ютади.

Баъзан:

кўнгил ҳақида соатлаб ваъз айтган воиз ҳам
кўнгилни пул билан синдиради.

Пул ўлсин!...

УМР САВДОСИ

Икки ёш ажралди. Униси у ён кетди,
буниси бу ён. Жаҳл чиккан эди, акл қочди.
Акл келганида униси Мағрибда эди, буниси
Машриқда. Бу ҳам етмаганидай ўрталарида
учинчи дарахт кўкариб чикканди.

Дил дилга талпиниб, Мағриб билан Машриқ ораси бир кадам бўлди. Ўртадаги дарахтни ҳам босиб ўтишди.

Жаҳл чиққанида кўприк бўлмаган, умр савдосини мол савдосига айлантирган катталар ўртадаги дарахтга нима дейишни билмай оғзиларига мум солиб олишди...

ҚАСАМ

Үни қасам урадиган бўлди. Онт ичди-ю, сўзида турмади, сўз берди-ю лафзидан қайтди. Ўз хатосини хаспўшлаш учун ўзганинг шаънини курбон қилди. Эти жунжикмади, виждони қийналмади.

Энди қасам унинг ортидан соядай эргашиб юради, кўйиб юбормайди ва кун келиб шунаقا дўппослайдики...

Эҳтимол, у бир умр мажруҳ бўлиб қолар.

МУРИДЛАР

Үнинг муридлари кўп эди. Соясига салом беришарди. Гах деса кўлига кўнишарди. Унинг

сояи давлатида кўкаришарди, гуллашарди, яшнашарди...

У муридларининг соябони эди. Ёмғирдан асрарди, офтобдан асрарди. Бирор ола караса, таъзирини берарди.

Иттифоқо, унинг суви лойка келди. Дарёлар тескари оқди. Муридларга сичконнинг ини минг танга бўлди. Ковакларига кириб кетишиди. Ахён-ахёнда бошларини чикариб, атрофга караб, лойкаланган сувни кўришади-да, типратикан каби каллаларини яширишади.

Ана сизга муридлик...

ИСРОФ

У йиғилишга келди-ю, бошланишини роппароса бир соат кутди, диккинафас бўлиб кетди. Бир у эмас ҳар дам соатга тикилган, иссиқдан елпинган. Бирор эснаса, бошқанинг энсаси котди. Кимдир зерикиб ёнидагини сухбатга тортди, бошқаси ўтирган жойида хурракни отди. Мажлисхона ғала-ғовурга тўлди ва бозор бўлди.

Хўш, кейин-чи, кейин?

Қолгани рисоладагидай ўтди.

Аммо орада бир соат вакт куйиб, кул бўлди.

НАДОМАТ

Ү бир аёлга илакишиб қолди-ю, балога гирифтор бўлди, яшашдан толди. Аёл қанадай ёпишиб олиб, килган иши конини сўриш бўлди. Канани суғурай, деса этига кириб кетган, суягигача етган. Кесиб ташлай, деса этнинг бир парчаси ҳам эт.

Ноилож у ўзини кананинг ихтиёрига топширди дарёда окиб кетаётган кишидай толиб, мадордан қолиб.

Оқим уни қаергача олиб боришини ўзиям билмайди.

КЎНГИЛ

Уни йўқламай кўйишди на ҳамкаслари ва на шогирдлари. Ахир у шу корхонада чорак аср ишлади, курсида ўтирди, гапи гап, сўзи сўз бўлди. Йўғини йўндириди, борини тўлдириди, бирини икки килди.

Интизоми темирдай эди: атрофидагиларни тиндиримади, на дам олгани кўйди, на байрам килгани. Иш, иш ва яна иш бўлди шиори. Бирордан хол сўрмади, йўқламади, йўқлаб келганни ёк-

тирмади. Мөхнат күлганин-ку сийлади, ёнидаги йигитларга иш ўргатиб, одам килди.

Ҳаммаси пенсияга чикқанидан кейин бошланди. Юраги сиқилиб, ўзини күйишга жой тополмади, одамларини қумсади, боргиси келди-ю оёғи тортмади. Негаки, ўзи ишдан ташкари кишини ёқтирмаган, сиртини бермаган, кўриб кўрмасликка олган. Бошқаларни ҳам шунга даъват этган, ишда ишдан ташкари нарсани йифгиштир, деб шарт кўйган.

Аслида у зўр ишлади: олкиш ҳам олди, хурмат-иззат ҳам. Медал ҳам олди, орден ҳам. Факат... Факат кўнгилни олмаган экан... Бирони йўқламаган, йўқлатмаган экан...

Ўзининг амали ўзига қайтди, уни ҳам йўқламай кўйиши...

“МУХБИР”

Үкўлига алмисокдан қолган қип-кизил дафтарчасини олди-да, эгнига оқ кўйлак устидан кора костюм кийиб, бўйнига бўйинбоғ такиб йўлга отланди. Мўлжал олган эшикларини бирма-бир такиллатди ва ўзини мухбир, деб таништириди. Албатта, уни ичкарига таклиф этишди ва секингина қайси газетадан эканини сўрашди.

У айтган газетани эшитишмаган ҳам, сўрай дейишиша, бир курсини эгаллаб ўтириб шунака газета чикаётганини билмайсанми, деб таъна қилишидан чўчиб нафасини ичига ютди бариси.

У эса кирган эшигидан нозик жой кидирди ва мўлжални бехато олиб савол берди. Аслида-ку, борган жойларида мактовга арзигулик иш бисёр, аммо ҳамма гап қайси кўз билан қарашда, кир кидирган киши топмай қўймайди.

У, албатта, кир қидираётганди ва ўқни бехато отди. Қай даргоҳга кирмасин, аввал қорнини тўйдирди, кейин машинасини, ундан кейин чўнтагини. Хуллас... Рози қилиб жўнатишди...

У мақола ёздими-ёзмадими, ёзган бўлса, газетада чикдими, чиқмадими, ҳеч ким билмайди, аммо ўзини мухбир деб атаган кимса муддаосига эришди: нафсини қондирди.

КЎЗ ОҒРИҚ

Унга тикилиб туриб кўзингиз оғрийди, афти- ангори, юз ифодаси, аламзада киёфасидан нима демокчи эканини сезасиз. Мабодо уни тинглашга мажбур бўлсангиз, котган энсангизни яшириб, оғриган кўзингиз билан қараб тураверасиз...

Унинг сўзларини тинглаб чарчаб кетасиз-у, муносабат билдиргингиз келмайди, биласизки, битта сўз унга кам, иккитаси ортиқча. Кулиб турган офтобнинг гўзаллиги унга бегона, кишининг оппок эртагини эшитмайди, кўкламнинг ямъяшил нафасини ҳис этмайди. У факат дунёнинг кирини кўради, дунёдан иллат кидиради. Шунданми, ўзи ҳам иллат ичида яшайди. Бирор: “Феълинг курсин”, деса, бирор: “Афting курсин”, дейди.

...Унга тикилиб туриб кўзингиз оғрийди...

ВАҚТНИНГ КУЛГУСИ

У вакт билан бирга йўрғалаб кетди: ўсди, улғайди, ёшликтининг гаштини сурди. Аммо... Кексалик томон одимлаётганда чида буролмади, Вактга қарши исён кўтарди: сочини бўяди, упа-элик килди, ажинлар чизик тортган юзини таранглаштириди. Хуллас, ёшликтини саклаб қолишнинг нимаини йўли бўлса килиб кўрди. Сочлари коп-кора, юзлари таранг бўлди-ю, киёфасидаги самимият йўқолди, ўзига ўхшамай қолди.

Энг ёмони... Нимаини килмасин кўзларининг туб-тубидан ўтаётган Вакт жилмайиб тураверди.

ЖУМБОҚ

Бирга яшамай туриб инсонни билиш кийин, у ким бўлишидан катъий назар. Айникса, куда танлаш, келин қилиш, киз узатиш... Негаки, сизни кулиб турган кўзлар алдаши мумкин... Бол томиб турган сўзлар алдаши мумкин... Нур ёғилиб турган юзлар алдаши мумкин...

Эҳтимол, нақлга кулок тутиш керакдир: күш уясида кўрганини қилса, уясини кўриш лозимдир... Онасига қараб қизини олиш керакдир...

Аммо... Бир онанинг табиати икки дунё бўлган қизлари ҳакида нима дейсиз? Демак, нақл ҳам алдаши мумкин. Яқинига бориб кўрмасанг, инсон ҳеч качон ечиб бўлмайдиган жумбокнинг ўзи.

Ҳар холда бирга яшамай туриб инсонни билиш кийин, у ким бўлишидан катъи назар.

ЎЗИНИ БИЛМАГАН ...

У эрини назарига илмади, писанд қилмади, борар жойига борди, турар жойига турди. Келин бўлиб на қайнона хизматини килди, на қайнота дуосини олди.

Буни қарангки, ёмон келиндан ёмон қайнона пайдо бўлди: у энди келинига зуғум қилган, ерга урган, талабини кўйган.

“Ўзинг келин бўлиб нима каромат кўрсатгандинг?”, дегувчи йўқ.

Аслида ўзини билмаган одам ўзгани билармиди?

ОНАСИ

У давр устида эди, узатган жойига кўли етарди. Унга қуллук қилгувчи ҳам, соясига салом бергувчи ҳам кўп эди. Ҳамма таниш, ошна, биродар эди, тегиб кетган қариндоши борки, этагидан ушлаб олганди. Телефони бир зум тин олмас, илтимослардан қулоғи қоматга келар, баъзан кимга нима дейишни билмай коларди.

Иттифоко, унинг даври тугаб, уйда ўтириб колди. Хотинидан бошка бирор безовта килмайдиган бўлди. Гохида кўча-кўйда ушланиб қолса, телефони жиринглаб, таниш рақам намоён бўлади: “Дадаси, келмаяпсиз, сизни кутиб ўтирибмиз...”, “Дадаси, овқат сузяпмиз, келаколинг”, “Дадаси, телефонингиз ўчирилган экан, хавотир олдим”, “Дадаси...”

Унга аёлининг овози куйдай майин, ёкимли эшитилади, хузур килади ва лаблари беихтиёр пичирлайди:

“Яхшиям сен борсан, онаси...”

МЕВА

У катта гуноҳ қилди. Гуноҳи хиёнатга тенг эди. Энг ёмони, гуноҳи Мева тугди. Ва ундан ҳам ёмони Мевасини узмади, қайрилиб ҳам қарамади, Дарахтга ташлаб кетди. Қиш қамчилади, ёз куйдирди, шамол силкитди, Мева Дарахтга ёпишиб, Дарахтга суюниб, эгалари узиб олаётган Меваларга ҳавас қилиб тураверди.

Мева бўлса-ю эгаси узмаса – дард!

ФАЖИЛГАН “СУЯК”

Унинг кўзига шу жувондан бошқаси кўринмади. Ҳамма нарсасидан воз кечди. Хотинидан, бир этак боласидан, кекса ота-онасидан, уйжойи, ҳовлисидан...

Бир оғил мол бокаётган, тандир-тандир нон ёпаётган, тоғора-тоғора кир юваётган хотини кўзига хунук кўринди. Кийимидан атир хиди анқиб турган жувон атрофида гирдикапалак

бўлди, топганини унга ташиди, йўқ нарсасини бор қилди, ўғлини ўғлим деди, кизини қизим. Ўзиникилар аросатда қолиб кетди.

Йиллар ўтиб, аёлнинг кизи қиз, ўғли ўғил бўлди ва... Уни ит ғажиб ташлаган сұядай ташлаб юборишиди.

ЯХШИЯМКИ...

Унинг юзи шунчалик тундки гўё бутун оламни булат қоплаб олгандай юрагингиз сикилади. Юз ёшнинг остонасига бориб кўзлари ожизлашиб, кулоклари оғирлашиб колган кайнонасини йўклаб келганларга ақалли ёлғондан бўлсаям жилмаймайди. Кампирнинг жони узилса-ю, ташвишидан халос бўлса. Тунд башарадан бокиб турган икки кўзи кампирнинг ўлимини соғиниб кутаётганини фош этиб турибди.

Яхшиямки, шўрлик кампирнинг кўзлари кўр – келинининг буришган афтини кўрмайди. Яхшиямки, кампирнинг кулоклари кар – келинининг бир кося овқатни тараклатиб кўйиб кетганини эшитмайди.

“БҮЛДИ”

Улар учрашиб қолишиди.

— Келин қилибсиз, деб эшитдим, қуллук бўлсин.

— Куллук, куллук. Битта ўғлим бор, канака келин тушаркин, деб ўйлаганим, ўйлаган эди. Худога шукур, кўнглимдагиси учради, бирам эпчилки, асти кўяверасиз. Ҳамма ишни кўлимдан олди, пиширган овкатининг мазаси оғзингиздан кетмайди. Каллаи сахарлаб туриб ховлини, кўчаларни супуриб-сицирган, нонушта тайёрлаган. Фахм-фаросатини айтмайсизми, ишга кетаётсан: “Яхши бориб келинг, ойижон”, деб кўчагача кузатиб қўяди. Ишдан қайтсан: “Яхши келдингизми, ойижон?”, деб сумкамни олади, туфлимини артади, қўлимни совук сувга урдирмайди. Қизларимга: “Ҳаммангни сотиб, келинимга едираман”, дейман хазиллашиб. Ишим чорпояда ўтириб, ўзимни елпиш бўлиб қолди...

Орадан бир йил ўтиб, улар яна учрашиб қолишиди.

— Яхши юрибсизми? Келин кандай, хизматингизни киляптими?

— Бўлади...

Унинг овози зўрға эшитилди...

АКСИОМА

Үнинг нафси шунчалик ҳакалак отганки кун келиб, ўзини-ўзи еб қўйиши хеч гап эмас.

МУГОМБИР

Үхар хил бало-казолардан асраниш учун ўзини ўзи пул-пуфлайди, хар кандай нозик ишни бироннинг қўли билан бажаради – кесилса ҳам бошқанинг қўли кесилсин.

АМАЛ ҲИСОБ

Ҳажга борган киши Ҳожи бўлиши мумкин, аммо Ибрат бўлиши қийин. Ибрат бўлиш учун Инсон бўлиш керак.

Ҳажга бориб келиб, бироннинг ҳаётини остин-устун қилганлар, келинини болалари билан чиркиратиб ҳайдаб юборганлар, бегона чўнтақка кўз олайтирганлар бор.

Инсоннинг ибодатини қилган амали безамаса ибодат ибодат бўлармиди?

МУҲАЙЁ МАКТАБГА БОРАДИ

Эх-хе, у бу кунни қачондан бери орзишиб кутади. Мактаб назарида тилсимли шаҳарчага ўхшайди. У ерда Муҳайё билмаган кизик нарсалар бор: қўнғироқ, муаллим, танаффус, парта, доска. У бу сўзларни кўп эшигган, маъносини хам сал-пал билади.

Лекин уларни ўз кўзи билан кўришни, қўнғироқ товушини қулоғи билан эшитишни истайди. Шу сабаб ой санайди, кун санайди. Да-даси олиб берган мактаб формасини неча марта кийиб, неча марта ечади. Яп-янги сумкасига дафтарларини жойлайди-да, катта ойна олдига бориб қарайди. Сумкасини торткилаган укасини опаларига таклидан койиган бўлади: “Тегма, дафтаримни йиртасан, муаллим уришадилар!” Гапи ўзига нашъа қилиб кулади. Бир зумда ўкувчи бўлиб қолгандай сезади ўзини.

Опаларининг ранг-баранг расмли китобчаларини завқ билан томоша қиласди. Маймок айикча, думсиз тулкига караб эртак тўқииди. Расмлар тагида ёзув деб аталмиш шаклларга тикилиб-тикилиб қарайди. Ўзининг ожизлигини – ўқий олмаслигини билиб опаларига термулади. Қизил шапкачанинг саргузашти, бўғирсоқнинг

саёхати, катта шолғом хангомасини ёзувлардан сўзларга афдарган опаларини ҳавас билан кузатади. Ўқишни билгани учун улар назарида сехргардай туюлади.

Бугун Мухайё хурсанд, мактабга боради! Тилсимли шаҳарчанинг эшиклари ланг очилиб, кизалокни бағрига олади. Қўлига калам, дафтар, китоб тутқазади.

Ахир уни келажак кутяпти.

МУРАББО

Онанинг кизи фарзанд кўрди. Куёви четга ишлашга кетган, пулдан дарак йўқ. Тансик таомни кўрса қорни оч бўлсаям иштаҳаси бўғилади – кизига илинади. Оғзида чайнаб турган лукмасини ютишга кийналади – кизига илинади. Ҳадди бўлсинки, келинининг рўзғоридан бир чимдим гўшт олиб кизига юборсин.

Олчали мураббо егиси келибди қизининг. Онанинг икки хаёли олчали мураббо бўлди-колди. Келинидан сўраса гап кўпаяди, боғчага кетишини пойлаб ертўлага тушди: кичкинагина банкага мураббо солгач, келини сезиб колишини ўйлаб, обдиш кўшиб камайган мураббонинг ўрнини тўлдирди.

Банкани олиб чиқаётганида... Рўпарасида келини пайдо бўлди... Кўрканидан қўлидан банка тушиб чил-чил синди. Ҳаммаёқ мураббо бўлди. Ранги докадай окарди, қўллари қалтиради, уят ва номусдан ўзини қўйишга жой тополмади.

“Ўзимга айтсангиз ҳам олиб берардим”.

У келинидан бу гапни кутмаганди. Афтидан, боласи учун қўйни ўғри, қўнжи ўғри бўлган онаизорнинг холати курумсок келинни ҳам эритиб юборди.

Она йиғлаб юборди...

КУТИШ

Үнинг сепи бир сандик. Ҳамма нарсадан олган. Рўмолнинг ўзидан ўттиз-киркта. Рўзғор қилмаса, бозор-ўчарга чиқмаса, маошини оладио бирор кийимлик харид килади. Бир хаёли тикирмокчи бўлади. Яна ахдидан кайтади. “Келин бўлсам киярман”, пичирлайди лаблари. Гохида онасига сездирмай сандикни титкилайди. “Куя емадимикан?”, деб кийимларини бир кур назардан ўтказгач, яна жойлаб қўяди.

Йиллар ўтятти. Қизга севиш ҳам, севилиш ҳам насиб қилмади. Лекин ўзи билмаган ҳолда кимнидир кутади, кимнидир соғинади. Бу-

гун эса кариндоши гап топиб келди: күшни маҳалладан бирор уни суриштирганмиш. Онаси билан пичир-пичир қилаётганида эшитиб қолиб беихтиёр ҳаяжонланиб кетди.

“Ким бўлдийкин мени суриштирган? Эхтимол, юлдузи юлдузимга тўғри келар”.

Қиз шу куни туш кўрди. Тушида бешик тебратаетган эмиш...

ҚАРС

У келинини қисган, қиз бўлолмадинг деб, эзган, келин шўрлик тушкунликка тушиб, ҳамма нарсадан безган.

Аслида ўзи ҳам қайноналиқдан нарига ўтмаган, келинига меҳрини тутмаган, оналик қилмаган ва бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган.

Қарс икки кўлдан чиқишини унуган у.

ИЖОД

Хар гал шундай бўлади. Шууримга кирган шуълани ўзим ҳам сезмай қоламан. Дафъатан янги мавзу туғилганини пайқайман. Шуъла борган сайин ёришиб, нури ёруғидан сўзлар тўкила бошлайди. Сўзларни териб чиқаман. Қай

биридир манзур бўлмайди, бошқасини излайман.

Бу шуъла бутун фикру зикримни банд этади. Уйда ҳам, кўчада ҳам тинч қўймайди, ҳаловатим йўқолади. Ширин оғриқдан энтикаман. Шундай лаҳзаларда ўзимга берилган ҳар бир саволни ортиқча ҳис киласман. Гапиргим келмайди. Нималарнидир чуғурлай бошлаган қизимга дашном бераман. Сўнг ўзимни койийман: “Ахир у менинг бандлигимни, бутун вужудим ишлаётганини қаердан билсин?”

Ниҳоят, мени безовта қилган шуъла сўзларга айланиб бўлади. Хаёлан ўқиб чиқаман, сайқал бераман.

Кўнглим оройиш топганини сезиб, енгил тортаман. Шууримдаги сўзлар сочилиб кетмаслиги учун шошиб, қўлимга қалам оламан...

БАҲОР ВА ҚИЗАЛОҚ

Табиат камалакранг қўшигини бошлади. Томларда алвон қизғалдоклар очилди. Ҳаётнинг хуснига оҳор сепгандай олма, олча оппоқ гуллади. Булар эндиғина тилга кирган қизалоқни ажаблантиради. У ҳайратини саволларга ўрайди:

“Бу нима, опа?”

Қалдирғочлар чарх уриб учади. Ҳозиргина

ёришиб турган осмон бағрини куюк булат
қолаб, чакмоқ чақади, момакалдирок гумбур-
лайди. Қизалок ҳам қўркув, ҳам қизикиш аралаш
сўрайди:

“Бу нима, опа?”

Қизчага қарайман. Уни йилнинг бу сархуш
дамлари, дилбар манзаралари билан таниш-
тиргим келади.

“Баҳор бу”, – дейман.

Қизалок менга термулади. Жавобимдан кўнг-
ли тўлмайди, шекилли, киприкларини пир-
пиратиб:

“Баҳор нима, опа?”, – дейди.

Яна кизчага боқаман. Унинг маъсум чехраси,
самимий сўzlари, гўдак қалби кўнглимни ба-
хордай равшан қилиб юборади. Онгимда бир
уйғунлик туйиб:

“Баҳор, бу – сенсан!”, – дейман.

БОЛАЖОН

Болажон ҳали кичик, икки ёшга ҳам тўл-
маган. Аяси эса ишга чикиб кетди. Бир нимасини
йўқотиб кўйгандай, ғалати ахволда колди. Ўйин-
чокларига қарамайди. Опаларининг гирдика-
палак бўлишларига парво ҳам килмайди. Ширин-

шакар таомларга бефарк. Шўх-шаддодликлари кайда? Бир жойда ғамгин ўтираверади, ўтираверади. Сўнг ғингшийди, йиғлаб хам олади. Уйга олиб киришса, ташқарига чикаман, дейди, ташқарига чикаришса, уйга.

Шу алфозда уйкуга кетади. Уйғонгач, кўзларини ялт этиб очади-ю, аяжонини қидиради. Бошининг устида опасини кўриб яна йиғлайди. Инжиқликлари қайтадан бошланади.

Кун тушга якинлашади. Ташқаридан аясининг овози эшитилади. Болажоннинг кўнгли тонгдай ёришиб кетади. Бамисоли ой тўлиб боккандай, офтоб қулиб балқандай бўлади. Югуриб ташқарига чиқади. Аяжонини маҳкам ачомлайди, кўксига бош кўйиб, чукур хўрсинади.

Аяжониси эса ишламаса бўлмайди.

ҲАСАДГЎЙ

Унинг вужуди ўт бўлиб ёнади. Ўзини кўйишга жой тополмайди. Ёнида уммон ястаниб ётсаям оловини ўчиrolмайди. Ноилож якин тутганларига кўнглинин очади: кимнидир қоралайди, кимдандир арз килади. Кимнингдир ютугини камситади. Гўё ўзини ҳакиқатгўй арбоб қилиб кўрсатади.

Аммо... Одамлар кар эмас, күр эмас, унинг оғзидан ҳасад деб аталмиш фужур илон бўлиб ўрмалаб чиқаётганини билишмаса!

Таажжуб! Бу илон, аввало, ҳасадгўйнинг ўзини кемираркан.

ҚИЗАЛОҚ

Унинг исми чиройли: Наргиза. Ўзи эса исмидан ҳам чиройли. Кўзлари мунчоқдай, сочлари попукдай. Кийимлари яп-янги, топ-тоза, бежирим.

Унинг учун бу ерда барча шароит яратилган. Кунига тўрт маҳал овкатланади. Худди “очил дастурхон” очилгандай: Эрталаб нонуштаси, пешинда тушлиги, бошқа овкатлари тайёр. Шундоккина рўпарада мактаби, ўқиб келади.

Мактабдан қайтгач, дам олади, ўртоқлари билан ўйнайди, тадбирларда катнашади. Дугоналари ҳам кўп: Ҳалима, Салима, Сайёра, Карима... Баъзан саёҳатларга боришади, Самарқандга, Шахрисабзга... Кечқурунлари маза қилиб телевизор кўради.

Аммо... Гохида онаси опичлаб, отаси етаклаб келаётган болаларни кўриб, алланечук бўлиб кетади. Бутун вужудини исмсиз туйғулар қамраб

олади ва “Мехрибонлик” уйидагидан бошқача хаётни – оилани қўмсайди.

Тунда оппок чойшаб ёпилган каравотига ётиб уйқуга кетади. Тушларида онасини излаб юрган бўлади.

НОМУНОСИБ ОДАМ

Ижод – илоҳий бир хилқат. Бу хилқат ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ҳамманинг ҳам қалбини забт этиб, юрагини ёндиролмайди. Оллоҳ севган бандаларигагина ана шундай буюк иқтидорни раво кўради.

Кимдир юрагидан ёзади. Сатрларида қалбининг қиёфаси бутун борлиғини кўрсатиб туради. Кимдир ақл билан ёзади. Юрагидаги гаплар ақл тарозисидан ўтиб, қофозга тушади. Кимнингдир битикларида юрак ва ақл эгизакдай намоён бўлади.

Бир кишини биламан. Ёзганларини эътибор билан ўқийман. Ақлли ёзади. Ҳар бир фикри, ҳар бир сўзи салмоқли, маъноли. Ҳаёт ҳақида, дунё ҳақида, одамлар ҳақида шунчалар теран фикрлайдики, тан бермай илож йўқ.

Ҳаётда унга бир марта рўпара келдим. Шу бир мартада ҳафсалам пир бўлди.

Ёзганларига номуносиб экан...

Ҳакима опа эридан тул қолганида эндигина 22 баҳорни қаршилаган эди. Ногоҳ оёқ остидан чиқкан фалокат уни баҳтидан, икки боласини отасидан маҳрум килди. Аёл ранж чекди, алам чекди. Лекин оҳ-фарёд билан иш битмаслигини билди, эрининг суратини каттайтириб, уй тўрига илиб қўйди, гуллар билан ўради. Унга бўлган садокатини амалда кўрсатди. Болаларининг отасизлигини сездирмай ўстирди, бирордан кам килмади. Кези келганда, ғамхўрлик килди, кези келганда қаттиққўллик. Улар одамлар ҳурмат киладиган кишилар бўлиб етишди.

Ҳакима опа ягона ўғлидан жудо бўлиб, қартайиб қолган қайноаси атрофида парвона бўлди. Қўлидан келган яхшиликни аямади. Ёш боладай бўлиб қолган қариянинг барча инжиқликларини кўтарди.

Бугун Ҳакима ая буви, кўплаб набиралари бор. Хонадони болаларнинг шовкинига тўлган. У болакайларни эркалайди, ачомлайди-ю, хаёлга чўмади. Шундай ширин набираларни бағрига босмай кетган турмуш ўртогини эслайди, у хақда набираларига сўзлаб беради.

Уй тўрида ҳамон эрининг суврати осиғлик туради.

МУҲОФАЗА

Ү билади. У жуда яхши билади: ўтирган курсиси ўзидан баландлигини. У шунинг учун ҳам кўрқади. Шунинг учун ҳам ҳадиксирайди. Зўр бериб ўзига муҳофаза хозирлайди. Қани муҳофазадан ҳатлаб унга яқинлашиб кўр-чи, ўзингни муттаҳамга чиқариб кўяди.

Бироқ у билади. У жуда яхши билади: мансабнинг омонатлигини, ўтирган курсисидан барibir иткитиб ташлашларини. Келмаган кунларнинг келишини ўйлаб юраккинаси зиркирайди.

...Тушларида курсини маҳкам кучоқлаб ётади.

ТАСАВВУР

Яшайвериб бир нарсага амин бўлдим: инсоннинг ўзи қанака бўлса, бошқаларни ҳам шундай деб ўйлайди. Ўғри учун ҳамма ўғри, муттаҳам учун барча муттаҳам. Ахлоксиз ҳар тўғридан нуқсон излайди. Эҳтимол, шу сабабдир, қилаётган иши ўзига малол келмайди.

Хаёт хакидаги тасавурларим жуда юзаки
эканидан уялиб кетдим...

БАРАКА

У ўзини чор тарафга уриб, қилмаган иши қолмади. Сартарошлигини ташлаб бозорга чиқди ва дўкондорлик килди. Пул санаб олишдай туюлган ишнинг остида ҳам заҳмат ётганини англагач, уялганидан четга кетди. Хўroz ҳамма ёқда бир хил қичқиаркан. Сўнг новвойлик қилиб кўрди. Барибир бири икки бўлмади. Қаерга бош урса боши ёрилиб, ғўрра бўлаверди.

От айланиб қозигига келди: у яна қўлига устарасини олиб, боригаям кўнди, йўғигаям. Кўним топган эди, ортидан баракаям топди.

Дараҳт бир жойда кўкаради-да.

САБОҚ

Оппок либосларга ўраниб, ҳожи оналигини кўз-кўз қилган аёл бошқа аёлга сўз қотди:

– Қачон қарасам ўчок бошида кўймаланасиз.
Болаларингиз гўрингизга киармиди? Бундок
ҳажга боришни ҳам ўйланг.

Аёл деди:

— Ўттиз ёшда тул колиб, бир этак сағирни катта қилганим, ўқитиб, одам қилганим, кизини чиқариб, ўғлини уйлантирганим ҳаж эмасми? Эсимни таниганимдан буён элнинг яхши-ёмон кунига яраганим, иккита нон топсам, бирини мухтожга берганим ҳаж эмасми?

Ҳожи она тилини тишлади. У қишда қор бермайдиганлар хилидан эди.

ДАРЗ

Бошига мушкул иш тушиб, пул керак бўлиб колди унга. Бегонага сир бермай яқинларига дардини ёрди эшикларини қоқиб. Акаси у ён бурилди, укаси бу ён. Опаси ундоқ деди, синглиси бундок. Йўғидан-ку йўндириб бўлмайди, бори ҳам қарз бермади, бергиси келмади. Ноумид кайтди...

Бегоналар қайишиб, мушкули кушод бўлди-ю, аммо юрагига дарз кетди унинг.

Шундан хафа...

ВИРУС

Касал десанг соғдай, соғ десанг касалдай кўринади у. Гапирган гапининг туз-намаги бўлмасаям қалампирдай аччиқ. Мақтаган матоҳидан бирор барака топмайди-ю, ўзини якто санайди. Билмасдан йўлидан чиққанни ё майиб қиласди, ё мажрух. Тегиб кетган киши этагини кесиб юбормаса, балонинг тўрида қолади.

Компьютерга тушган вирусга ўхшайди у.

ПАРВОЗ

У осмонларда узок учди. Қанотларини кериб, викор билан. Кўкнинг хавоси ҳаволантириди, пастга қарамади ҳам.

Иттифоқо, қаноти қайрилиб кетди, лат еди, учишга ярамай қолиб, ерга тушди.

Бироқ юришга қийналди, увишиб қолган оёкларининг чигилини ёзолмай, уйида биқиниб олди.

Күш канчалик баланд ва узок учмасин, қўнар манзили ер эканини унуган эди у.

КОР

Киш қишлигини унутиб кўйди: кор ёғмади.
Чақмоқ чақиб, момоқалдироқ гумбурлади. Қуёш
мўралаб, кунлар исиб кетди, фактат кор ёғмади.
Болалар чанғида учолмади, корбўрон ўйнолмади,
негаки, киш қишлигини қилмади: кор йўк.

Кор – қишининг безаги, зийнати, охори.

Дастурхон тўла ноз-неъмат бўлса-ю, нон
бўлмаса...

Кор – қишининг нони.

АКА-УКА

Улар бир тану бир жон эдилар. Бириси ака
эди, бириси ука. Мўъжазгина дўконда бирга иш-
ладилар. Ака мол олиб келди, ука сотди. Дўкон
уларни бокди. Уй қилдилар, тўй қилдилар. Аввал
ака уйланди, кейин ука. Ўғилли-қизли бўлишди,
аввал ака, кейин ука.

Ой ўтди, йил ўтди. Аканинг ўғли ёнидан
кирди, савдони қўлга олди. Дўкон уч кишига
торлик қилди. Ука сирпаниб чиқиб кетганини
билмай ҳам қолди. Рўзғор аравасини тортиш
учун ҳаёт уммонига шўнғиб кетди.

... Улар бир қориндан талашиб тушгандилар.
Уларнинг бириси ака эди, бириси ука.

Күрпа күрпа бўлганига пушаймонлар еди.

Уни йигирдилар, ранг бердилар, тикдилар, қавидилар, безадилар, кўрпа килдилар. Сўнг кўлга олиб, ўраб-чирмаб филофга солиб, дўконга топширишгач, ўзига-ўзи маҳлиё бўлган Кўрпа пештахтада ўтириб, хаёл суриб, қайси бири мени оларкин, деб ўтганни ҳам, кайтганни ҳам, кузатди. Аммо ўша куни ҳам, эртаси ҳам ҳеч ким унга қайрилиб карамади, баҳосини сўрамади. Нихоят учинчи кун ўрта бўйли, оқ юзли, ширин сўзли чиройлигина аёл кўрпадан кўнгли тўлиб, харидор бўлиб, дўкондор билан тортишиб-талашиб, нархини келишиб, Кўрпани олиб кетди. Чиройли аёлга хизмат килишидан кувонган Кўрпа унинг қўлида учиб кетаётгандай бўлди йўлда.

Кўрпа одамларнинг тилини тушунмаса-да, аёл уйига етиб, уни эрига кўрсатиб нималардир деганида эркак хурсанд бўлганини, мийифида кулганини сезди. Аёл Кўрпани ичкари хонага киритиб кўйганича кеч бўлса ҳамки филофни ечмади, кўрпани очмади. Кўрпа орадан уч кун ўтса-да бирор уни эсламаганидан нимкоронги уйда сикилиб, филофнинг ичида тиқилиб кетди.

“Қайтанга дўкон яхши эди, – ўйлади у. – Одамларнинг оёғи узилмасди, томоша қилиб зерикмасдим. Бу ерда захлаб кетяпман, ўлай деяпман”.

Нихоят тўртинчи куни ясан-тусан қилиб олган аёл уйга кирганида, Кўрпа уни кўрганидан шодликдан ял-ял ёнди, энди ишга тушаман, деб кувонди. Аммо аёл Кўрпани олиб, бир боласини олдига солиб, эри билан йўлга тушди. Кўрпа билса, аёл овсинининг уйига йўл солган, қайнисига туғилган куни учун уни олган экан. Қайниси совғани хотинига тутиб, хотини пеш-айвондан ўтиб, ичкари хонага бошқа совғалар ёнига қўйди. “Менга нима фарки бор, бекордан худо безор, – деди Кўрпа ўзига-ўзи. – Янгасига бўладими ё қайнисига, хизмат қилсам бўлди-да”.

Кун ботди, тонг отди, у бу хонада роппароса бир ой ётди. Аёл ҳам, эркак ҳам, болалари ҳам уйга тез-тез киришса-да, Кўрпага эътибор қилишмади, назарга илишмади. Бир гал меҳмон келганида тахмондаги кўрпани олиб чиқиб кетиб, янги кўрпани эслашмади ҳам.

Кўрпа умидсизликка тушди: “Наҳотки кунлар ўтаверса, тонглар отаверса, мен ғилофнинг ичидан банди бўлиб ётаверсам? Наҳотки одамларга керак бўлмасам?”

Ва ниҳоят кунларнинг бирида аёл кўрпани олиб, машинага солиб йўлга тушди. “Қаерга бораётган бўлсак? – деб ўзига-ўзи савол берди кўрпа. – Мени нима қилишаркан?”

Кўп ўтмади, машина мусика эшитилаётган уй ёнида тўхтади. Аёлни ҳурмат-иззат билан кутиб олдилар, безатилган дастурхонга таклиф килдилар. Негадир аёл кўрпани хеч кимга бермай ёнига олиб ўтирди, кўрпа эса хаёл сурди. Савол берай деса, одам тилида гапира олмайди, унинг тилини одамлар билмайди. “Майли, кутиб тураман, бир гап бўлса кўраман”, – деб ўзини тинчтди.

Хонадонда тўй бўлган, келин келган экан Орадан бирор соат ўтиб, келиннинг юзини очдилар, устидан ширинлик сочдилар. Тўйга келганлар бирин-кетин чикиб, келинни қучиб кўрманасини бердилар, қаторлашиб турдилар. Аёл ҳам ўрнидан туриб, Кўрпани келинга бериб эди, янгалар уни кўлма-кўл килиб уйга киритиб юбордилар.

Кўрпа не кўз билан кўрсинки, хонада ўзига ўхшаган кўрпалар ўндан ортиқ, бири кўқ, бири сариқ. Яна қизил, яшил, жигарранг, хуллас турфа ранглар мужассам. Бири кичик, бошқаси катта, ҳаммаси ҳам чиройли, албатта. Кўрпа беихтиёр ўзига разм солди: безаклари жимжима,

сифати бор, күрпа деса дегудай савлати бор. “Хаммасидан ўзим чиройли, келин-куёвларга хизмат қилсам қанийди”, – дея орзу килди у.

Нихоят тўй хам ўтди, ҳамма хона-хонасига кетди. Кўрпа караса, бошқалар мум тишлаб олгандай жим, атрофда сукунат ҳоким, зерик-канидан сўз бошлади секин:

– Яхшимисиз, дугоналар?

Кўрпалар имога маҳтал эканми, бири кўйиб бири сўзлашди, одамларни роса «тузлашди».

– Нимасини айтасан, ўрток, яхши бўлганда қандоқ, бу уйдан у уйга, бу тўйдан у тўйга юриб-миз-да, – деди жигарранг кўрпа.

– Илгари ҳам тўйга борганмисиз? – қизикиб сўради Кўрпа.

– Албатта. Шунча кўп тўйга судрашдики, ҳисобимдан айрилдим, ҳолдан тойиб, букилдим, қайрилдим.

– Мен бешта тўйга борганман, – деб сухбатга кўшилди бинафшаранг кўрпа. – Ҳолимдан ҳол қолмади, чарчадим, хафсалам пир бўлди барчадин.

– Наҳотки? – ажабланди Кўрпа.

– Мени уч йилдан бўён тўйма-тўй, уйма-уй судрашади, – деди оқ кўрпа. – Баъзан ёнгинамда мудрашади, лекин тўхта-чи, бу шўрлик кўрпа-ку,

момиқцина баданидан ушлайлик, жойимизга түшайлик, дейишмайди. Ғилофларим кир бўлган, ичим дардга тўлган. Ҳатто ўзимнинг кўрпа эканлигимни унутиб кўйганман, жонимдан тўйганман.

— Ғилофинг кир бўлса тозалаш мумкин, — деб гап бошлади сариқ кўрпа. — Менинг боғичим узилиб, “замог”им бузилиб кетганидан ғилофимдан ушлашади, “мана, мендан”, деб совғалар ичига ташлашади. Ҳориб қолди, қариб қолди, энди кўрпалигини қилсин, дейишмайди, хануз қўлдан кўйишмайди, ноинсофлар.

— Мени уч марта сотишганига ишонасизми? — деди пушти кўрпа. — Гоҳ тўйларда кўпайишиб қоламиз, бир-биримизга караб алам билан куламиш. Тўйдорлар йўлини топишади, дўконга чопишади, бизни дўкондорга топширишади. Очилмасдан сўлганман, аллақачон кўрпа эмас, совғага айланиб бўлганман.

Бизнинг Кўрпа дугоналарининг нолаю фифонидан чўчиб кетди, қулоғи том битди. Шу пайтгача хом хаёл сурганини, осмонда учеб юрганини англади.

Кўрпа кўрпа бўлиб туғилганига пушаймон бўлиб, бошини қашлади ва энди кимнинг совғаси бўларкинман, деб ўйлай бошлади...

ВАҚТ, БУ...

Вақт – умр, вақт – соғинч, вақт – дийдор.
Вақт, бу – юракнинг малҳами, юпанчи, ғам-гус-
садан фориғ этгувчи...

Вақт – яқинни узок, узокни яқин қилгувчи.

Вақт, бу – ибтидо. Вақт, бу – интиҳо.

Инсон эса – вақтнинг бир лаҳзаси.

ОПА-СИНГИЛЛАР

Опа-сингиллар турмушга чиқиши: бири мол-дунёси беҳисоб эркатойга, иккинчиси сўмни сўмга улаб яшаётган бечораҳолга.

Опада данғиллама уй, қатор-қатор машина, калондимоғ қайнона, олифта эр.

Сингилда пахса уй, нураётган девор, содда қайнона, меҳнатдан боши чиқмаган эр.

Унисининг қадами ўлчовли, сўровли, тер-
говли. Ўз уйида бегона.

Бунисида борини баҳам кўришган, уйим-
жойим деб туришган. Яримта нон – роҳатижон.

Қизиқ, кичик қиз опасига ҳавас қиласди...

Опа эса синглисига...

ТАҚДИМОТ

Үзига Мажнун деган тахаллус кўйиб неча йилдан буён ёзиб юрган шнғирларини тўплаб китоб чиқарди. Китобини оти овоза килиш учун тақдимот ўтказадиган бўлди ва тадбирга устоз шоирларни ҳам чорлади.

“Бормасам хафа бўлади, борсам сўз беришади, ёзганлари шеър эмас-ку, нима дейман?”, ўйловга колди устоз ва... йўлини топди.

У тақдимотда Мажнуннинг шеърлари ҳакида эмас, Адабиёт ҳакида гапирди...

ЭШАК

Эгаси эшакни роса ишлатди, куч-қувватини олиб, силласини куритиб. Халачўпини никтаб кўйса бас, кўрсатган томонига йўрғалаб, ҳали у юкини ташиди, ҳали бу юкини. Баъзан шалоғи чиқкан аравани елкасига ортмоклаб юрди. На кунни, на тунни билди, олдига ташлаб кўйилган бир боғ похолни еб ишлайверди.

...Пули кўпайган эгаси машина олди ва эшакни даргоҳидан кувиб юборди. Қайси томонга юришини билмай кўчанинг кок ўртасида қолиб кетди одамга ўрганиб қолган эшак.

ИЛОН

У ҳақ-ноҳақ кўпларнинг бошини еди-ю, ўзиям илондай сирпаниб бир амаллаб кириб олган даврасини тарк этди.

Сири очилишидан қўрқди у.

ИККИ ЎТ ОРАСИДА

У нинг фикри-хаёли боласида эди. Рози бўлишга бўлди-ю, бунақасини кутмаганди. “Болангга қарашга одам бор. Сенга халақит бермайди”, – деган эди уни ҳоли-жонига қўймай тўйга олиб келган йигит.

Бир томони, ўзининг ҳам пули қолмаганди. Эрта-индин ижарачи кампир ҳақини сўраб келади. Нафака олишига эса вакт бор.

Жувон рози бўлди. Аслида, у фарзанди туғилганидан буён тўйларда ўйнамаганди. Эмизикли бола билан тўйга бориб бўлармиди? Боласининг отаси номардлик килмаганда-ку, тўй-пўйни ҳам йиғишириб, эл қатори кун кечирмокчи эди. Лекин айтгани бўлмади...

Хуллас, у тўйга келди. Боласига қарайдиган аёл тайин экан. Кўп ўтмай келин-куёв даврага чикиб, тантана бошланиб кетди. Икки-учта

қўшиқ ҳам айтилди. Жувоннинг даврага чиқадиган вақти бўлди. Лекин унинг кўнгли нотинч эди. Боласи туғилгандан бери ўзи билан. Ухлаганида қўшни аёлга қолдириб, бир зум бозор-ўчарга чиқиб келганини ҳисобга олмаса, бағридан туширмади.

Аслида, у фарзанд кўргач, дунёга бошқача кўз билан қарай бошлади. Илгари фақат ўтар кунини ўйласа, энди келажакни ҳам ўйлай бошлади. Боласи унинг кўнглида умид чироғини ёқди. Шунинг учунми, баъзан ўғилчасига узок термулиб қолади. Ҳаракатлари, кулишларидан завки келади. Бунча ширин бўлмаса боласи тушмагур, деб кўяди ўзича.

Бугун эса эски ҳаётига қайтиши керак. Оғзидан ароқ хиди анқиб турган бадбўй кимсалар кошида қилпиллаб ўйнаши керак...

Жувон секингина боласини аёлга узатди. Бироқ ҳали онадан бошқани тан олмаган гўдак чинқириб юборди ва онасига талпинди. Уй кўчиб кетгандай бўлди. Шу кичик жуссада бундай овоз қаёқдан келдийкин? У онасига талпиняптими ё уни тўхтатиб колмоқчими? Ғалати ҳолат эди. Жувон юраётган жойида тўхтаб қолди. Сўнг боласини қайтиб олди ва бағрига босди.

— Чик, даврага! Мени шарманда қилма!

Тўйга олиб келган йигитнинг ўдағайлаши жувонни бўшаштириб юборди. Боласини яна аёлга тутди. Она бағрида тинчиган гўдак яна йиғлай бошлади. Икки қўлини чўзиб унга талпинди. Лекин чўзилган қўллар хавода муаллақ колди. Йигит жувонни итариб, даврага киритиб юборди.

Ташқарида эса боланинг йиғиси эшитилмас, тантана руҳи ҳукмрон эди. Бу рух жувонни ҳам ўзига тортди. Аёл даврага шўнғиб кетди. Куй-куйга, қўшиқ қўшиққа уланди. Даврада жонланиш пайдо бўлди. Жувонга кимдир юзталиқ тутди, кимдир мингталиқ. У атрофга ола-зарак бокар, пул тутган қўлларни излаб топар, эпчиллик билан илиб оларди.

Четдан кузатиб турган киши жувондан ғижиниб кетарди. У аёллик шаънини, оналик шаънини бир четга улоктириб, пул учун ўзини бозорга солаётганди. Ор-номус, шарм-ҳаёни буткул унутганди. Ундан кўра, кўчада садака сўраб юргани афзалроқ эди.

Шу пайт кўзи ўзи томон сирли тикилиб, бир даста мингталиқ тутиб турган кимсага тушди. Жувон сергак тортди. Бамисоли ўша томонга учиб борди. Кимса тутган қадаҳга лабини тегизиб қўйганди, пул унмади. “Катта пул олиш

учун ҳаммасини сипқориш керак". Аёл кимсаннинг фикрини сўзсиз тушунди. Томчисини ҳам қолдирмай ичиб юборди ва сўнг бошка даврага ошиқди.

Шу пайт жувоннинг кўзи рўпарасидаги ўриндикда ўтирган аёлга тушди. У гўдагини бағрига босганича ёнидаги аёл билан ниманидир гаплашиб ўтирарди. Жувонни ток ургандай сесканиб кетди. Кўз ўнгига боласи намоён бўлди. Йиғиси қулоғи остида жаранглагандай, ўзига томон талпиниб колган кўлчалари кўрингандай бўлди. Боласи шу холатда кўз ўнгига қотиб қолди.

Жувон кўлларидағи даста-даста пулларни ғижимлаганича кўшиқ айтаётган йигитлар томон ўйнаб кетди. У кўшикни тугатишни, боласидан хабар олиши кераклигини ишора қилди. Йигитларнинг эса парвойи фалак, ашула айтаверишди. Жувон илтижони кучайтирди. Кўли билан уй томонга ишора қилди. "Болам йиғлаб қолди, дедими, холи нима кечди, дедими, хуллас, бошқалар наздида ўйнаётгандай туюлса-да, безовталигини харакатлари орқали сўзсиз ифода этарди.

Йигитлар уни тушунишни исташмади. Жувон икки ўт орасида қолди. Бўшашиб ўйнай бош-

лади. Шу пайт ширақайф ёшлардан бири унинг ёнига келди. Давранинг ўртасига тортилаб, ўзи ҳам қўшилиб ўйнай кетди.

Жувоннинг касби шу: тўйга келдими, хизмат килиши, қизитиши, меҳмонларни ранжитмаслиги керак. Жувон яна боласини унуди. Яна шодиёнага қўшилиб кетди. Энди ҳалиги ширақайф йигит билан басма-басига, куёвжўраларнинг қийқириклари, бўш келма, деб бақиришларидан илҳомланиб ўйнарди.

Пул ҳам ёғилгандан ёғилди. Жувоннинг қўллари тўлиб кетди. Тўй айни қизиганда кутилмаганда чироқ ўчиб, атрофни зулмат қоплади. Бир зумлик ғала-ғовурдан сўнг тўй шовкини тингандай бўлди. Шу пайт сукунатни тилкалаб яқин ўртадан гумбурлаган овоз эшитилди. Ҳамма овоз келган томонга қаради. Жувон ҳам. Назарида товуш боласи колган уйдан эшитилгандай бўлди. Кўнглига ғулғула тушди. Боласига нимадир бўлгандай туюлди.

– Болам!

Жувон ҳайкириб юборди. Қўлидаги дастадаста пулларни улоқтириди-да, уй томонга югуриб кетди.

У уйга кирганида боласи бегона аёл қўлида ухлаб ётарди. Жувон гўдагини қўлига олиб, бағрига босаркан, йиглаб юборди.

Ташқарида эса тўй давом этар, куёв боланинг ширакайф жўралари отган мушаклар кўк юзини бир зум ёритиб, коронгулик қаърига сингиб кетарди...

ЧУМОЛИ

Чўмолилар тўдаси устидан бир челак сув куйиб юборди бола. Чумолилар типирчилай-тиpirчилай ариққа ғарқ бўлдилар.

Омон қолганлари бу кўргуликини табий оғатга йўйишиди.

ЛИБОС

Уўзини иймонли-эътиқодли қилиб кўрсатиш учун ўраниб-чирманиб олгани билан ичини курт босиб кетган ва бу куртлар ўрмалаб тилидан чикиб, амалида кўринади: ўзидан бошқани одам ўрнида кўрмайди, кези келса эрини ҳам чақага олмайди.

Либос сувратни беркитиши мумкин, сийратни эмас.

БОШ КИЙИМИ

Үндаги жозиба, малоҳат ва гўзаллик эр-какча бош кийими остига бекиниб олди.

БОШЛИҚ

Ү бошлиғининг пинжига сукилиб кириб шерга айланди. Текканга тош отди, тегмаганга кесак. Мушугини “пишт” деганинг кўзини ўйдирди, уйини кўйдирди.

... Бошлиғи сўқир экан. Дунёга унинг нигоҳи билан каради.

СИНФДОШ

Орадаги 40 йиллик танаффусдан сўнг синфдоши уни кўриб қолиб саволга тутди: “Нима бўлди, сенга? Бундай эмасдинг-ку. Касалмисан? Қаеринг оғрийди? Рангинг ғалати?”...

Аёл кишининг кўнглини ҳам, орадаги 40 йиллик масофани ҳам хисобга олмади бефаросат синфдош.

ОШНА

У муаммосини ҳал қилиш учун бор-буд пулини тўплаб ошнасига берди. Уч кун ичида ошна ҳал қилди: факат муаммони эмас, пулнинг ўзини...

ЁЛГОН

Ходим бошлиқдан рухсат сўради:

“Ўғилчамнинг тоби йўқ, хўп десангиз духтирга олиб борардим”.

“Майли, бораверинг. Боланинг соғлиги мухим”, деди бошлиқ.

Аслида ходим тўйга бормокчи эди. Ясантусанни жойига қўйиб тўйхонага кириб келди. Мехмонлар каторида жойлашиб олгач, шундоккина рўпарасидаги стол тўрида бошлигини кўриб қолди. У ходимга тикилиб турарди.

Ёлғоннинг умри накадар қиска.

СОВФА

Саёҳатдан қайтаётган отахон беш келинига бешта тақинчоқ олди совфага. Бироз ўйланиб тургач, сотувчига мурожаат қилди:

“Энг чиройли рўмолингиздан беринг, кенжа келинимга олай”.

“Кенжаси яхшими?”, ўсмоқилаб сўради сотувчи рўмолни ўраб бераркан.

“Бешта келиним бешта бармоғимга ўхшайди, қай бирини тишламай, оғрийди”.

“Йўкса нега”...

Отахон сотувчининг илмокли саволини тушиуниб, гапини бўлди:

“Ха, энди кизим, кенжаси ёнимда. Иссиқсовуғимдан хабардор. Овқатимни пиширган, кийимимни ювган, уйимни супуриб-сидирган. Хизмати кўп”.

“Унда тўғри қиласиз”, деди сотувчи.

Бошқа овсинлар бу ҳакиқатни ё англайди, ё англамайди...

КУЗ

Куз худди донишманд қарияга ўхшайди, хаёт чиғирикларида тобланган, акли чархланиб, фикри теранлашган, пишган, етилган вазмин ва ҳорғин қарияга...

Кузда баҳор-у ёзниңг барча ранглари мұжассам. Яна фактат кузгагина хос ранглар бор: кизғиши, сарғиши, малла, нафармон, зангор ва

хоказо. Куз хам пишган, етилган, тўкилган...

Куз худди донишманд қарияга ўхшайди...

ЮЛДУЗЛАР

Осмонда юлдузлар, юлдузчалар кўпайиб кетди – ҳаммаси қўшиқ айтади.

Шунчалар кўпайиб кетдики, асл юлдузларни тўсиб кўйди.

Аммо асл нарса асалга ўхшайди, айнимайди. Йил ўтган сайин қиммати ортаверади.

ИНШО

Адабиёт фани олимпиадасида иншо ёзиш учун охирги партанинг бир четида ўтириди у. “Ҳеч ким халал бермайди, bemalol “ижод” қиласман”, ўйлади ўзича. Мактабда ёзган иншолари “бадиий асар” деб баҳо олган, у ўзига ишонган.

Олимпиада иштирокчилари жамулжам бўлишди. Ёнидаги партада ўкувчиларни кузатишга кўйилган икки ўқитувчи жойлашди.

У эркин мавзуни танлади. Иншо ёзишни бошлиши билан ёнидаги ўқитувчилар пичирилашни бошлади:

“Қайси гўрдан менга йўлиқди шу келин. Бешоҳ ҳўқиз, дейсиз. На саломни билади, на

аликни. На ойижон дейди, на дадажон. Қовоғини солиб юргани-юрган”.

“Онасига айтмадингизми?”

“Айтганимдан фойда йўқ, онасиниям бўлмагур. Киз тарбиялашни билмаган. Ўлгудай сонсиз. Идиш-товорқларни йиғиб кўяди, вақтида ювмайди. Унга уйку бўлса бас, боласи баҳона чўзилиб ётгани-ётган”.

“Ўғлингиз қаттиқроқ олсин”.

“Униям Худо урган. Ўтакетган бўш. Тунов куни кириб колсам ўғлимни сенсираб заҳрини сочяпти”.

“Эрниям сенлайдиларми? Юзига бир тарсаки тортмабсиз-да?”

“Тортгандан бадтар килдим. Ўғлимнинг хурматини жойига қўймасанг баҳрингдан ўтаман, дедим. Ўғлимниям чакириб олиб таъзирини бердим”.

“Бир умр азоби жон бўлгандан кўра ҳозирдан кавушини тўғрилаб қўйинг унда”.

“Битта боласини ўйлайман-да. Бўлмаса ҳалигача жавобини бериб юборардим”...

...Унинг фикри бўлинди. Ҳаёлини бир жойга тўпламоқчи бўлди-ю, тўпломади. Иншони ёзаман деди-ю, ёзолмади. Кулокларига уларнинг сўзлари чалинаверди. Эшитмай десаям эшитилаверди...

У нихоят амаллади, иншони ёзиб чиқди. Бироқ ғолиб бўлолмади. Адабиёт ўқитувчи сининг айтишича, тестни зўр ечибди, иншосиям жуда ҳаётий, мазмунли ёзилибди. Факат мавзудан чикиб кетганмиш...

ОЛОВ

У парвонадай оловнинг атрофида айланаверди. Кетолмай қолди ва... Жизғанаги чиқди.

Нафс ҳам олов кабидир.

КИБР

У кибрнинг устига миниб олиб, ўзини арши аълода, деб ўйлайди. Аслида бор-йўқ суюнчиғи майишибгина қолган омонат курси...

ЮЗСИЗ

Унинг ичига илон кириб олган, тўйдим демайди. Итдан ҳам юлади, битдан ҳам. Илонни тўйдираман, деб ўзиям илонга айланди – бети йўқ.

ҚАРИЯ

Қарияни маҳалла маслаҳатчиси кўргани келди. Танасини қуртдай кемираётган оғриқлар юзларида зохир, жуда ҳорғин эди қария.

Хол-аҳвол сўраб бирпас ўтириди. Келтирган совғаларини топшириб, соғлик, бардамлик тилади. Чол ҳам элни, эл бошидагиларни дуо қилди.

Кетар олдидан маслаҳатчи қарияга юзланди:

“Мен қайтай, отахон, яхши қолинг. Юз ёшларга кириб юринг”.

Қария ялт этиб унга қаради, сўнгги гапи малол келди:

“Мени қарғаманг, жон кизим”...

Дард уни исканжага олган, яшашдан толганди...

РУС ТИЛИ

Рус тили ўқитувчисига таъна килишди:

“Мактабда йиллаб рус тилини ўргатасиз, аммо бола эркин гаплаша олмайди”.

“Рус тили грамматикаси мураккаб-да, ўрганиш қийин”, деди у.

“Сиз грамматикани эмас, гаплашишни ўргатинг”.

“Грамматикани билмай туриб гаплашишни қандай ўрганади?”, эътиroz билдириди яна.

“Икки-уч ёшли бола грамматикани биладими? Аммо она тилида бемалол гапира олади-ку”...

Ўқитувчи ўйланиб қолди...

САБОҚ

У куёвини кизига иситиш учун қилмаган ирим-амали қолмади. Бир оёғи фолбинникида, бир оёғи дуохонникида бўлди. Бирори иссик-совуғини, бошқаси қайтармасини, яна бири дам сувини килиб берди. Қай бирини ичирди, бошқасини едирди, яна бирини септирди.

Пироварди шу бўлдики, куёви кизини ташлаб кетди...

Кўнгил дунёсини факат кўнгилгина иситишни ҳисобга олмади у.

ЮВУҚСИЗ

У билан бир лахза сухбат курсангиз кифоя, ҳамманинг устидан мағзава тўкиб чикади.

Афсус, ўзининг юзидағи кирни кўролмайди...

БИРНИКИ МИНГГА...

Үни ишга олиш учун хамёнини қокиб олишди чақасигача қолдирмай.

У хам одамларнинг чўнтагини қоқадиган бўлди чақа қолдирмай.

ЁМОНЛИК

Ёмонликни кўриб ҳам, ушлаб ҳам бўлмасада, у қилингандан кейин мавжуд бўлади. Ёмонлик қилган ва ёмонлик кўрган кишилар орасида яшаб юради.

Эҳтимол кун ўтиб, эҳтимол ой-у йил ўтиб мақон топади – пайдо бўлган жойига қайтади...

ТЎЛОВ

Үетмиш йил еган-ичганини бир кунда кусиб ташладики, ичак-чавоғигача ағдарилиб келди.

Ҳаром луқма барибир юқмади.

Дунёнинг ажабтуурлигини кўринг: бора-бора энг якин қариндошлар бегонага, бегоналар қариндошга айланди.

ОВСИНЛАР

Овсинларнинг қиласи иши бир-бирига тош отиш бўлди. Тошлар ака-укаларга келиб тегди. Ришталар узилди. Ҳар бири ҳар ён кетди. Бир қориндан талашиб тушганларини унутишди. Бир майизни қирқ бўлиб еганларини унутишди. Бегонага айланисиди.

...Ҳаммаси овсинларнинг бир-бирига тош отишидан бошланган эди.

ЎХШАШЛИК

Осмоннинг юзини қоплаган кора булутни факат ёмғир ёки жалагина парчалаб ташлайди ва самонинг юзи ёришиб, ерга нур энади.

Инсон худди осмонга ўхшайди. Ё сўз билан, ё кўзёш билан ичидагини тўкиб ташламаса юрагидаги зулматни куволмайди...

ВАЖОХАТ

Үнинг важоҳатидан от хуркади, соясига салом беришади, гах деса кўлига кўнишади тегишидан кўркиб.

Негаки у тегса ёмон тегади, кир излайди ва топсаям, топмасаям канадай ёпишиб, қонни суради, токи қармоғига илингандинг ранги бўздай оқариб, ҳолдан тоймагунича.

Ўзининг кири эса юз туяга юк бўлади...

КЕКСАЛИК

Үндан қочиб ҳам бўлмайди, бекиниб ҳам. Танага сездирмай кириб, ўргимчак тўридай ўраб олади. Аёл ё эркак, шоҳ ё гадо, унга барибир, соchlар кировидан, юзлар чизигидан кулиб қарайверади.

У келиши билан ёшлик синиб, шижаот ўлиб боради. Кимдир асога суюнади, кимдир хотирага. Кимнинг тилидан ҳикмат, кимнинг дилидан гурбат ёғилади. Бирор ундоқ қарийди, бирор мундоқ. Қандай қарисаям меҳрга боладай ташна, танаси оғриқ билан ошна.

Нима бўлгандаям инсон зоти борки унга етишишни, у билан юзлашишни, кексалик деб аталган дунёда ҳаёт кечиришни ният қилади.

ЁЛГОНЧИ

У ёлғонни ямламай ютди. Дуч келганни алдади. Ёлғонни чиндай, чинни Худо ургандай гапирди. Баъзан ўзи хам рост билан ёлғоннинг ўртасида адашиб кетди.

Унга ишониб юришди. Аммо... Ёлғоннинг умри киска, шубҳалана бошлишди. Кейин эса... Ишонмай кўйишди... Ва ниҳоят тингламайдиган бўлишди...

... Мабодо унинг уйига ўт тушса, ёниб кетиши аниқ.

БИРОВНИНГ ЭРИ

Бу кизнинг истараси иссик, чиройликкина эди. Кимлар харидор бўлмасди унга. Аммо қиз шошилди. Хотинига минг бир айни тўнкаб ташлаган икки болали эркакка тегиб олди.

Онасининг, кўярда хотин ёмон, чиқарда эр, ишонма, деганига қулок солмади, билганидан колмади ва келинлик либосини кийди.

Орадан уч йил ўтди. Унинг бўйида бўлмади. Шифокорлар узок даволаниши лозимлигини айтишди.

Бироннинг эри эрлик килмади. Икки боланинг кадрига етмаган нодон фарзанд кўрмаган аёл-

нинг қадрига етармиди? Жавобини бериб юбориб, олдинги аёли, болаларини олиб келди.

Киз кўп эшикларни кокиб, ёрдам сўради-ю, юпанч топмади. Негаки, эр у аёлники, фарзанд у аёлники, никоҳ у аёлники. Ўз-ўзидан уй-жой ҳам уники, конун аёлнинг тарафида эди.

Бахти очилганида кўзи кўр эди, кўзи очилганида бахтсиз бўлди киз.

ГУМРОҲ

Ү хамиша “Мен” деб турди, бошқаларни камситиб, ерга уриб. Аммо “Мен”и кимлигини унинг ўзиям билмайди.

ЁЗУФ

Даврони келганида у гул ҳам олди, пул ҳам. Факат дил олмади.

Даврони кетганида дилда ҳам қолмади, тилда ҳам.

ФАРЗАНД

Кимдир боласининг сояи давлатида, кимдир отасининг ҳифзи ҳимоятида яшайди. Ўғил

ё қизнинг камолини кўриш-ку олий саодат, бироқ отасининг сояи давлатида қолиб кетиб, офтоб кўрмай ўсган фарзанднинг ранги барибир заъфарон, худди сояда ўсган гул каби.

Инсоннинг тиргаги амал ёки давлат эмас, ақл ва илм бўлганига нима етсин?

ГИРДОБ

Нари ёғини сўрасангиз у аллақачон элликнинг тагига бориб қолган-у кўзга яқин жувонга бир қармок ташламаса кўнгли жойига тушмайди. Бўйи бўйи билан бўйлашиб қолган ўғил ҳам, ўлдим-кўйдим қилиб уйланган аёли ҳам эсидан чикиб кетади. Тўғрироғи, аёлинни касалдан олиб, касалга солиб, ўзини бечораҳол қилиб кўрсатади.

Натижа шу бўлдики...

Кимдир кармоғига илинди, кимдир кармок учидаги хўракни олиб кочди. Бошқа бирори эса... Нима қилди дерсиз?.. Қармок билан қўшиб ўзиниям гирдобга тортиб кетди...

Ана холос...

ДИЛБАР

Мен у билан беш йил бир курсда ўқиб, бир ётокхонада турганман. Бир-бишимизга шумлик

ҳам, шўхлик ҳам, ҳазил-мутойиба ҳам килиб, умримизнинг олтин дамларини чиройли нишонлаганмиз.

Шундан кейин уни қарийб кирқ йил кўрмадим. Фаргона ҳакида эшитиб қолсам кўз ўнгимда у намоён бўлган. Бирор фаргоналиикман, деса уни сўраганман, уни эслаганман. Унинг борлигини, мен нафас олаётган ҳаводан нафас олаётганини хис этиб юрганман.

Иттифоко, дугонамнинг ҳаётдан кўз юмганини эшитиб қолдим. Юрагим шув этиб кетди. Назаримда, усиз Фаргона ҳувиллаб қолгандай туюлди. Худди қалбим каби. Кўз ўнгимдан сиймоси кетмай қолди Дилбарнинг.

Ўйлайман: инсон ҳаёти мобайнида қанчадан канча дўсту дугона ортиради. Қувонч ва ташвишларини баҳам кўради. Ҳаёт шунакаки, баъзан уларни йиллаб, ҳатто умрбод кўрмайди, айникса, курсдошларни. Бироқ нигоҳлар тўқнашиб, кўзлар бир-бирига тушмаса-да, дўстининг бор экани, яшаётганини хис этиш хотиржам тортиш учун асос экан.

Қарийб кирқ йил кўрмаган дугонамни хотирлаб кўзимдан ёш оқмади, аммо дилим йиғлади.

ОЛМА

Олманинг тагига олма тушди. Лекин ичига курт тушган экан, чириди, хеч нарсага ярамади. Дарахтига қарасангиз-ку салобатли, боғда битта бўлиб турибди гуркираб, яшнаб...

Шундай олмадан чирик мева етилганига акл бовар қилмайди...

ХАСИС

На тузук кийди, на тузук еди у. Бир мири камайса, ўша тун кўзига уйку келмади. Бирорга хасни-ку рано кўрмади, ўзидан ҳам қизғанди доим.

У мол-дунёси устига ўтириб олиб, дунёдан ўтиб кетганини сезмай ҳам қолди.

ИМОРАТ

Үбу бинога институтни тугатиб, айни куч-кувватга тўлиб кириб келди ва ёши олтмишга етиб чикиб кетди...

Йиллар унга таъсирини кўрсатди: соchlарига оқ тушди, юзларига ажин. Бирок иморат хануз ўша-ўша: салобатли, савлатли, мағрур, тик.

Инсоннинг кўлидан нималар келмайди. Лекин ўзига қолганда барибир ожиз...

ШАЙТОН

У шундоккина шишанинг ичидаги ётади. Сувдай мусаффо, шаффоф, тиник. Шишадан чиққандан, ичга киргандан, кейин шайтонга айланади.

Шайтоннинг қилмиши ҳаммага аён...

ХУДБИН

У ўзидан зўрларнинг бирортасини кўкартиrmади, ҳали ниҳол пайтидаёқ илдизига болтаурди.

Атрофи чўлга айланди оқибат.

АЁЛ

Бу аёлни ғам қаритган. Кўзлари ёшли, қарашлари бепарво, маънисиз. Ўз ташвишларини ҳикоя қилиб, ҳорғингина қулиб кўяди. У ҳозир хеч нарсани истамайди, фактат тинч кўйсалар бас. Қаергадир бош олиб кетса-ю, эрини, унинг хушторларини кўрмай яшаса. Ғам билан

йўқотган соғлиғини тиклаб олса. Ҳеч ким унинг иззат-нафсига тегмаса, масхара қилмаса.

Лекин ўртада фарзандлар бор. Тўрт нафар ўғил-киз! Улар аллақачон улғайиб, оқ-коранинг, яхши-ёмоннинг фарқига бориб қолишган. Озми-кўпми ота-она ўртасидаги совук муносабат сирларини ҳам пайкашади. Лекин бола барибир бола-да. Ота-онага ақл ўргатиб ножӯя хатти-харакатини коралай олмайди. Қўлидан бир иш келмайдиган иложсиз болалар!

Баъзан аёлнинг кўзига болалари ҳам кўринмай колади. “Отанг нима каромат кўрсатдики, сенлар кўрсатасан”, дейди. Лекин бу сўзларни у фактат ичиди айтади, холос. Бу ҳам жаҳли чикқани боиси. Аслида у болаларини каттиқ севади, ўшалар борлиги туфайли ҳаётга қизиқади. Эри билан ажралишган заҳоти уларни олади-ю, узок-узокларга бош олиб кетади. “Юзи курсин гулдай турмушимга тикан бўлиб санчилганларни. Кўрмай ҳам, куймай ҳам уларни”, – дейди ўзича.

Аёлни эри шу кўйга солди. Бинойидай яшашарди. Кейинроқ эрининг қадам босиши бежо эканлигини сезиб қолди. Уни инсофга чакирди. Бўлмади. Эрининг ким билан дон олишиб юрганини ҳам эшилди. Кошки тузукроқ бўлса, ахлоқсиз, нопок бир жувон.

Аёл киши баҳтини бирорга бериб қўйишни истармиди? Эр бермоқ жон бермоқ билан баробар, ахир. Ўша жувон билан сухбатлашди, натижа бўлмагач, унинг иш жойига борди. Сўнг эрининг раҳбарлари хузурига йўл олди. Лекин ёрдам беришолмади ва ноилож: “Ўзига инсоғ бермаса қийин”, деб қўйишди.

Аста-секин ўша нопок аёл уни масхара киладиган одат чикарди. Эри уйга келмаган тунлар тонг сахардан телефон жиринглайдиган бўлди. Уйку аралаш: “Қалайсан энди, эринг бугун ҳам менинг ёнимда. Баттар бўл”, деган сўзларни эшилди. Бир эмас, икки эмас, кўп марта. Жахлидан телефонни чилпарчин килди. Ўз хотинини қандайдир аёлга масхара килдириб қўйган эрига нафрати ошди. Кўришга тоқати қолмади.

Судга ариза берди...

СИНГАН КЎЗА

У вазифадан кетган куни кўпчилик юз ўғирди. Кимдир уни босар-тусарини билмай қолганди, деса, бошқаси нафси ҳакалак отди, деди. Яна кимдир қўполлигини, бошқаси та-магирлигини эслади.

Хуллас, биروف у, деб, биروف бу, деб, оғзига солиб юрган “мум”ни туфуриб ташлади.

Кўзаси синган куни у Ҳеч Кимга айланиб колди.

БУ НИМА?

Шунақасиям бўларкан. Унга тинимсиз тош отди биروف. Қай бир тош ёнидан ўтди, қай бири нишонга тегиб, ёмон отли қилди. Қалбини изтиробга солиб, муддаосига етди ва роҳатланди тош отган кимса.

У эса... Ҳаммасини кўриб, ҳаммасини билиб турди ва... Кечирди, кечирдигина эмас, унга яхшилик ҳам қилди.

Кимдир бу бағрикенгликни нуқсон деди, кимдир фазилат.

Мен эса ўйлайман: юракда сени тилка-пора қилмокчи бўлган рақибга нисбатан нафратнинг бўлгани яхшими, бўлмаганими? Нафратнинг борлиги табийдир. Йўклиги-чи? Нафратдан кечиримнинг устунлиги-чи? Қалбда ўша нафратни уйғотолмаслик-чи?

Чиндан ҳам бу нуқсонми ё фазилат?

Арча ўзининг гўзаллигидан шу куни илк дафъа ранжиди. Ҳамишалик баҳор ранги, дилларни қитиковчи муаттар бўйи унга кайгу келтириди. Заминнни кучиб қуёшга интилар, кўркам ва пурвикор эди у. Лекин бугун...

Танида арранинг тинимсиз гичирлаши ва ундан тараляётган оғриқдан аъзойи бадани титрар, ўткир тишлар жон риштасига қадаларди. У умрининг завол топаётганини сезди, барглари шивирлаб фарёд кила бошлади:

“Мен шу қадим тоғлар фарзандиман. Улардан жудо қилманг, мени қийнаманг...”

Унинг сўзларини тушунмадилар. Баргларнинг нолакор фарёдини англамадилар. Арча охиста кулади.

Сўнг унинг бўйнига сиртмоқ солиб, яланглик томон судрадилар. Бу фожиани кўришни истамаган ён атрофидаги майда-майда тоғ тошлари думалаб маконларидан бош олиб кетдилар. Йўл-йўлакай арчанинг шохлари тегиб ўтган митти арчалар чайқалиб-чайқалиб, норозиликларини ифода этдилар.

Юз йилларнинг гувохи эди бу арча. Юз йилларда у қоматини ҳозиргидай мағрур тутганди.

У тоғлар фарзанди эди. Жон-жаҳди билан тирмашиб, уларни емирилишдан асрарди.

Бугун эса... Баргларига ўйинчоклар илиш учунми, шохларини нимталаб-нимталаб ёғочга айлантириш учунми судраб кетяптилар. Тоғлар гувохи бўлган ўғирликни одамлар гувохи бўлмаслиги учун атрофга ўғринча қараб-караб кўядилар.

Йўл-йўлакай уларнинг ортидан хавотир қувиб бораверди...

ҚУЛАШ

Улар бир амаллаб томга чикиб олишди. Олдиндагиси бошқаларига қўлинни узатди. Бирини енгидан, бошқасини ёқасидан тортди. Хуллас, чикариб олди ва бир жамоага айланишди.

Бироқ... Орадан кўп ўтмади. Томга нима учун чикканларини унутиб қўйдилар. Баландлик қўлларини ўстирди, узун қилди, ушлаганларини узиб оладиган бўлдилар. Баландликнинг хавосидан хаволаниб, босар-тусарларини билмай, оёклари остини кўрмай, ерга кулаб тушишди.

Бирининг оёғи синди, бошқасининг кўли. Яна бирининг бурни қонади.

Қолганларини айтмай қўя колай...

Унинг ўзи сўз сўраб олди ва сайраб кетди. Лаби лабига тегмай гапирди. Боламдан бошлаб бўтамга ўтди. Ботган ҳам қолмади, қотган ҳам. Охири насиҳатга айланди. “Биз бундай яшаганмиз. Биз бундай ишлаганмиз. Сиз ҳам шундай яшанг. Сиз ҳам шундай ишланг”...

Унинг сўзларини тинглаётганлардан бири-нинг энсаси қотди. Бошқаси мийиғида кулди.

“Бу киши насиҳатгўй бўлиб колибдиларми? – деди бири иккинчисига. – Етмишга етганларидан кейин акллари кирибди-да”.

“Ҳали ҳам акл кирмаган кўринади, – деди унга жавобан иккинчи аёл. – Йўқса гапиришдан олдин ёқасини исказ бўлгарди. Бу гапларни айтишга уяларди”.

“Унга ўхшаганларда уят нима килсин? – деб гапга қўшилди учинчи аёл. – Мен у ишлайдиган идорага ишга кирмоқчи бўлганимда поччангиз ор қилиб рухсат бермаган. Роса алам килганди”.

Фийбат ғийбатга қўшилди. Доира кенгайиб кетди. Залнинг бу бурчидан бошланган гап зум ўтмай нариги бурчига етиб борди.

“Қизини келин қилинг, дейишганди, унамадим, – деди кимдир. – Онасини кўриб қизини ол, деб бежизга айтмаганлар”.

“Яхшигина набираси бор экан, – деди бошка бирор. – Бувисини истиҳола қилиб ҳеч ким сўрамай турибди”.

Хотингларнинг бири қўйиб, бири гапирди. Зал ғала-ғовур бўлиб кетди. Аёл кўрдики, уни тинглашмаяпти. Одамларга зарда қилиб жойига ўтирди.

Ҳа-я... Инсоннинг босган қадамидан из колади. Бу изга тавқи лаънат илашса борми, йиллар ҳам ўчириб ташлолмайди.

Энг ёмони, тавқи лаънатнинг болаларга ва ҳатто... набираларга мерос бўлиб қолиши...

ИФВО

Үнинг ранги қоп-кора. Гўё тунда ойсиз ва юлдузсиз зимистонда зулматга коришиб қоласан. Қай томонга юришни билмай тўрт ён аланглаб ёруғлик кидирасан. Қани энди нур кўринса! Зулмат қоп-кора рангга белаб ташлайди. Зимистондан чиқиб олсанг-ку марра сеники. Чиколмасанг...

Ноилож юрагингни ушлайсан...

У худди аччиқ тутунга ўхшайди. Тутун нафақат суратингни, сийратингни ҳам қоплайди. Нафас олишга кийналасан. Тутунни ҳайдамоқчи

бўласан-у, кўлингдан келмайди. Ҳали бурнингдан, ҳали оғзингдан ичингга кираверади. Нафас олганинг сайин вужудингни курум босаверади. Димоғингни қоплаган курумни қокиб ташламоқчи бўлсанг, юрагингга келиб тўкилади.

Яна юрагингни ушлайсан...

Унинг азоби тиш оғриғига ўхшайди. Симсим оғриб асабингни эговлади. На юрганингда, на турганингда, на ётганингда ҳаловат бўлади. Тишни-ку суғуриб ташласанг кутуласан. Уни-чи? Суғурсанг бир нави. Йўқса...

Юрагингни ушлаб тураверасан...

Унинг кучи... Унинг кучи касд қилса кудратли. Бу кудрат олдида баъзан ҳеч ким ип эшолмай қолади. Бу кудрат қопагон итдай юрагингни тишлаб туради. На кўйиб юборади. На юлиб олади.

Ноҳақ тухмат билан бемаҳал ўлимни бирга кўйишлари бежизга ўхшамайди.

АМАЛ

У креслога ўтирганди ўрнидан туролмай, тургиси келмай қолди. Ўзини бошқача хис этди. Вужудида енгиллик туйиб, учиб юргандай бўлди. Дастлаб гапи ўзгарди: бироз катъийлашди, бироз

кескинлашди. Кейин юриши, кийиниши ўзгарди. Бироз викорли, бироз салобатли кўрингиси келди. Давранинг тўрига интиладиган бўлди.

Амал уни кўтарди, у амални кўтаролармикин?

ВАЪДАБОЗ

Хеч кимнинг дилини оғритмай, ҳаммага мулозамат кўрсатиб, гапини охиригача тинглаб, кўйнини пуч ёнғокка тўлдириб, эшиккача кузатиб кўяди у.

Бирок... Орадан хафталар, ойлар ўтса хам хеч нарса ўзгармайди, ваъда ваъдалигича тураверади. Бўларини бўлди килиб, бўлмасини узиб бермайди.

Ёнғоқдай шох ёзди-ю, меваси пуч чиқди унинг:

МОСЛАШУВ

Бир юрга келиб қолди: одамлари калондимоғ, тош-тарозилари баланд, тиллари бегона. Шундай бўлса-да, уларга кўнглини очди. Ўз тилида сўзлади, уларнинг эшитишларига, англашларига ишонди.

Ўзга юрт кишилари уни эшитишди-ю, бирок гаплари гапларига қовушмади.

Уларнинг тилини тушунмай қийналди. Кейин эса... Икки юрт оралиғидаги одамлар түшунтиришди: уларнинг тутумларини, тоштарозиларини, ўзга тилни хуш кўрмасликларини...

Нихоят уларнинг тилини тушунди-ю, гапиришга қийналди. Гапириб кўрмаган тилда сўзлаш оғир экан. Ўз юртига кетгиси келди...

Аммо... Уларнинг тилида сўзламагани учун елкасига тоғдай юк билан юртига жўнатишиди. Бу юқдан халос бўлиши керак эди. Бу юкни итқитиб ташлаши керак эди. Бунинг учун уларнинг тилида сўзлаши керак эди.

Ноилож ўзга тилни қабул килди...

“ОВ”

Унинг киссаси бўшаган куни мурид “ов”ига чиқади. Эртадан кечгача “ов” килиб, киссасини қаппайтириб, кўнгли жойига тушиб маконига қайтади. Муридларидан бирортаси кўнглидан чиқмаса борми, эртасиёқ бир ғавғони бошлайди.

Муридлар ҳам “зўр”: ғавғонинг келишидан совғанинг кетишини пеш билишади.

Бу аёл кўзгуга караб, буришган юзларини кўриб, ёшлиги эсига тушиб, ўкириб-ўкириб йиғласа керак. У ўша пайтда оддий бир ҳақиқатни – ёшлик абадий эмаслигини, қачондир кексайиб қолишини, ҳозир унга хушомад қилиб юрган эркакларга керак бўлмай қолишини англааб етмади. Эҳтимол, англаган бўлса англаандир, лекин иродасизлиги, енгил табиати сабабли ўзига инъом этилаётган совға-саломлардан воз кечолмади.

Нима бўлганда ҳам у бугун кариган. “Куш уясида кўрганини килади”, деганлариdek, фарзандлари ҳам ноқобил чикди. Ҳатто кизлари уйга ҳар хил кимсаларни бошлаб келиб, онани бир четга чикариб кўйдилар. Аёлнинг суюнадиган суюнчиғи колмади. Баъзан бир пиёла сув тутадиган кишига зор бўлади.

У кўчадан кетаверади. Маҳалла-кўй ундан йироқ юришга ҳаракат қилади. Ўзларининг панд-насиҳатига бир пайтлар кўл силтаб кетган аёлга: “Бу ҳам сенга камлик килади”, дегандай караб қўйишади.

Кексайганда ёлғизлиқдан ёмони йўқ экан. Факат кўз ўнгига кўз очиб кўргани – турмуш

ўртоғи гавдаланади. “Қандай яхши яшардик. Қандай баҳтиёр эдик. Нима етишмади ўзи менга, нега унга хиёнат қилдим, алдадим”, – дейди-ю, “дод”, деб юборгиси келади. Эрининг иккинчи хотини билан тинч-тотув яшаётганини эшишиб колса, ичидан зил кетади. Оилани, баҳтни кўмсайди. Лекин энди фойдаси йўқ. Бир пайтлар ўзи қўл силтаб кетган хаёт бугун хотирага айланган.

Энди уни ана шу хотиралар жазолайди.

МУЛКДОР

Ү ўзини мулкдор, деб ҳисоблайди. Бир кунимга ярайди, деб бўш турган жой борки сотиб олаверди.

Бироқ... Мулкни сотиб олиш мулкдорликни белгиламайди. Мулк даромад манбаига айлангандан сўнггина у мулкдорга айланади.

МАҚОЛА

Ёш мухбир кўп йиллар хўжаликка раҳбарлик килган мархум киши ҳакида мақола ёзиб, мухаррирга олиб кирди.

— Ўлган ўлди-кетди, тириклар ҳақида ёзинг, — деди мухаррир ва мақолани суреб кўйди.

— Узр, устоз, бир кўриб чиқинг, яхши ёзилган. Ўқиганлар, ҳалол ишлаб, ҳалол яшаган кишини унтишмаскан, газетада ёзиб чиқишибди, дейишади. Мақоламнинг тарбиявий аҳамияти бор.

Мухбирнинг сўзлари мухаррирнинг ғашига тегди.

— Ўлган одамни тинч кўйинг, ука, нима, ёзишга мавзу тополмай қолдингизми?

— Йўғ-е, шунчаки, яхши раҳбар эди-да.

— Ҳаётда яхшилар кўп. Чалғиманг. Боринг-да, ишингизни давом эттиринг. Навбатчи экансиз, газетага яхшилаб қаранг, хато ўтмасин.

— Хўп.

Мухбир хомуш тортиб чиқиб кетди ва мақолани галадонига ташлаб кўйди.

Орадан бир-икки ой чамаси вақт ўтиб, Хотира ва қадрлаш куни эълон килинди. Эртаси куниёқ мухаррир мухбирни ёнига чакирди.

— Ҳей бир мақола ёзгандингиз, марҳум раис ҳақидамиди, саклаб кўйган бўлсангиз керак. Олиб келинг, газетага берамиз.

Мухбир ялт этиб мухаррирга қаради. У ходимиининг нима демокчилигини сезди.

— Ука, мендан сизга акалик маслаҳати, замон кўтарган ишни килинг, иложи бўлса сувниям

пуфлаб ичинг. Маколангизни чиқаришнинг энди фурсати келди...

ҮЛМАГАН ҚУЛ

Ү кўпга бош, лекин нафсиға кул. Фурур ва ори, инсоғ ва диёнати, имон ва виждони ўлиб бўлди.

Факат нафси ўлмади...

ВОИЗ

Воиз инсон маънавияти ҳакида ваъз ўкиди. Ҳар бир сўзи ҳикматга йўғрилган, пурмаъно эди. Маза қилиб эшилди ва воизга ҳавас қилди у. Ўзининг айрим қиликларидан уялиб кетди ҳатто.

Тасодифни қарангки, орадан бир ҳафта ўтиб бошқа шаҳарда, бошқа даврада учратиб қолди воизни. У ғирт маст, айтаётган гапининг фарқига бормас, ёнидаги жувонга тегажоғлик қилас, ўзини, ўзлигини бутунлай унугланган, тамоман бошқача одамга айланганди.

У енгил нафас олди. “Ўзим ундан минг чандон яхшироқ эканман”, деган фикр келди хаёлига.

У жуда кудратли, инсонни инсон, гохида мисоли ҳайвон қиласи. Илонни инидан, мусулмонни динидан чиқаришга, юракни чилпарчин, дунёни остин-устин этишга қодир. Чикса қайтмайди, жарохатласа, тузалмайди – чандик қолади. У ҳам нажоткор, ҳам шафқатсиз. Ундан кимдир гул ясади, кимдир тикан.

Ундан дунё яралган.

У – одамнинг кўзгуси.

ҲОСИЛ

У келинининг икки оёғини бир этикка тиқиб, юрар йўлинни чизиб берди. Сикувга олди. Бу ён бурилсаям гап қилди, у ён бурилсаям. Жиловни ушлаб олиб, кўйиб юбормади. Чўчиб, кўрқиб туришини иззатга йўйди, Хаддини билмади.

Оқибат қадаган уруғи ҳосил берди: келиннинг қалбида меҳр ўрнини қаҳр, хурмат ўрнини нафрат эгаллади. Оилада мувозанат бузилди.

...У экканини ўрди.

ИБОДАТ

Үнинг беш вакт намози канда бўлмайди, рўзаям тутади. Ўзича такводор! Аммо тилидан заҳар томади. На муомалани билади, на муросани. Сал нарсага дилни вайрон қиласди.

Асл ибодат – кўнгил олишдан бошланишини унутган у.

ШЎРВА

Келин шўрвани шўр қилди. Қайнота бир хўплади-ю, афтини буруштириди. Кейин қайнона, кейин эр, қайноға, қайнисингил... Ҳамманинг кўлида қошиқ қотиб қолди. Ҳали синашта бўлмаган ёш келиннинг кўзларида ёш қалқиди. Уятдан юzlари қизариб кетди.

– Эсим курсин, шўрвага туз солганимни келинга айтмабман. Қаригандан кейин ана шу-да, хотирайм сусаяркан. Овкатни килаётган келин бўлса, туз солиб бало бормиди менга? Мен нодон, мен эсар. Бўлгани бўлди. Ҳозир йўлини қиласман. Факат бирпас кутиб турасизлар”...

Қайнона ўзини койий-койий “йўлини қилишга” тушди.

Аслида шўрвага туз солмаган эди у.

ИСТИҚЛОЛ

Далада ўсаётган ниҳолни ҳеч кузатганимисиз? Күёш қайси томонда бўлса ўша томонга чўзилади. Офтобдан нур эмиб, ранги тиниклашади, улғаяди ва улкан дарахтга айланади.

Истиқлол ҳам қуёшга ўхшайди. Истиқлол ҳам юртимиз осмонини қуёшдай ёритиб юборди. Ундан нур олиб, ундан куч олиб, ундан фахрланиб улғаймоқда ҳар бир ниҳол...

Унинг савлатиям бор, салобатиям. Онадай азиз, отадай улуғвор у.

ДУНЁ

Бир пайтлар дунё уни қучок очиб кутиб олган, дунёли қилганди. Ўшанда осмонлардай кенг кўринган эди қўзига олам.

Йиллар ўтиб тўшакда михланиб қолди у. Мўъжазгина уй ва икки энлик каравот дунёсига айланди. Қафасдай тор бўлиб қолди олам.

Дунё – аслида бевафо.

Xар байрамнинг ўз файзу таровати, жозибаси бор. Хурсандчилик, шодумонлик умумий бўлсада, хеч бири бошқасини такрорламайди, бири бирига ўхшамайди. Худди шундай Янги йил ҳам ўзига хос гўзал ва латофатли.

Янги йил дунё оппок рангларга корилгани билан, камалакранг ўйинчоқлар осилган арчалари, Қорбобо-ю Қорқизи билан, юзларида табассум жилва қилган болалар билан гўзал. Тўкин дастурхони, оила аъзоларини бир жойга тўплагани билан файзли, тароватли, барокотли.

Янги йил яқинлашган сари юраклар жунбушга келади. Ўтаётган ва кираётган йил ўртасида – бўсағада, соат миллари 12 га яқинлашганда юрак тилакларга лиммо-лим тўлади, дилдагилар тилга кўчади:

– Эл шод бўлсин, мамлакат обод... Хона-
донлар файзга тўлсин... Соғлиг-у омонликдан,
тинчлиг-у хотиржамликдан айирмасин... Янги
йил яхши йил бўлсин...

“МАЙЛИКУ-Я...”

У маҳалла раиси олдига келиб ўзини начордан олиб начорга солди ва моддий ёрдам сўради.

— Кўлдан берганга куш тўймайди, ука, — деди раис. — Яххиси юзта товуқ олишинингга кўмаклашаман. Кунига 70-80тадан тухум туғсаям рўзғорингга барака киради, сотиб, пул топасан. Товуқ етти хазинанинг бири, ахир.

— Майлику-я, — деди у чайналиб. — Лекин ҳовлимда товуқ катагим йўқда...

— Унисигаям кўндим, — оқсоқол ён босди. — Иккита йигитга айтаман товуқ катак қуришинингга ёрдамлашади. Бўладими?

— Майлику-я, — у яна чайналди. — Бир товукка ҳам сув керак, ҳам дон, деганларидаи, юзта товукни қандай боқаман?

— Бу ёгини ўйлама, — раиснинг энсаси қотсаям сездирмади. — Тўрт-беш кунга етадиган ем топиб бераман.

— Майлику-я, — баттар чайналди у. — Аммо тўрт-беш кундан кейин нима киламан. Товуқ боқишининг ўзи бўладими?

Раиснинг жаҳли чиқди:

— Унда кетавер. Товуқларни катаги бор, дондун топадиган бошқа оиласа берамиз. Бўладими?

— Майлику-я, моддий ёрдамчи? Моддий ёрдам нима бўлади?

— Моддий ёрдам сенга тўғри келмайди!.. Сурғалтагингни...

У ўша куннинг ўзида раиснинг устидан шикоят ёзди...

“МАЊНАВИЯТЧИ”

Мањнавиятчига савол беришди:

— Кейинги пайтларда мањнавият хакида кўп гапириляпти. Сиз бу борада нималар киляпсиз? Аввал айтинг-чи, мањнавиятнинг ўзи нима?

У бирпас каловланиб турди-да, кейин жавоб қайтарди:

— Узр, мен таътилда эдим, куни-кеча ишга чиқдим...

ДАВРА

У даврага кириб олиш учун даврабоининг атрофида парвонадай айланди. Кўнглига йўл топиш учун қилмаган илму амали қолмади. Алал оқибат сукила-сукила пинжига кириб олди ва аввал энг якин одамига, кейин қўйнидаги илонга айланди.

Даврабоши ундан кутулолмай ҳалак...

Бошлигининг ўрнини эгаллаш учун оёғи куйган товукдай чор тарафга ютурди у. Игнадай хатосини туядай кўрсатиб муттаҳамга чиқариб кўйди раҳбарини. Таниш деганинг-ку ишга солди, бегонанинг ҳам кўнглига қўл сукиб кўрди курсига ўтирмок орзусида. Бирорга буни, бошқага уни ваъда қилди ҳали етиб келмаган мартабани кафолатга кўйиб.

Пойдевори маҳкам экан бошлигининг. Куламади, кулатолмади.

Мансаб – юурганники эмас, буюрганники.

Лола ЎРОҚОВА

КҮЗГУ

Мухаррир: Алишер Назар

Бадний мухаррир: Шуҳрат Мирфаёзов

Техник мухаррир: Ҳосият Ҳасанова

Мусаххих: Доно Тўйчиева

Саҳифаловчи: Умида Валижонова

Нашриёт лицензия раками АI № 290. 04. 11. 2016.
2018 йил 15 сентябрда босишга руҳсат этилди.

Бичими 70x100 $\frac{1}{32}$. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма. 7,48 шартли босма табок.

Офсет босма. 7,48 шартли босма табок.

5.6 нашр босма табоғи. Адади 1000 нұсха.

549 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.


100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz

info@gglit.uz



ISBN 978-9943-5011-6-4



9 789943 501164